

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ.

“Тасдиқланди”

Ижтимоий – иқтисодий факультети
Илмий кенгашида муҳокама қилинган
ва тасдиқланган

Кенгаш раиси: _____ Жураев А.Т.

“ ____ ” _____ 2013 й.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

5340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳаси
шифр таълим соҳаси

5340100 - “Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)” таълим
шифр таълим йўналиши

йўналиши талабалари учун

«Инфратузилма асослари»

фанидан

маърузалар матни

Бухоро - 2013

Маъруза матни Ўз Р ОЎМТВ нинг 2010 йил 21 октябрдаги 396 - сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув дастури асосида тузилди.

ТУЗУВЧИЛАР: **Орипов М.А.** – Ижтимоий – иқтисодий факультет
декани,и.ф.н., доцент.
Явмутов Д.Ш. - “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси.

Инфратузилма асослари фанидан маърузалар матни. – Б.: БухДУ. 2013. - 100 б.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. и.ф.д., проф. Наврӯз-Зода. Б.Н. – БухДУ, Ижтимоий – иқтисодий факультет, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори.
2. и.ф.д., доц. Раҳмонов Х.О. - БухДУ Ижтимоий – иқтисодий факультет, “Иқтисодиёт” кафедраси мудири.

Маърузалар матни «Иқтисодиёт» кафедраси мажлисида муҳокома килинган ва тавсия этилган.

(Кафедра мажлисининг 2013 йил “25” август 1 – сонли баённомаси).

Кафедра мудири **и.ф.д., доц. Раҳмонов Ҳ.О.**

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши барча тармоқларнинг ўзаро узвий боғлиқликда ривожланишини талаб қилади. Ўзбекистонда ялпи миллий маҳсулотнинг аксарият қисми агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқарилаётганлиги уларнинг ўзаро боғлиқлик доирасини янада кенгайтириш заруратини келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётида агросаноат мажмуи самарадорлигининг асосий мезони яқуний маҳсулот қиймати ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот нобудгарчилигини пасайтиришда, тармоқларни етук кадрлар билан таъминлашда, уларнинг меҳнат қобилиятини тиклашда, шунингдек, АСМ тармоқларининг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлашда инфратузилманинг аҳамияти катта. У ўзаро боғлиқ икки таркибий қисмдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмани ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қилиб, маълум маънода унинг таркибий бўғини ҳисобланса, ижтимоий инфратузилма АСМни кадрлар билан таъминлашга, ходимларнинг соғлиғини сақлашга, турмуш даражаларини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий инфратузилма ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиётнинг реал сектори билан бевосита боғлиқ.

АСМ тузилмаси шундай мураккаб вазифалар тизимидан иборат. Ундаги барча унсурлар бир-бири билан шу қадар узвий боғланганки, улардан бирининг ривожланишда орқада қолиши, бошқаларида самарадорлик пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Шу боисдан ҳам республика АСМнинг яхлит ривожланишини таъминлаш ўта муҳим. Ушбу қўлланма инфратузилманинг моҳияти, унинг таркиби, вазифалари ва ривожланиш тамойиллари билан боғлиқ масалалар моҳиятини очиб беришга мўлжалланган.

1 МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНДА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ЎРНИ.

Режа:

1. Инфратузилма асосларини ўрганиш зарурати.
2. Инфратузилма асослари фанининг предмети ва мақсад-вазифалари.
3. Инфратузилма асослари фанининг бошқа фанлар билан алоқаси ва унинг урганиш усуллари.
4. Инфратузилма тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва мазкур атаманинг вужудга келиш тарихи.

Инфратузилма асосларини ўрганиш зарурати. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлашуви жараёнида кадрлар тайёрлаш ва умуман таълим тизимида ҳам туб узгаришлар юзага келмоқда. Айни вақтда таълим тизимида ҳам янги фан ҳамда уқитиш услублари тобора кенг кириб бормоқда. Албатта мамлакат таракқиётини даражасини унинг мутахасис кадрларининг салоҳияти ва касбий малакасининг сифати белгилайди. Шундай экан, таълим тизимининг юксак вазифаси: булажак мутахассиларни халқаро андозалар ва талаблар асо-

сида тайёрлаш ҳамда халк хужалиги тармокларида фаолият курсатаётган мутахассисларни малака ва касбий даражаларини ҳозирги замон талабига мос равишда оширишдир. Мазкур юксак вазифани бажаришда инфратузилма хизматларини курсатувчи тизимини чуқур биладиган иктисодчи-мутахассисларни етказиб беришга жиддий эътибор қаратиш манфаатдан холи эмас. Чунки, информатсион ҳамда компьютер асри саналаётган ХХІ асрда дунё микёсида яратиладиган ялпи маҳсулотни 75-80% хизмат курсатиш соҳаси улушига мос келиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларнинг 60% ортиқ (АҚШ 80%) ялпи ички маҳсулоти хизмат соҳаларида яратилади ва ишчи кучининг ҳам қўшма қисми хизмат соҳасида банд. Бизнинг республикамизда расмий статистик маълумотларга қўра 2003 йилда мамлакат ЯИМ 9,4% транспорт ва алоқа, 10,4 % эса савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техник таъминот маҳсулот тайёрлаш ва сотув улушига тўғри келган бўлиб, мазкур соҳаларда мувофиқ равишда 4,5% ва 8,5% аҳоли банд бўлган. Қўриниб турибдики, бизнинг мамлакатимизда хизмат курсатишнинг асосий соҳаларида янги қиймат ҳамда янги иш жойларининг яратилиши бозор иктисодиёти даражасида эмас экан. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов 2004 йил 7 февраль Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий – иктисодий ривожлантириш қўнлари, иктисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иктисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишдаги маърузасида: «...қайси тармок ва соҳалар талаб даражасида ривож топмаётганини аниқлаб олишимиз зарур.

Бу борада бизда ҳали ишга туширилмаган катта имкониятлар мавжуд. Буни айниқса хизмат курсатиш ва сервис соҳалари ривожининг орқада қолаётганида қўришимиз мумкин»

Ҳақиқатан ҳам бугунги хизмат курсатиш даражаси бозор муносабатларини янада ривожлантиришни таъминлай олмайди, гарчи бу соҳада бир мунча ўзгаришлар юзага келган бўлса ҳам. Масалан, аҳолига коммунал хизмат курсатиш соҳасини олайлик, бу соҳада эркинлаштириш том маънода амалга оширилди. Яъни коммунал хизмат курсатиши давлат тасаруфидан чиқарилиб, уй-жой ширкатлари ҳамда бошқа маҳаллий ташкилотлар бўлиб этилди. Бироқ аҳолига коммунал хизмат курсатиш тўйдан ўзгармади. Асосий сабаб уй-жой ширкатлари ва бошқа маҳаллий органларни бошқарувчиларининг маълум қисмининг мазкур соҳадаги билим савияси, тажриба ва қўникмалари етарли даражада эмас. Уларнинг малакасини ошириш учун махсус курсларда ўқитиш зарур. Бундай ҳолатни инфратузилма хизматлари курсатувчи бошқа соҳаларда ҳам қўриш мумкин.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз бозорини жаҳон бозори билан интеграциясини таъминлашда ҳозирги замон иктисодчи-мутахассисларнинг роли бениҳоят муҳимдир. Дунё микёсида Ўзбекистон товар ва хизматларини рақобатбардошлигини оширишда иктисодчи-мутахассисларда инфратузилма асосларининг қўникмасини шакллантириш жуда зарур. Чунки, товарни яратиш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида инфратузилма хизматлари халқилувчи рол ўйнайдилар. Бугун хизмат бозорини ривожлантирмасдан туриб, ҳеч бир моддий ишлаб чиқариш соҳасида мувоффақиятга эришиб бўлмаслигини жаҳон тажрибаси курсатиб турибди. Шунинг учун юқори малакали иктисодчи инфратузилма асослари билан ошно бўлиши ва минимал қўникма билан

куролланиши шартидир.

Мамлакатимизда ҳамда унинг ташкарисидида шаклланаётган иктисодий муносабатлар ҳар бир иктисодчидан хизмат бозори тугрисидаги билим ва малакага эга бўлишини такозо этмоқда. Ана шундай ҳаётий муҳим билим ва малакага «Инфратузилма асослари» фанини урганиш орқали эришиш мумкин.

Инфратузилма асослари фанининг предмети ва мақсад-вазифалари. «Инфратузилма асослари» фанининг мақсадига қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришиш мумкин:

- Инфратузилманинг моҳияти тушуниш ва унинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини урганиш;
- Бозор иктисодиёти шароитида инфратузилма хизматларини курсатишни кенгайтириш зарурати ва аҳамиятини англаш;
- Инфратузилманинг таснифи ва асосий турларининг моҳиятини ёритиш;
- Инфратузилманинг самарадорлигини баҳолаш усуллари, асосий курсаткичларини ва унга таъсир этувчи омилларни белгилаш;
- Инфратузилма соҳаларининг жойлашув қонуниятлари ва соҳавий хусусиятларини урганиш;
- Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришнинг узига ҳос хусусиятлари иктисодий-ижтимоий аҳамияти ва уни тараккиётини истикбол йўналиши ҳамда чора-тадбирларини урганиш;
- Ўзбекистоннинг халқаро интеграцион сиёсатини амалга оширишда миллий ҳамда халқаро коммуникация тизимини такомиллашувининг аҳамиятини белгилаш.

Умуман олганда «Инфратузилма асослари» юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш орқали талаба ва мутахассисларга инфратузилма хизматлари курсатувчи тизимининг самарадорлигини ошириш ва бозор иктисодиётига мос равишда соҳа қорхоналарининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда хизмат курсатишни янги истикболли ва устувор йўналишларини танлаш бўйича билим ва қуникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Бозор иктисодиёти шароитида маълумки, ҳар бир бозор субъекти бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш ва фойдасини максималлаштиришга ҳаракат қилади. Албатта, инфратузилма ҳужалик субъектлари ҳам бундан истисно эмас. Лекин бозорда уз мавқени мустаҳкамлаш ва фойдани максималлаштириш бозор субъектларидан тугри қарор қабул қилишини талаб қилади. Тугри суз вақтида қарор қабул қилиш эса ҳужалик субъектларининг мутахассисларидан бозордаги вазиятни билиш билан бир қаторда фаолият курсатаётган соҳасининг ҳос хусусиятларини чуқур билишни талаб қилади. «Инфратузилма асослари» фанининг асосий мақсади, талабларни инфратузилма хизматлари курсатувчи соҳаларни узига ҳос ривожланиш хусусиятлари ҳамда қонуниятлари билан ошно қилиш ва уларни маъмур соҳадаги билим ва қуникмаларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Инфратузилма асослари фанининг бошқа фанлар билан алоқаси ва унинг урганиш усуллари. Маълумки, инфратузилма хизматларидан фойдаланилмайдиган соҳа, бозор субъекти ҳаттоки инсон йўқ. Бугунги кунда ер юзидида ҳаётни инфратузилма хизматларисиз тасавур этиб бўлмайди. Масалан, қундалиқ ҳаётимизни олайлик. Биз қун давомидида телевидение, радио, телефон, почта, транспорт, йўл, сув, газ электр энергияси, савдо ва маиший хизмат, соғлиқни сақлаш қаби хизматлардан қенг фойдаланамиз. Инсон қаби истаган бозор

субъекти ҳам уз фаолияти давомида турли инфратузилма хизматларидан баҳраманд булади. Ҳозирги даврда инфратузилма хизматлари шу даражада ривожланганки, инфратузилма тармоклари уз навбатида махсус-ихтисослашган инфратузилмалар хизматидан фойдаланадилар. Масалан, транспорт узи инфратузилма хизматлари курсатувчи соҳа, лекин у ҳам уз инфратузилма: йул таъмирлаш, диспечерлик, техник каровлар утказиш, ёкилги куйиш каби хизматлардан кенг фойдаланилади. Бошқа мисол, «Интернет» тармоги узи информатсион-коммуникациялар хизмати курсатувчи соҳа, бироқ уни ҳам узининг спутниклар орқали алокани таъминловчи мураккаб инфратузилма тизими мавжуддир.

Бу ердан хулоса килиб айтиш мумкинки, «Инфратузилма асослари» техника, иктисодий-иҷтимоӣ, математика, информатика, кибернетика, эҳтимоллар назарияси, иктисодий моделлаштириш ва дастурлаш, менежмент ҳамда режалаштириш, маркетинг ва тадбиркорлик, логистика каби катор фанлар билан бевосита алоқадордир.

«Инфратузилма асослари»нинг мазкур фанлар билан алоқадорлик даражасини бевосита инфратузилма хизматининг тури ва хусусияти белгилайди. Охириги йилларда «Инфратузилма асослари» фани билан жуда яқин алоқадор булган ва куп жихатдан унга ухшаш булган фан «Логистика» олий укув юрларида уқитилиб келинмоқда.

«Логистика»- моддий ва информатсион оқимларни уларнинг бошланғич манбаларидан охириги истеъмолчиларга макон ва замон буйлаб ҳаракатини ривожлантириш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат этиш ҳақидаги фандир. логистиканинг таърифидан куриниб турибдики, унинг функционал вазифалари жуда кенг булиб, жамиятда моддий ва информатсион оқимларнинг ҳаракатини бошқаришда қаратилган. Ҳозирги даврда иктисодий муносабатлар тизимида моддий ва информатсион оқимлар тез суръатлар билан ривожланиб, тобора мураккаблашиб, халқаро интеграциялашув ҳамда глобаллашувга уз таъсирини курсатмоқда. Бироқ логистик жараёнларнинг кечишини инфратузилма тизимининг хизматларисиз тассавур этиб булмайди. Чунки, воситаси институтлар (брокерлик ва диллерлик уйлари ва фирмалари, улгуржи хоридорлар, биржа ва бошқалар), товар ташувчилар сакловчи омбор ҳужаликлари, таъминот ва ишлаб чиқариш-техник хизматлари курсатувчилар, бозор тугрисида ахборотлар йигувчи ва уларни таҳлил қилувчилар, махсулотига ишлов берувчи каби хизмат курсатувчилар логистик жараёнини самарали кечишига яхлит тизим сифатида хизмат қиладилар.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги замон логистик концепциялари ишлаб чиқариш, маркетинг ҳамда инфратузилма хизматларини тижорат асосида бирлаштиришига қаратилган. Бундай логистик концепция инфратузилма ҳамда логистиканинг алоқасини мустаҳкамлаш билан бир каторда инфратузилма ҳамда ишлаб чиқариш субъектлари робиталарининг муқаммаллашуви ва интеграциялашувига ҳам асос солади. Янги инфратузилма ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарини узвий боғлиқликда ривожланишнинг имконияти ошади.

Юқоридаги фикрларнинг хулосаси сифатида айтиш мумкинки, «Инфратузилма асослари» фани товар ва хизматларни яратишдан то уларни истеъмолигача булган жараёнларни урганувчи фанларнинг аксарияти билан бевосита ёки билвосита алоқадордир. Чунки, жамиятда моддий ёки номоддий неъматларнинг яратилишида ва уларни истеъмолчиларга етказишда, умуман жамиятда қеладиған такрор ишлаб чиқариш жараёнида инфратузилма хизматлари ишти-

рок этиши мукаррардир.

Шундай килиб «Инфратузилма асослари» фанини турли фан ва соха иктисодиёти, ҳамда технологик жараёнлар билан алоқадор эканлигини эътироф этиш мумкин. «Инфратузилма асослари» фанининг бошка фанлар билан алоқаси куламининг кенглиги уни урганиш усуллари ва ёндашувлари турларининг куплигини таъминлайди. «Инфратузилма асослари» фанини урганишда факат бир усул ёки ёндашувдан фойдаланиш камлик килади ва кутилган натижани бермайди. Чунки, бу фан турли хусусият ва фаолиятдан шаклланган хизматлар курсатувчи инфратузилма объектлари ва уларнинг хизматларини истеъмол килувчи куплаб соха ва бозор субъектларининг фаолиятини ургатади.

Шу боис, умумий тадқиқот усуллари: диалектик материализм, индукция-дедукция, абстракция, экстрополяция, математик-статистик кузатув ва тахлил, омиллар тахлил ва турли иктисодий тахлил билан бир каторда хар бир инфратузилма сохаси ёки объектига хос тахлил усулини куллаш мақсадга мувофиқдир.

Инфратузилма тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва мазкур атаманинг вужудга келиш тарихи. «Инфратузилма асослари» фанининг урганиш предмети «Инфратузилма» сузининг мазмун-моҳияти билан бевосита боглиқдир. «Инфратузилма» узбек атамашунослигида «Инфраструктура»нинг синоними сифатида кириб келиб, охириги йилларда куп ишлатиладиган сузга айланиб бормокда. «Инфратузилма» («Инфраструктура») категориясининг иктисодиётга кириб келиши ва моҳияти буйича турли фикр ҳамда нуктаи назар мавжуд бўлиб. Узбек тилидаги лугатда унинг мазмуни куйидагича ёритилган: «Инфраструктура» (лат. *Infra*- куйи, *struktura*-тузилиш, жойлашув)-халқ хужалигида ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат киладиган сохалар. Албатта, бу инфратузилманинг охириги ва ягона таърифи эмас, лекин инфратузилманинг умумий хусусиятини мужассам этган таърифдир.

Инфратузилманинг қисқача таърифдан куриниб турибдики, у ишлаб чиқариш: (халқ хужалиги)нинг куйи таркибий қисми сифати хизмат курсатиш фаолиятини амалга оширади. Шу нуктаи назардан айтиш мумкинки, «Инфратузилма асослари» фанининг урганиш предметини: инфратузилма хизмати субъектларининг шаклланиши ҳамда уларнинг фаолияти жараёнларида бошка иктисодий (бозордаги) субъектлар билан муносабатлар мажмуаси ташкил этади.

Бошқача килиб айтганда, «Инфратузилма асослари» инфратузилма хизмати курсатувчиларнинг мустақил хужалик субъекти сифатида бозорда юзага келадиган иктисодий муносабатлар мажмуасининг ажралмас таркиби сифатида самарали фаолият юритишларини ургатувчи фан сифатида намоён бўлади.

«Инфратузилма» хозирги пайтда куп ишлатиладиган сузга айланиб бормокда. Бу бежиз эмас албатта, чунки хозирги иктисодиётнинг ривожланишини инфратузилманинг юксалишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, мамлакатимизда иктисодий ислохотлар натижасида тобора чуқурлашиб бораётган бозор муносабатларининг самарадорлиги инфратузилманинг тараккиёти билан чамбарчас боглиқдир. Кайд этиш жоизки, «инфратузилма» узбек тилида «инфраструктура» сузининг синоними сифатида ишлатилиб келинмокда. Охириги вақтларда эса «инфратузилма» узбек тилининг лексиконида купрок истеъмол килинадиган сузга айланиб бормокда. Инфратузилма (инфраструктура) атамасининг иктисодиётга кириб келиши буйича турли фикрлар мавжуд.

Одатда америкалик олим П.Н.Розенштейн-Роданни «инфратузилма» категориясини иктисодиётга киритилган деб хисоблайдилар (1951 йилда). Уша-

ндан бошлаб гарб иктисодчи-назариётчилар «инфратузилма» остида хусусий капиталнинг айланиши ва ахолининг талабларини кондирилиши учун зарур булган жамият тараккиётининг умумий шароитларини тушуна бошладилар. Бир вақтнинг узида «инфратузилма»нинг иктисодий тушунчасининг биринчи кашфиётчиси Х.Зингер деган фикр ҳам бор.

Бу атамани келиб чиқиши хақида яна учинчи нуқтаи назар ҳам мавжуд. Унга кура «инфратузилма» харбий лексикондан қабул қилиниб: харбий ашёлар омборлари, аэродромлар, радиолокацион масканлар, харбий машк ҳамда ракеталарни ўқириш майдонлари каби иншоотлар мажмуасини англатади. Мазкур атаманинг моҳияти ўзбек тилидаги лугатда қуйидагича ёритилган: инфраструктура (лат. *infra*-қуйи, *structura*-тузилиш, жойлашув)-халқ ҳужалигида ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат қиладиган соҳалар. Албатта бу инфратузилманинг охириги ва ягона таърифи эмас. Инфратузилмага соҳа мутахассислари турлича таъриф бериб, унинг функцияси ҳамда таркибини белгилаш юзасидан олимларнинг баҳси айни вақтларда ҳам давом этмоқда. Инфратузилманинг иктисодий категория сифатида мазмун ва моҳиятини ёритишда назарий ва илмий-методологик қарашлари ҳамда ёндашувларни шартли равишда иккита қатга гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ намояндалари асосий соҳа (объект)га хизмат қилувчи тармоқлар инфратузилма деган фикрни олға сурсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари эса инфратузилмани ишлаб чиқариш учун умумий шароит яратувчи соҳалар мажмуаси деб таърифлайдилар.

Биринчи гуруҳ намояндалари инфратузилманинг моҳиятини ёритишда унинг бажарадиган хизматининг номоддийлигидан келиб чиққан ҳолда фикр юритган бўлсалар ажаб эмас.

Масалан, Л.А.Меркушев-инфратузилма умуман бу қушимча фаолият тури бўлиб, асосий объектга хизмат қурсатишга йўналтирилган»-деб ёзганди С.А.Хейнман, П.А.Игнатовский ва С.С.Дзарасовлар ҳам инфратузилманинг таркибига мансуб баъзи унсурларни санаб ўтиб уни асосий соҳаларга хизмат қилувчи сифатида қурсатиб ўтадилар. Бироқ бундай таърифлар инфратузилманинг хусусият ва аломатларини тула ифода қила олмайди.

Е.А.Попованинг эътирофи этишича: инфратузилма бу жамиятнинг ишлаб чиқариш барча тармоқ ва хусусиятларига хос хизмат қурсатувчи бевосита ашёвий неъматлари гуруҳидир.

Шундай қилиб, биринчи гуруҳ олимлари инфратузилмага ёрдамчи, иккинчи даражали соҳадек қарашганлар. Иккинчи гуруҳга мансуб К.Маркс эса инфратузилма атамасини ишлатмаган ҳолда унинг бир қатор унсурларини таҳлил қилиб (юқорида фикрлари кенгайтирилган олимлардан олдинроқ) уларни меҳнат воситалари деб қараганди. У ўз фикрини қуйидагича баён этганди: «Бу каби меҳнат воситаларига ишчи бинолар, каналлар, йуллар ва бошқалар мисол бўла оладилар». Ўз-ўзидан маълумки, юқорида қайд этилган воситалар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмасаларда у жараёнинг қечиши учун моддий шароит яратадилар. Мазкур фикрнинг давомчиларидан бири В.П.Красовскийнинг таклифига биноан инфратузилмани белгиловчи ва хос аломат-муомала тизимидаги ишлаб чиқаришнинг умумий шароитларини таъминловчи ишлаб чиқариш соҳаларининг мажмуасидир (Ин-ра и интенсификация экономики отв.ред. В.П.Красовский коллектив авторов

В.П.Красовскийнинг берилган таърифидан инфратузилма товарнинг айланиши билан боғлиқ жараёнда амал қилувчи соҳалар мажмуини ўз таркибига олади деган маъно чиқади. Чунки ишлаб чиқарилган товар пулга айлангандан

кейингина, ишлаб чикаришни кайта такрорланиши учун шароит юзага келади. Кайд этиш жоизки, инфратузилма хакикатан ҳам ишлаб чикариш учун умумий шароит яратади, бироқ унинг функцияси товар айланишига хизмат килиши билан чекланмайди. Бу борада В.П. Басенко шундай ёзади: «Инфратузилма уз мазмунига биноан куп киррали соха ва фаолият турлари мажмуасидан иборат булиб, улар махсулот ишлаб чикариш учун купрок умумий ишлаб чикариш-иктисодий, ижтимоий ва бошка шароитларни яратадилар»

В.П.Басенко инфратузилманинг яна бир кирраси: ишлаб чикариш учун ижтимоий шароит мухайё килишни, яъни ишчи кучини кайта тиклаш ва бошка ижтимоий хизматларни курсатиши оркали ишлаб чикаришни бир маромда давом этишни таъминлаш мумкинлигини курсатган.

В.Басенконинг фикрини давом эттирган холда Н.Ф.Чернявский куйидагича инфратузилмани таърифлайди. Инфратузилма бу сохалар, ишлаб чикариш ва фаолият турлари куринишидаги ишлаб чикарувчи кучлар унсурларининг туплами булиб, ҳам бутун халк хужалигига ва ҳам унинг алохида **сфераси** ҳамда мажмуаларига яхлитлик билан бахш этувчи сифатида намоён булиб, уларнинг функционал хизматлари, биринчидан, асосий ишлаб чикаришни самарали амалиёти учун умумий шароитлар яратиш ва иккинчидан, ишчи кучини такрор ишлаб чикаришини таъминлашдан. О.Ф.Лопатина, Э.Н.Крулатух, В.П.Орешинлар ҳам инфратузилмага Ф.Чернявскийнинг таърифига ухшаш фикр билдирганлар. А.А.Говорин «Инфратузилма»нинг иктисодий мохиятини ёритиш буйича юзага келган турли методологик ёндашувларнинг тахлили асосида куйидагича инфратузилмани таърифлайди. «Инфратузилма-бу жамият меҳнат таксимооти натижасида объектив шаклланган халк хужалиги ва унинг алохида бугини доирасида такрор ишлаб чикаришни таъминловчи умумий шароитлар тизими, таркиб шакллантирувчи сохалар ва аҳолининг ҳаётий таъминотини самарали амал килиши учун хизмат курсатувчи техник-технологик ташкилий-иктисодий, информацион, ижтимоий ва бошка узаро алоқадор бўлган мажмуасидир.

Инфратузилманинг таърифини А.Говорин унинг назарий-методологик тараққиётида юзага келган икки хил қарашларни уйғунлаштирган холда баён этган. Шу боис бу таъриф инфратузилманинг мохиятини туларок ёритиши мумкин.

А.Говориннинг инфратузилмани меҳнат таксимооти натижасида объектив шаклланган деб таъкидлаши ва унинг таркибини умумий иктисодий атамалар билан белгилаб бергани унинг таърифининг салмоғини янада оширади ва мақбулрок таъриф деб тан олишга ундайди.

Бироқ мазкур таърифда инфратузилманинг бозор иктисодиёти шароитида рақобат муҳитида фаолият курсатиши назарга тутилмаган. Яна шуни ҳам айтиш жоизки инфратузилманинг бир қисм унсурлари (темир ва автомобил йуллари, электр тармоқлари, сув билан таъминлаш йирик иншоотлари ва бошқалар) жамиятда бир авлод томонидан асосан яратилиб кейинги авлодга ҳам мерос сифатида утиб хизмат килади, яъни уларнинг қурилиши ва хизмат муҳлати узок муддатни ташкил этганлиги ва мамлакатнинг миллий бойлиқнинг бир бўлаги эканлиги А.Говориннинг таърифида уз аксини топмаган.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча: инфратузилма бу меҳнат таксимооти (баъзи ҳолларда авлодлар меҳнати) натижасида вужудга келиб доимий равишда такомиллашиб борадиган ишлаб чикариш ва аҳолини такрор ишлаб чикариш талабларига мос умумий шароитларни яратиб берувчи ҳамда иктисоди-

ётнинг асосий тармоқларининг ракобатбардошлигини ва ишчи кучининг сифат курсаткичларини оширишини таъминлаш учун хизмат килувчи соҳа ва субъектлар мажмуидир.

Кайд этиш жоизки, инфратузилма соҳалари меҳнат таксимооти натижасида юзага келган ихтисослашувнинг маҳсулидир. Бирок у халқ ҳужалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида юзага келадиган узғаришлар вужудга келгани билан янгилашиб ишлаб чиқарувчиларнинг талабларига мос хизматни таклиф этади, яъни инфратузилма ишлаб чиқариш каби узлуксиз такомиллашиш қобилиятига эга ва эга бўлиши ҳам шартдир. Чунки инфратузилманинг курсатадиган хизматлари агар асосий ишлаб чиқариш объектларининг таракқиёт даражасидан оғда қолса у узининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш учун умумий шароитни тула яратолмайди ва иктисодиётда бўшлиқ (торлиқ)ни юзага келтириши муқаррардир. Айниқса бозор иктисодиёти шароитида қолоқ инфратузилма хизматлари товарнинг (унинг турларидан қатъий назар) ракобатбардошлигини пайсайтириш ва оқибатда соҳа (қорхона)нинг синишига олиб келиши мумкин.

Бозор иктисодиётининг асосий қондаси: чекланган захиралар билан қатта қонқишга интилишнинг амал қилиши инфратузилманинг таянч соҳаларига тадбирқорлар қонидан маблағлаштирилишини чеклаб қуяди. Чунки мазқур соҳаларнинг қайд этганимиздек хизмат муқлати узоклиги туфайли қапталнинг айланиши ҳам қуп муддат талаб қилади. Шу боис ҳам инфратузилманинг таянч тармоқларини ривожлантиришда давлатнинг аралашувига зарурат туғилади. П.Самуэльсон бу қорадаги фикрини қуйидагича баён этган эди: «Давлат онгли равишда инфратузилмани маблағлаштиради, чунки жамиятда ёрдамчи қапталнинг усиши қуринмас манфаатларни яратади, улардан ҳусусий инвесторлар пуллик қойдани қушлашлари мумкин эмас: чунки уларнинг бир қисмининг масштаблари чекланган ҳусусий қаптал бозори учун жуда йирикдир, бошқаларини эса ҳусусий инвесторларнинг қизикиши учун харажатларни қоплаш муддатлари ута узокдир» (Самуэльсон П. Экономикс. М., 1992. т.2. с.324).

П.Самуэльсон инфратузилмани шай қолда сақлаш ва уни барқарор қоолиятини таъминлаш йирик маблағ талаб қилиши билан бирга бу соҳалар қушга қуринмас, яъни қуп қолларда пул билан иқода этиб бўлмайдиган манфаат келтирилишини таъқидлайди. Масалан, автомобил йуларини юқори сифати транспорт ҳаракати суръатларини ошишини, транспорт воситаларини қупрок хизмат қилишини, юқ ташиш сифатининг ошишини ва бошқаларни таъминлайди. Бирок йуларнинг жуда юқори сифатда шайлигини автомобил транспорти ҳужалиқларига курсатадиган ижобий таъсирини ҳаммасини пул билан иқодалаб бўлмайди. Шунинг учун уларни П.Самуэльсон қуринмас манфаат деган бўлиши мумкин.

Инфратузилма-иктисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, уни урганиш иктисодий механизмларнинг ҳаракатга қелиши тикланиши ва бир текисда ривожланиши учун, товар ҳаракатини таъминловчи, ақолини эҳтиёжларини қондирувчи, жамиятнинг соқал соҳасини тартибга солувчи бозор қонунларни оптималлаштириш учун қерак.

Ҳужалиқ юрийтишнинг маъмурий-буйруқбозлиқ тизимида инфратузилмага ёндашув бозор иктисодиёти шароитларида унга бўлган ёндашувдан қескин фарқ қилади. марқазлашган тизимда маҳсулот уни ишлаб чиқарувчидан пировард истемолчига етқизишга қумаклашувчи

институтларнинг бор-йуклигидан катъий назар таксимналарди. бозор иктисодиётига утишда махсулотнинг бозорда сотилиши таъминловчи хужалик алокаларини корхоналар узлари мустакил йулга куйишларига тугри келяпти бозордаги хужалик субъектлари уртасидаги хисоб-китоб тизимининг узгариши хам уз таъсирини курсатди. бу эса уз навбатидаги инфратузилманинг элементлари хисобланган молиявий ташкилотларнинг пайдо булишига олиб келди.

Демак, айнан бугунги даврда инфратузилманинг мохиятини англаб олиш, унга иктисодиёт ривожланишнинг асосий сохаларидан бири сифатида караш мақсадга мувофикдир.

Инфратузилма атамаси лотинча *infra* - остки, пастки, куйи; *structure* - жойлашиш, катлам деган сузлардан келиб чиккан. Инфратузилма атамасининг кенг ишлатилишга карамасдан унга нисбатан турли хил карашлар мавжуд.

Бир канча муаллифларнинг асарларида курсатилишича "инфратузилма" атамасининг пайдо булиши XX асрнинг 40-йилларига бориб такалади. Бошка изланишларда таъкидланишича, "инфратузилма" атамаси иктисодий фанларга 1955 йилда америкалик иктисодчи Н.Розиштейн - Родан томонидан киритилган. В.Н.Стаханов инфратузилмани "умумий ишлаб чиқаришда ва инсон фаолияти алмашинувини таъминловчи хизматлар ишлаб чиқаришдаги специфик меҳнат жараёнлари мажмуаси" сифатида куради.

Ушбу савол устида ишлаган таникли иктисодчи Р.Иохимсен инфратузилмага куйидаги таърифни беради: "инфратузилма- бу ресурслар мақсадга мувофик жойлаштирганда тулик интеграцияни ва хужалик фаолиятининг энг юкори даражаси имкониятини берувчи бир катор олимлар билан боглик фойдаларнинг бир текислиги ва хужалик бирликларини узида мужассам этган моддий, институционал ва индивидуал шарт-шароитлар йигиндисидир. Дж.Ф. Рейнинг ёзишича "инфратузилма" сузи аник таърифга эга эмас, унинг маъноси остида замонавий иктисодиётни яратишда талаб қилинадиган барча хизматлар ётади.

Курииб турибдики, "инфратузилма" тушунчаси тугрисидаги фикр ва карашлар турли хил, гарчи уларнинг хар бири замонавий иктисодий муносабатларда инфратузилманинг роли ва урнига аниклик киратади, шу вақтнинг узида "инфратузилма" атамасининг тушуниб етишга ягона ёндашув йуклигини курсатади.

Гарб иктисодчиларнинг инфратузилма хақидаги карашларини тахлил қилиб умумий хулосага келиши мумкин: уларнинг ҳаммасини инфратузилмани асосий халқ хужалик тармоқларида хусусий тадбикорликнинг ривожланишини таъминловчи ва жами аҳолининг эҳтиётларини қондариувчи умумий шарт-шароитлар мажмуи деб қарайдилар. Умумлаштириб айтиш мумкинки, инфратузилманинг мохиятини аниклашдаги ёндашувларнинг бир хил эмаслиги бу тушунчани иктисодий категория сифатида икки усул изоҳланишга олиб келди: кенг маънода чегараланган (тор) маънода.

Биринчи усул тарафдорлари инфратузилмага..... чиқариш соҳасидаги барча тармоқларни киритадилар. Инфратузилмани кенг маънода изоҳлаш тарафдорлари унинг остида асосий вазифаси халқ хужалиги ихтисослаштирилган тузилмаларни ривожлантириш шарт-шароитларини таъминлаш булган тармоқлар мажмуасини тушунадилар.

Иккинчи усул тарафдорлар инфратузилмага иктисодий самарали булган системанинг натижавий иш юритишга асос булувчи товар, хом-ашё, молиявий,

инфракцион окимларнинг ҳаракатини таъминловчи ташкилий-иқтисодий тизим деб аниқлик киритишади.

в) инфратузилма эволюцияси.

Ишлаб чиқариш уз ривожланишнинг бошланишидан то автоматлаштирилган қуринишга келгунича инфратузилма алоҳида соҳага ажратмаган эди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ривожланиши паст бўлган даврда инфратузилманинг моҳияти катта эмас эди. Инфратузилманинг ривожланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини алоҳида меҳнат қуринишларига бўлишини талаб қилувчи ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган машиналар ёрдамида ишлаб чиқариш ётади. чунки меҳнатнинг алоҳида турларига эҳтиёжнинг қучайиши туфайли инфратузилманинг ривожланишнинг юзага келади. Шундай қилиб инфратузилма ривожланаётган тармок ва фаолият турига айланиб янги қуриниши ҳосил қилди. Бундай тармокларга алоҳида ва транспорт тармокларини киритсак бўлади.

Инфратузилманинг нисбатан мураккаб соҳа бўлиб шаклланиш жараёни асрларни уз ичига олади. Ҳунармандчиликнинг деҳқончиликда ажрали чиқиши шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб қелди, кейинчалик шаҳарлар уртасида маҳсулот алмашинувининг қучайишига ва уз навбатида инфратузилманинг ривожланишига сабаб бўлди. Савдонинг деҳқончилик ва саноатдан ажралиб чиқиши ҳужалик айланмасига янги майдонларни жалб қилиш ҳисобига маҳсулот алмашинувининг анида узишга олиб қелди, бу эса инфратузилма соҳасининг қенгайишини такоза қилди.

в) инфратузилманинг асосий қуринишлари, вазифалари.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг узига ҳос аломатлари:

-Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармокларида сарфланадиган меҳнат маҳсулдор бўлиб, миллий даромадни оширади; инфратузилма тармокларида янги моддий-буюм қуринишдаги маҳсулот яратадиган; инфратузилма тармоклари маҳсулотларини саклаб қуйиш мумкин эмас, чунки у маълумот сакланиш, қучиш, алмашилиши жараёнида намоён бўлади; ишлаб чиқариш инфратузилмани ёрдамчи ва айниса иккиламчи соҳа сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Инфратузилманинг вазифаси икки томонлама характерга эга: бир тарафдан моддий ишлаб чиқаришга хизмат қурсатиш, бошқа томондан меҳнат ресурсларини, яъни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчи инсонни қайта тиклаш. Бозор иқтисодиёти муносабатларида инсоний муносабатларини эсдан чиқариш зинҳор мумкин эмас. ижтимоий инфратузилма фаолиятлари шахсий эҳтиёжларни қондиришга, аҳолининг турмуш қечеришни ва интеллектуал ривожланишини таъминлашга қаратилган хизмат қурсатиш тармоклари (аҳолига транспорт ва алоқа хизматлари қурсатиш, таълим соғлиқни саклаш) объектлари мажмуидан иборат. ижтимоий инфратузилманинг вазифалари:

-узиб келаётган авлодни тарбиялаш, малақасини ошириш, билим бериш (таълим)

- ишга лаёқатлик даврининг давомийлигини узайтириш (соғлиқни саклаш)

-Иш қуни давомида меҳнат унумдорлигининг пасайишига йул қуймаслиқу (ум.ов-м, нас, транс)

- Ишчиларнинг дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маданиятлик даражасини қутариш (маданият, санъат).

Инфратузилманинг янги қуриниш-бозор инфратузилматузилмасидир. мамлакат иқтисодиётида бозор механизмнинг ривожланиши билан алоҳида

бозорлар эҳтиёжларини кондиритиш учун махсус фаолият турларини яратишга зарурийат тугилади. Мамлакат ривожланишининг замонавий босқичи хусусиятларидан. Бири-инфратузилма аҳамиятнинг ошиши ва такомиллашувидир. Режали иктисодиёт даврида асосий тармоқларнинг ривожланиши билан инфратузилма уртасида номувофиклик юзага келишининг сабаби инфратузилма ролининг пасайганлиги, асосий ишлаб чиқаришга нисбатан уни иккинчи даражали деб ҳисоблаш туфайли унга етарлича маблағ ажратмаслик каби ҳолатларнинг юзага келишидир.

Мустакилликка эришганимиздан сунг то ҳозирги давргача бозор иктисодиётига утиш ҳали тулик амалга ошмаган, купчилик бозор механизмлари ва қонунлари ҳали шаклланиб улгурмаган ёки тула қуч билан иш юритмаяпти. Бу жараёни охириги етказиш, барқарор, тартибли бозорга келиш учун мавжуд бозор институтларини, уларнинг юзага келиш тарихини урганиш, уларнинг қамчиликларини аниқлаш, фаолиятларини яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқариш керак.

Чет эл тажрибасини урганиш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Чунки бозор иктисодиёти асослари ва уларнинг элементларининг дунёга келиши Европа ва Америка мамлакатларида содир бўлган. Аммо хориж тажрибасини тугридан-тугри қўллашга йўл қўймаслик керак, чунки бизда узимизнинг иктисодиётимиз хусусиятларини, ҳужаликнинг ташкил этилишини ҳисобга олиш керак.

Шундай қилиб, бизнинг мамлакатимиз ва чет эл бозорларининг ижобий ҳислатларининг оптимал бирикмасини топиш керак.

Исталган турдаги иктисодиётни йўлга қўйишда асосий эътиборни жамият ривожланиши учун асос бўлган ишлаб чиқаришга қаратилади.

Инфратузилмани урганиш нафакат ишлаб чиқариш соҳасида балки жамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида ҳам муҳимдир.

Фуқароларга қуқрок ҳаракат эркинлигини яратиб бериш билан, уларнинг уз қизиқишларидан қелиб қикқан ҳолда, уларнинг муқтакил фаолият юритишларини таъминлайдиган ташкилотлар пайдо бўлмоқда.

Инфратузилманинг ҳалқ ҳужалигига етказадиган манфаатларининг муҳимлиги унинг бажарадиган функционал вазифалари ва хизмат турларида янада яққолроқ қузга ташланади. Қуқчилик адабиётларда инфратузилманинг функционал вазифалари ва хизмат турига қараб назарийчи олиқлар методологик нуқтаи назардан уни иқкита гуруҳга: ишлаб қикариш ва ноишлаб қикариш (ижтимоий)га бўлганлар. Масалан. А.Улмасов ва Н.Тухлиевлар ёзишлариға: Ишлаб қикариш инфраструктураси (бевосита моддий ишлаб қикаришға хизмат қилади) ва ноишлаб қикариш инфраструктураси мавжуд. Ишлаб қикариш инфраструктураси соҳаларида ялпи ижтимоий махсулот, миллий даромад яратилади; ижтимоий инфраструктура соҳалари (маориф, фан, соғлиқни сақлаш ва б.) ижтимоий-иктисодий тараккийетни жадаллаштиришға, инсон омилларини фаоллаштиришға хизмат қилади.

2 МАВЗУ: ИНФРАТУЗИЛМА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ МОХИЯТИ.

Режа:

2.1. Инфратузилма хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсири.

2.2. Инфратузилма тармоқларининг гурухланиши.

2.3. Инфратузилма хизматлари самарадорлигини аниқлаш.

Албатта, инфратузилманинг ана шундай иккита катта гурухга булиниши унинг таърифий ҳамда халқ хужалигини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга булинишига асосланган. Бирок инфратузилма унсурларининг узаро жуда жипс боғланганлиги уларнинг у ёки бу гурухга мансублигини белгилашни мушкуллаштиради. Масалан: аҳолига хизмат курсатувчи транспорт ёки аҳолининг транспорт воситаларини таъмирлаш каби хизматлар уз хусусиятларига кура улар аҳолига хизмат курсатувчи инфратузилманинг соҳасидир, бироқ уларда умумий техник-ишлаб чиқариш хусусиятлари мавжуд. Шундай булгани билан ҳам бу соҳаларнинг иктисодий-функционал хизмат вазифаси аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилганлиги боис ноишлаб чиқариш инфратузилмага мансуб деб топилиши табиийдир.

Инфратузилма соҳа мутахассислари томонидан турлича тусланган. Айниқса, ислохотлардан олдинги даврда халқ хужалиги ёки магистрал, институционал, регионал (минтакавий), ҳудудий корхона ва соҳалар номи билан юритиладиган инфратузилма турлари шаклланган эди.

Мазкур атамаларнинг урганилиши махсус тадқиқотни талаб этишни ҳамда ҳозирги инфратузилма тизимини бозор иктисодиёти шароитида амал қилаётганини таъкидлаган ҳолда уни қуйидагича гурухлаш мумкин. (1.1.-Жадвал).

Биринчи жадвалда инфратузилма шартли равишда 4-та асосий гурухга булинган. Шартли дейишдан мақсад инфратузилманинг бажарадиган функционал ва минтакавий вазифаларига қараб унинг унсурларини аниқ қайси гурухга мансублигини белгилаш жуда мушкулдир. Чунки инфратузилма соҳалари бири иккинчисини тулдирган ҳолда ёки иккинчиси биринчисини давоми сифатида амал қилади. Шундай қилиб 1-жадвалда келтирилган инфратузилманинг гурухланиши купчилик методологик ёндашувларнинг синтезлаштирилган қурилишидир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, 1-жадвалда келтирилган инфратузилма турлари яна ундан кичикроқ булимларга булиниши мумкин. Масалан, транспорт инфратузилманинг бир соҳаси, бироқ транспорт тармогининг уз инфратузилмаси ҳам мавжуд.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, инфратузилма хизмат турларидан қатъий назар, яхлит тизим сифатида ишлаб чиқаришни барқарор ривожланиши ва унинг янгилиниши ҳамда иктисодиётда захиралардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун шароит муҳайё қилади.

Инфратузилманинг гурухланиш жадвали

Инфратузилманинг:				
тури ва турдошлари	тайиноти *	асосий унсурлари	Хизмат:	
			доираси	субъектлари
I.Бозор (макроиктисодий) инфратузилмаси. Асосий булимлари: а)Маркетинг тизимининг инфратузилмаси б)Молия ва кредит инфра-тузилмаси в)Ахборот тизими-нинг инфратузилмаси г)Бозор институтлари инфратузилмаси	Бозор тизимида товар (хизмат)-ларнинг хара-кати ва тадбиркор-ликнинг ри-вожланиши учун умумий шароит-лар яратиш оркали икти-содиётнинг самарадорли-гини ошириш ва ракобат мухитини шакллантириш.	Биржалар, аукционлар, банклар лар, солиқ ва бож тизими, аҳолининг бандлигини тартибга со-лувчи давлат ва но-давлат ташкилотлар тизими (меҳнат бир-жала-рилари), информацион технологиялар ва ком-муникация воситалари, маркетинг тизими хиз-матлари, аудит ва кон-салтинг ташкилотлари, тадбиркорликни куллаб-куватлаш давлат ва но-давлат фондлари, олий ва урта иктисодий таълим тизими, махсус тад-биркорлик эркин зо-налари..	Ички ва таш-ки бозорлар тизими, бар-ча халк ху-жалиги тар-мок ва кор-хона лари	Барча бозор субъектлари, шу жумла-дан: Давлат, харидор, ва сотувчилар, тадбир-кор фирма-лар, аудит, консалтинг корхона-лари, фука-ролар..
II.Халк ху-жалиги (магистрал) инфратузилма-си	Халк хужали-гининг барча тармоқларини ривожланти-риш ва инсон тараккиёти учун умумий шароит яра-тиш учун хиз-мат курсатиш	Умумий: темир ва авто-мобил йуллари, хаво ва сув транспортлари, сув, газ ва нефть кувурла-ри электр утказгичлар алоқа ва коммуникация, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими	Яхлит халк хужалиги тизими ва аҳо-ли	Ишлаб чика-риш ва нои-шлаб чика-риш корхо-налари мажмуи, давлат ва аҳоли

III.Ишлаб чикариш инфратузилмаси 1)худудий булин-малари: а)минтакавий б)махаллий в)корхона 2)Функционал булинмалари: а)тармок инфратузилмаси б)тармоклараро	Ишлаб чикариш жараёнининг узлуксиз янгиланиши ракобат-бардош махсулот ишлаб чикариш ва захиралардан самарали фойда ланиш учун умумий шароитлар мухайё килиш	Моддий-техник таъминот, турли таъмир сервис хизматлари, ишлаб чикариш сохаларига хос хамда 1 ва 2-чи инфратузилмага кирмайдиган товар харакати ти-зими, транспорт ва алока, электр тармоклари, махсулот тайёрлаш, уни саклаш, сотиш ва бошкалар.	Ишлаб чикариш тармоклари, минтака, махалла корхоналар	Давлат, ишлаб чикариш корхоналари ва уларга хизмат курсатувчи барча субъектлар.
IV.Ижтимоий (ноишлаб чикариш) инфратузилма Худудий булинмалари: а)минтакавий б)махаллий в)корхона.	Ахоли ва ишчи кучини такрор ишлаб чикиши ва уларнинг сифат курсаткичларини ошириш учун хизмат киллади.	Ахолининг соглигини саклаш ва тиклаш, таълим-тарбия, маданият маориф, умумий овкатланиш тизимлари, ахолининг ижтимоий химоялаш, газ ва ичимлик сув билан таъминлаш, коммунал хизмат ва бошкалар.	Ахоли ва халк хужалигининг ноишлаб чикариш сохаси.	Давлат, ахоли, ишчи кучи, алохида ижти-мой гурухлар ва фукаролар, ноишлаб чикариш корхоналари ва субъектлари.
Изох: Тайинот, яъни вазифа, хизматни бажариш учун тайинлашга каратилган ёки белгиланган мақсад учун хизмат килмокни билдирувчи объектга каратилган «тайинлов»нинг ифодаси (назначение).				

Инфратузилма самарадорлигини баҳолаш усул ва курсаткичлари.

Иктисодиётнинг самарадорлигини ошириш жамият ҳаёти учун жуда муҳимдир. Чунки, иктисодий усиш омиллари харакати ишлаб чикариш самарадорлигида мужассам ифода этилади. Ишлаб чикариш самарадорлиги ишлаб чикариш харажатлари билан олинган натижасининг нисбатидир. Канча ресурс сарфлаб канча ва кандай сифатли махсулот ва хизматлар яратилганини самарадорлик ифодалайди. Унинг бош мезони-пировард натижа хисобланади. Маълумки, ишлаб чикаришнинг пировард натижаси-бу ялпи миллий махсулот ва унинг таркибий кисми булган миллий даромад. Самарадорлик синтетик ва умумлашган курсаткич булиб, интеграл характерга эга, яъни узида бир неча курсаткичлар натижасини жамлайди. У махсулотнинг меҳнат сигими, материал сигими ва инвестиция сигимидан келиб чикадиган хосиладир (А.Улмасов, М.Шарифхужаев. Иктисодиёт назарияси. 106-107 б.).

Шундай қилиб, иктисодий усиш омилларининг харакати ишлаб чикаришнинг алохида сохаларида уз хусусиятларига эга булганлиги боис уларнинг самарадорлигини белгилаш курсаткич, мезон ва усуллари ҳам соҳага мос тус олади. Айниқса, аграр ишлаб чикаришнинг самарадорлигини белгилаш масаласи узига хослиги билан ажралиб туради. Агросаноат мажмуасининг самарадорлигини назарий-методологик базасини бойитишда бир катор мутахассислар: В.А.Добринин, А.И.Ноткин, Г.М.Сорокин, Т.С.Хачатуров,

И.Н.Буздалов, В.В.Ким, Ф.К.Каюмов, Р.К.Рахимов, А.А.Абдуганиев, К.А.Хасанжонов, Р.Х.Хусанов, К.С.Хамдамов, А.кодиров, Э.Гордан ва бошқалар уз хиссаларини кушганлар.

Айни пайтда кишлок хужалигининг самарадорлигини белгилашда ягона тан олинган ёндашув шаклланмаган. Уни бахолаш амалиётида: натурал курсаткичлар: хосилдорлик, чорва махсулдорлиги, сарфланган меҳнатга мос келадиган махсулот миқдори ва бошқалар ҳамда қиймат курсаткичлари: махсулот таннарихи, ялпи даромад, фойда ва унинг харажатларга (ёки асосий ва айланма маблағларига) нисбати, фонд ва инвестиция сизими, фонд ва капитал маблағларнинг қайтими, ишлаб чиқариш унумдорлиги каби курсаткичлар кенг қулланилади. Масалан, кишлок хужалигида самарадорлик ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатнинг қулланилишининг пировард фойдали самараси ҳамда қуюлмалар мажмуининг қайтимини ифода этади.

Кишлоқ хужалигида тадбик этадиган у ёки бу чора-тадбирларнинг натижасини улчови (ёки баҳоси) сифатида самарадорликнинг мезонлари хизмат қилади. Халқ хужалиги нуқтаи назаридан кишлок хужалигининг самарадорлигининг мезони сифатида аҳоли жон бошига зарур бўлган ассортимент ва сифатдаги озуқа ва хом ашёни ишлаб чиқаришининг усишида намоён бўлади (Экономика сельского хозяйства /Под ред. В.А.Добрунина/-М.:Агропромиздат, 1990-476 с. 240 б.).

Кишлоқ хужалигида махсулот ишлаб чиқаришнинг жон бошига усиши уз навбатида қушимча меҳнат ва моддий-техник воситаларнинг харажат қилишни ҳамда улардан самарали фойдаланишни такозо этади.

Таъкидлаш лозимки, иктисодиёт назариясида ишлаб чиқаришнинг омиллари сифатида: меҳнат (М), капитал (ёки технология) (К), ашё (материал) (А) ва Ер (Е) эътироф этилган ва улар иктисодий таҳлил ва қарор қабул қилишда кенг қулланилади. Мазкур омилларни бириктириш асосида юзага келадиган ишлаб чиқариш жараёнининг функциясини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Q_{и.ч.} = f(M, K, A, E); (1)$$

Бу ерда: $Q_{и.ч.}$ - ишлаб чиқариш жами;
 f - функция симболи.

Бу ишлаб чиқариш функциясининг формуласи кишлок хужалигига хосдир. Чунки мазкур формулада бошқа ишлаб чиқариш омиллари каторида ер ҳам ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмокда. Юкорида айтганимиздек, кишлок хужалиги махсулотларига талабнинг ошиши, ишлаб чиқариш ҳажмини қупайишига сабаб бўлади, яъни ишлаб чиқариш функцияси махсулот талаби функциясининг хосиласи сифатида намоён бўлади:

$$Q_{к.х.м.т} = f(x_n) \Rightarrow Q'_{и.ч.} \cdot k_f(M, K, A, E); (2)$$

Бу ерда: $Q_{к.х.м.т}$ кишлок хужалиги махсулотларининг талаб ҳажми;
 x_n - кишлок хужалиги махсулотларининг мажмуи бўлиб, $n \in (1; \infty)$;


Уз навбатида ишлаб чиқариш омилларини ишлаб чиқариш жараёнида қуп миқдорда жалб этилиши инфратузилма хизматларига бўлган талабнинг усишига олиб келади, яъни:

$$Q_{и.ч.} = f(M, K, A, E) \Rightarrow Q'_{и.х.} \cdot k_f(I_n); (3).$$

Бу ерда: I_n - инфратузилма хизматлари мажмуи бўлиб, $n \in (1; \infty)$.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, кишлок хужалигида қанча қуп махсулот ишлаб чиқарилса ва қанча қуп ишлаб чиқариш омиллари сарфланса уларнинг миқдorigа мос инфратузилма хизматлари ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинади. Бу ҳолатни кишлок хужалиги такрор ишлаб чиқариш жараё-

нида куйидагича тасвирлаш мумкин:



Истеъмолчиларнинг янги талаблари

Бу ерда: $Q_{И.Ч.О}$ — ишлаб чиқариш жараёнида жалб этилган ишлаб чиқариш омиллари;

$Q_{И.Х.}$ — ишлаб чиқариш жараёнида жалб этилган инфратузилма хизматлари;

$Q_{Т.М.}$ — тайёр маҳсулот хажми;

$Q_{И.У.Т}$ — истеъмолчиларга етказилган товарнинг хажми.

Такрор ишлаб чиқариш боскичларининг тасвиридан куришиб турибдики, ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш даврий занжирда инфратузилма хизматлари икки боскичда иштирок этади. Биринчи боскичда инфратузилма ишлаб чиқариш омилларини бириктиришга (ишлаб чиқаришни юзага келиши) яъни тайёр маҳсулотни яратилиши учун шароит яратлади. Мазкур боскичдаги инфратузилма хизматлари харажатлари тайёр маҳсулотнинг таннари таркибига кушилади. Унга кушилмагани «давр харажатлари»да ҳисобга олинади.

Иккинчи боскичда, эса инфратузилма хизматлари тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беришини, яъни товарни истеъмолини таъминлайдилар. Бу даврдаги инфратузилма хизматларининг харажатлари маҳсулотларнинг нархи таркибига киради ва товарнинг рақобат бозорида сотилиши учун шароит мухайё этади.

Шундай қилиб ишлаб чиқаришнинг бошлангич боскичидан бошлаб тайёр маҳсулотни охириги боскичи-истеъмолигача инфратузилма субъектлари фаолият курсатадилар. Уларнинг хизмат курсатиш даражасидан товар ишлаб чиқаришининг самарадорлиги боглик бўлади, яъни ишлаб чиқариш инфратузилмасининг самарали фаолият курсатиши ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга уз улушини кушади. Масалан, сув, минерал угитлар, уруглик ва бошқаларни уз вақтида етказиб берилмаслиги усимликчиликнинг пировад натижаларини пасайишига олиб келиши муқаррардир. Бирок ҳозиргача, инфратузилманинг самарадорлигини микдорий баҳолаш ва унинг иқтисодий ривожлантиришдаги улушини белгилаш масалалари буйича эътироф этилган ягона усул ва курсаткичлари мавжуд эмас.

Умуман олганда, инфратузилманинг самарадорлиги купинча инфратузилма ва ишлаб чиқаришни ривожланиш нисбатларини, уларнинг узаро богликлиги ҳамда узаро таъсирини оптималлаштириш билан белгиланади. Инфратузилма-мехнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартидир. Агар инфратузилма яратилган бўлса, унда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг кайтимини таъминлаш осонроқдир.

Албатта инфратузилманинг ривожланиши АСМ тизимида ишлаб чиқаришни ҳам тараккиёти учун замин яратлади бу шубҳасиз, лекин канчалик бу ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ёки мехнат унумдорлигини оширишга таъсир курсатиши мазкур ёндашувда аниқсизлигича қолмоқда. Бунинг устига, инфратузилма ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларини алоқадорлиги ва узаро таъсирини оптималлаштириш учун уларнинг канчалик алоқадорлиги ва узаро

таъсирининг даражасини аниклаш масаласи ҳам мазкур ёндашувда очиклигича қолган.

В.П.Орешин бошқа халқ ҳужалиги тармоқларида булганидек инфратузилманинг самарадорлигини белгилашда самара ва харажатларни таккослаш масаласи жуда муҳимдир деб қайд этади. Инфратузилманинг самарадорлигини ҳисоблашда бош масала, уни ривожлантириш чора-тадбирлари моддий захиралардан фойдаланишнинг самарадорлик курсаткичларига таъсир этиш билан бирга, асосий соҳаларнинг самарадорлигига уз таъсирини утказати. Инфратузилмани халқ ҳужалигининг такрор ишлаб чиқариш жараёнида хизмат курсатиш мақомига эгаллиги унинг самарасини мажмуи сифатида асосий соҳаларнинг самарадорлигига таъсир курсатиши, инфратузилма самарасини ички соҳа курсаткичлари: меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, капитал харажатларнинг ҳиссаси орқали белгилаш амалиётини номуккамал назорат қилиб қуяди. Бу инфратузилманинг халқ ҳужалиги самарадорлигини ҳисоблашда асосий соҳаларда унинг ривожланишининг бевосита ва билвосита оқибатларини инобатга олишни тақозо этади.

Инфратузилмани жамиятнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ролини белгилаш ҳамда самарадорлигини баҳолашнинг нисбатан асосланган усули бу соҳаларро курсаткичларни акс эттирувчи моделлар тизимидир.

Кейинчалик мазкур муаллиф инфратузилманинг самарадорлигини баҳолаш юзасидаги фикрини ривожлантирган ҳолда инфратузилманинг самарадорлигини минтақа ҳамда ҳудудлар даражасида белгилашни тавсия этган.

Минтақа даражасида инфратузилманинг самарадорлиги шу территориядаги меҳнат захираларидан рационал фойдаланиш учун шароит яратиш ҳамда минтақадаги ишлаб чиқариш хизматларини оқилона уйғунлашувини таъминлашда намоён бўлади.

Ҳудудий-ишлаб чиқариш даражасида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг самарадорлиги меҳнатни устки ишлаб чиқариш бугинлари-ишлаб чиқариш уюшма ва корхоналарида шароит яратишда, ҳамда уларнинг тараққиётида тусик (тор жой)ларни асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни мажмуи сифатида ривожланиши орқали ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари кейинчалик мукамаллаштиришда уз аксини топади. В.П.Красовский эса инфратузилма соҳаларининг самарадорлигини халқ ҳужалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни йукотилиши ва нобуд бўлишини олдини олиш орқали унинг пировард натижаларини оширишда қуради ва инфратузилмани ривожлантиришни маблағлаштиришда бунини инобатга олиш кераклигини таъкидлаб қуйидагича ёзади. Йул ва омборларнинг қурилиши юк ташиш ҳамда транспортдан фойдаланишни яхшилаш билан бирга уни таъмирлаш харажатларини ҳам қамайтиради ва ташийдиган маҳсулотларнинг яхши сакланишини таъминлайди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажминини оширганда тенгдир.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, инфратузилманинг самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги усуллари шаклланди:

1. Инфратузилмада харажатлар ва натижаларининг нисбатини таккослаш;
2. Ишлаб чиқарувчи (асосий) соҳаларнинг пировард натижасида инфратузилма унсурларининг улуши, яъни асосий соҳаларнинг ривожланиши учун шароит яратилганликнинг даражаси;
3. Яратилган маҳсулотни ҳаракатини яхшилаш орқали унинг нес-нобуд бўлиши ва яроксиз ҳолга келишининг олдини олиш даражасини оширишнинг пировард истёмолга таъсири ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини

тежаш:

4. Инфратузилма ҳамда асосий сохаларнинг ривожланиш курсаткичларининг узаро нисбатининг тахлили;

5. Минтакалар, худудлар ҳамда сохалараро инфратузилманинг омилларини моделлар асосида самарадорлигини белгилаш ва бошқалар.

Албатта, бу усулларнинг кулланилиши оркали инфратузилманинг самарадорлигини белгилаш жуда муҳимдир. Бирок инфратузилмада харажатлар ва натижаларни таккослаш унинг унсурларининг самарадорлигини чеклаб қуйиши ҳамда тула баҳолаш имконини бермайди. Чунки қайд этганимиздек инфратузилманинг бир қатор объектлари: йулар, омбулар, сув иншоотлари ва бошқалар қўп йиллар давомида хизмат курсатадилар. Шу боис уларнинг харажатлари жуда катта бўлиб уларни қўплаш даражаси жуда секинлик билан кечадиган, ҳамда уларнинг курсатадиган хизматлари турли сохаларни қамраб олади ва мазкур хизматларнинг самараси сохалараро тарқалиб кетиб улар асосий соханинг пировад натижасида қўшилиб қўринмас бўлиб қўлишлари ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда инфратузилма унсурларининг самарасининг асосий соханинг пировад натижасидан ажратиб олиш ҳам муаммодир. Шунинг учун инфратузилманинг ишлаб чиқаришнинг пировад натижасига таъсирини асосий сохада инфратузилма тадбирларини амалга оширишдан сўнг унинг қўшимча маҳсулотни билан белгилаш мумкин. Чунки инфратузилма хизматлари тақрор ишлаб чиқариш схемасидан қўриниб турганидек маҳсулот нархининг таркибига қиради. Шундай экан қанчалик қўп товар сотилса, ушанча қўп инфратузилма қўра-тадбирлари амалга оширилади, яъни инфратузилма хизматлари сотилади ва аксинча қанча товар қам ишлаб чиқариб сотилса, ушанча қам миқдорда инфратузилма хизматлари сотилади. Бошқа барча омиллар доимий (const.) бўлганда инфратузилма хизматларининг самарадорлигини қўйидагича ифода этиш мумкин:

$$ИС = \frac{Q_{с.1} - Q_{с.0}}{Q_{и.х.1} - Q_{и.х.0}} K + \frac{\Delta Q_c}{\Delta Q_{и.х.}}; (5)$$

Бу ерда: ИС-инфратузилма хизматларининг самарадорлиги;

$Q_{с.0}$ -Бошланғич утган даврда сотилган маҳсулот ҳажми;

$Q_{с.1}$ -Қейинги даврда сотилган маҳсулот ҳажми;

$Q_{и.х.0}$ -Бошланғич утган даврда курсатилган инфратузилма хизматларининг ҳажми;

$Q_{и.х.1}$ -Қейинги даврда курсатилган инфратузилма хизматларининг ҳажми;

Δ -Давр охиридаги ўзгариш.

Шундай қилиб, 5-чи формула оркали конкрет қўрхона (хўжалик), соха, минтақа миқсолида инфраструктура хизматларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотуви ҳажмидаги таъсири оркали инфратузилма мажмуининг самарадорлигини белгилаш мумкин. Агар инфратузилма хизматларининг ҳажмини маҳсулот сотуви ҳажмига нисбатининг фарқи (Δ) ижобий бўлса, бу ишлаб чиқаришга хизмат курсатувчи сохаларнинг самарали эканлигини билдиради. Агар у манфий бўлса аксинча инфратузилманинг ривожланмаганлигини ифода этади.

Инфратузилманинг нисбий самарадорлигининг барча омиллар доимий (const.) бўлганда маҳсулот сотуви ҳамда курсатилган инфратузилма хизматларининг ҳажмининг индекси ($J_{и.х.}$) оркали ҳам ифода этса бўлади:

$$J_{и.х} = \frac{Q_{с.1}}{Q_{с.о}} : \frac{Q_{и.х.1}}{Q_{и.х.о}} \kappa \frac{Q_{с.1} \times Q_{и.х.о}}{Q_{с.о} \times Q_{и.х.1}}; (6).$$

Мазкур индекснинг киймати: $0 < J_{и.х} \leq 1$ -булса инфратузилма унсурларининг хизмати самаралидир, агар $J_{и.х} > 1$ булса инфратузилма тизимини фаолиятининг самарадорлиги жуда юкори булади. Умуман олганда бозор иктисодиёти шароитида бозор субъектларининг усишини бозордаги улушининг узгариши белгилайди. Шунинг учун инфратузилма хизматларининг самарадорлигини кушимча курсаткичи сифатида асосий соханинг бозордаги улушининг ошганлигини кабул килиш мумкин. Чунки асосий соханинг бозордаги улушининг усиши унинг товарларининг ракобатбардошлик даражасини ошганининг далолатидир. Кайд этганимиздек, асосий соханинг ракобатбардошлигини таъминлаш инфратузилма унсурларининг бевосита функционал вазифаларидан биридир.

Бозор муносабатларини чуқурлашиб бориши инфратузилма хизматларига булган талабнинг кенгайиб боришига асос солиши ҳамда мамлакатимизда бозор ислохотларини ижтимоий йуналтирилгани инфратузилманинг самарадорлигини белгилашда яна бир кушимча курсаткич, сохада янги иш жойлари яратилишининг микдорини куллашни такозо этади. Чунки инфратузилманинг хизмат хажми ва турларининг усишини янги иш жойларини яратилишисиз тасаввур этиб булмайди. Айникса, кишлок хужалигидан бушалиб чиккан ишчиларни иш билан таъминлаш республика халк хужалиги учун бекиес ижтимоий-иктисодий самарага эгадир. Шу боис инфратузилма сохаларида янги иш жойларини яратилиши хисобидан ишчилар сони ҳамда хизмат курсатишнинг хажмларини ошишини боғлиқликда баҳолаш жуда долзарбдир.

Кайд этиш лозимки, кишлок хужалиги ишлаб чикариш инфратузилмаси (умуман инфратузилманинг) ривожланишига кура омиллар уз таъсирини утказди. Бундай омиллар каторида асосий сохаларда инфратузилма хизматларига булган талабнинг роли жуда каттадир. Чунки асосий сохалардаги инфратузилма хизматларига булган талаб юзасида инфратузилма субъектларини хизматининг таклифи шаклланади. Кейинчалик мазкур талаб асосида инфратузилма хизматларининг бозор нархи шаклланади ва иктисодий муносабатлар ҳам ривожлана бошлайди. Албатта, бозор муносабатларининг асосий ва инфратузилма субъектлариаро ривожланишида хизматлар нархи марказий мақомни эгаллайди. Шу боис инфратузилма хизмат бозорини шаклланишида нарх омили алоҳида аҳамият касб этади ва бозордаги мувозанатнинг айнан нарх оркали юзага келиши янада унинг салмогини юксалтиради.

Истеъмолчиларнинг инфратузилма хизматларига булган талаби ҳамда нарх омиллари булиб, асосий ишлаб чикаришнинг хусусиятларини узиға муҷассам этган ҳолда намоён булади. Кишлоқ хужалигида инфратузилма хизматлари талаб мавсумига қараб узғариб туради, шу боис мувозанат нархи ҳам талаб ва таклиф ҳажмининг тебранишига мувофиқ равишда узғариб туради. Масалан, кишлок хужалигида механизациялашган, техникавий хизматлар ҳажмига талабнинг узғаришини қуйидагича тасвир этиш мумкин (1.3.1 чизма).

3 МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИ.

Режа:

2.1. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари.

2.2. Қишлоқ хўжалигидаги инфратузилманинг моҳияти ва аҳамияти.

2.3. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос мароми, ўз навбатида, АСМнинг қайта ишловчи ва бошқа соҳа тармоқларини ривожлантиришга таъсир этади. Деҳқончиликдаги такрор ишлаб чиқаришнинг бир қанча хусусиятлари ишларнинг мавсумийлиги билан боғлиқдир. Унда ишлар йил давомида узлуксиз олиб борилмайди. Бу ҳол ходимларнинг иш билан бандлиги ва уларнинг меҳнاتини сарфлашда меҳнатга ҳақ тўлаш ва зарур даражада даромад билан таъминлаш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларни ҳал этишда маҳсулотларни қайта ишлашни бевосита қишлоқ жойларнинг ўзида ташкил қилиш, турли майда саноат корхоналарини, ёрдамчи хўжалик тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу тадбир иш билан бандликни таъминлаш билан бир қаторда маҳсулот нобудгарчилигини камайтиради, унинг сифатини яхшилайдди.

Қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, айниқса, деҳқончиликда меҳнат сарфи билан маҳсулот олиш ўртасида вақт жиҳатидан узилиш мавжуд, яъни маблағ деярли бутун йил давомида сарфланади, маҳсулот эса маълум даврдагина олинади. Шу муносабат билан меҳнатга ҳақ тўлашда, иш ҳақи ва моддий рағбатлантиришни ишнинг сифати, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан боғлашда ўзига хос муаммолар юзага келади. Бу муаммоларни бартараф этиш ёки юмшатишнинг турли шакллари мавжуд, хусусан кооперативлар, ижарачилар, фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек, давлат хўжалигида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларини жорий этиш ва шу кабилар.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш фондлари, кўпроқ уруғлик, озиқа, чорва моллари ва шунга ўхшашлар ҳисобидан ташкил этилмоқда. Бу такрор ишлаб чиқариш маромининг навбатдаги босқичига кенг миқёсли таъсир этиб, уни капиталталаб тармоққа айлантирди, ишлаб чиқариш потенциалини кенгайтирди ва меҳнат унумдорлиги суръатларини ўстирди. Айни вақтда қишлоқ хўжалиги нисбатан майда капиталлар қўйиладиган соҳа бўлиб қолди.

Ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиш даражаси жиҳатидан қишлоқ хўжалиги саноатдан орқада қолмоқда. Бунга аввало, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти туфайли корхоналарнинг мақбул миқёси анча кичиклиги сабаб бўлмоқда, ҳолбуки кўпингина мамлакатларда йирик корхоналар билан бир қаторда кўп сонли деҳқон-фермер хўжаликлари сақланиб келмоқда. Улар асосан фермер ва унинг оила аъзолари кучи билан юритилади. Бироқ, хўжалик мавқеи йирик фермерлар қўлида.

Қишлоқ хўжалигида ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида амал қиладиган умумий иқтисодий қонунлар амал қилади. Лекин уларда тармоқнинг алоҳида хусусиятлари ҳисобга олинган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда асосий ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланади. Бошқа ишлаб чиқариш воситаларига солиштирилса, ер эскирмайди, балки тўғри фойдаланилса, унинг сифати яхшиланиб боради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари сифатида тирик идорализмлар, яъни ҳайвонлар ва ўсимликлар қатнашади. Улар эса биологик қонуни-

ятлар асосида ривожланади. Демак, такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёни тирик идораизмларнинг табиий ривожланиш жараёни билан узвий боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёни йирик майдонларда амалга оширилади ва турли иқлим зоналари бўйича ёйилган. Пировард натижалар қўлланилган ресурслар миқдори ва сифатини эмас, балки кўпинча ишлаб чиқариш амалга ошириладиган аниқ шароитларга боғлиқ бўлиб қолади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳудудий жойлашуви ишлаб чиқарилган маҳсулот (буғдой, картошка, қанд лавлаги, сут, гўшт ва ҳоказо)ни ҳам, техника ва моддий ресурслар (ёқилғи, иссиқлик-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар)ни ҳам ташишни қийинлаштиради.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда яратилган маҳсулот кейинчалик ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатида уруғлар ва экиш материаллари (буғдой, картошка ва ҳоказо), ем-хашак ҳамда ҳайвонлар подасини қайта тиклаш ва кенгайтириш учун поданинг катта қисми қўлланилади. Буларнинг барчаси иншоотлар ва ишлаб чиқариш вазифасидаги объектлар (молхона), ем-хашак, уруғ ва экиш материаллари омборлари ва ҳоказоларни қуриш учун қўшимча моддий ресурсларни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим хусусияти – ерда иш даври маҳсулот ишлаб чиқариш даври билан бир-бирига мос келмаслигидир. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш даври инсон меҳнати остида амалга ошириладиган жараёни (ерни ҳайдаш, ишлов бериш, экиш, ўсимликларни парваришlash, ҳосилни йиғиб олиш ва ҳоказо) вақтлари ва табиий омилларнинг бевосита таъсири остида амалга ошадиган (ўсимликларнинг униши, ўсиши, ҳосилга кириши ва ҳоказо) вақт тўпламидан иборат.

Ишлаб чиқариш даври ва иш даврининг мос келмаслиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлигини асослайди. Мавсумийлик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техника, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва охир-оқибатда бутун тармоқ самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимооти, унинг тақозосига кўра, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан, саноатдагига нисбатан бошқача тарзда юз беради. Ер, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида бу ерда ўсимликшунослик тармоғини чорвачилик тармоғи билан ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш ва ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг оқилона мувофиқлигига эришиш лозим. Ижтимоий меҳнат тақсимоотини такомиллаштиришда алоҳида ҳудудларнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигининг энг асосий хусусиятларидан бири, шубҳасиз, техникадан фойдаланиш даражаси ва шароити ҳисобланади. Одатда, ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги техникаси) ҳаракат қилиши, меҳнат предметлари эса (ўсимликлар) бир жойда туришидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигининг техник таъминланганлиги саноат тармоғидан кескин фарқ қилади. Саноат тармоғига нисбатан энергетик ресурсларга бўлган умумий эҳтиёж бу соҳада жуда юқори. Қишлоқ хўжалиги-

нинг ҳудудий тарқоқлиги ва мавсумий характердалиги техника ва асосий ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжни оширади.

Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларида меҳнат жараёнини ташкил қилиш турлича амалга оширилади. Бу ерда ижрочи саноатдаги каби доимий иш ўрнига эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш жараёнида йил фасли ва ўсимликнинг ўзига хос хусусиятларига қараб дала ишчиси ва механизаторлар турли хил ишларни бажаришади. Механизатор барча машина ва агрегатларда ишлай олиши керак, деҳқон эса уруғлар ва экиш материалларини тайёрлаш, ўсимликларни парвариш қилиш, тайёрлаш, ҳосилни йиғиб олиш жараёнидаги барча ишларни бажара олиши лозим. Бунда ишнинг тури ҳар кун эмас, балки шароитдан келиб чиқиб, муайян бир иш кунни давомида ўзгариши ҳам мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг саноат тармоқларидан ажралиб турувчи бу каби хусусиятлари моддий-техника базасини шакллантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда ҳисобга олиниши зарур.

Қишлоқ хўжалигидаги инфратузилманинг моҳияти ва аҳамияти.

Агросаноат ишлаб чиқаришининг пировард натижалари фақат қишлоқ хўжалиги ривожланиш даражасига эмас, балки унинг хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари, керакли хомашё ва ёрдамчи материаллардан фойдаланиш ҳажми ҳам ошади. Хўжаликларнинг электро-энергияси, транспорт, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш жойларига талаб ошади. Қишлоқ хўжалигининг таъмирлаш-техник хизмати, моддий-техника таъминоти ташкилотларига, муҳандислик, зооветеринария, агрокимё хизмати ва бошқа хизматларга боғлиқлик даражаси ўсади. Бу жараёнда самарали фойдаланиш ва истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган ташкилот ва тармоқларнинг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай тармоқлар ва хизматларни иқтисодиётда инфратузилма дейилади.

Инфратузилма – ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуидир. У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали АСМнинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва АСМнинг пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишига йўналтирилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ялпи ишлаб чиқарилиши провард натижада тармоқнинг ишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан бирга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Улар орасида агрокимё, зооветеринария, консультация хизматларига катта эътибор берилади.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлиги ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Хомашё, материал ва тайёр маҳсулотнинг ўз вақтида олиб келиниши хўжалик айланмасида бўлган ресурс ҳажмини белгилайди. Саноатлаштириш, кимёлаштириш, мелиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий омиллари тез суръатда ўсишига нафақат

қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш маблағларининг миқдоран ўсиши ҳисобига, балки маблағ ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган хизмат тизими ташкил этилиши ҳисобига ҳам эришилади. Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг тармоқ ва ишлаб чиқариш вазифалари ҳам ўзгаради. Бу ерда қишлоқ хўжалигининг материал, ресурслар, техника билан таъминоти йўқ. Мавжуд бўган хизматлар базасида АСМ корхоналарига моддий ресурсларни реализация қиладиган ҳиссдорлик жамиятлари ва ширкатлар вужудга келмоқда.

Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқаришига хизмат қилиш вазифасидан босқичма-босқич озод этишдан иборат. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажми-ни ошириш ва қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари сифатан юқори бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Мустақил равишда пировард маҳсулотни ишлаб чиқармайдиган тармоқ ва хизматлар маълум миқдорда бутун ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этади. Инфратузилма АСМ учун кадрлар тайёрлаш, уни ишчи кучи билан таъминлашга ёрдам беради.

Инфратузилмага кирадиган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига бир хилда таъсир кўрсатмайди ва жамият ишлаб чиқаришида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу туфайли инфратузилма тармоқларини асосий кўрсаткичлари бўйича туркумлаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Инфратузилма туркумланиши алоҳида элементлари билан бирга бутун тармоқларнинг жамият ишлаб чиқариш тизимидаги ўринларини белгилашга ёрдам беради. У тармоқлараро алоқаларни ўрганишга ва асосий ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш тармоқлари орасида оптимал мувозанатни белгилашда кўмаклашади.

Инфратузилма элементларининг характерини кўп томонлама ҳисобга олган ҳолда уни конкрет хусусияти бўйича туркумлаш мумкин эмас. АСМ инфратузилмаси элементларини қуйидаги тўрт хусусияти орқали туркумлаштириш мумкин (2-чизма).

- ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси билан;
- ҳудудий;
- тармоқ;
- функционал йўналтирилганлиги бўйича.

АСМ инфратузилмасини ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқариш;
- ижтимоий.

Иқтисодий самарадорлик. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи объектлар ишлаб чиқариши харажатларининг ўз-ўзини қоплаши ҳисобланади. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_u = \frac{K_{\text{ёки } B}}{M_u}$$

Бу ерда: K_u – ишлаб чиқариш инфратузилмасига кетган харажатларнинг ўз-ўзини қоплаши;

$K_{\text{ёки } B}$ – қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати;

Ми – ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлари.



2-чизма. АСМ инфратузилмаси элементларининг туркумланиши.

Худудий хусусияти ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича тармоқлар қуйидагиларга бўлинади:

- инфратузилманинг халқ хўжалиги тармоқлари;
- худудий тармоқлар;
- конкрет корхонада маҳаллий ёки ишлаб чиқариш тармоқлари.

Халқ хўжалиги инфратузилмаси бутун халқ хўжалигининг самарали ишлашига хизмат қиладиган тармоқ ва хизматлардан иборат. Шундай қилиб, у ягона энергетик, транспорт, алоқа тизимлари буюк инфратузилма мажмуи ҳисобланади; халқ хўжалигининг электрэнергиясига, почта, телеграф ва транспорт алоқларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган.

Худудий инфратузилма алоҳида иқтисодий районларнинг ривожланиш ва худудий ишлаб чиқариш мажмуилари шаклланиши билан боғлиқ.

Локал ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида корхоналарнинг фаолиятини таъминлайдиган элемент ва ишлаб чиқаришдан иборат. Локал инфратуз-

илмага ички хўжалик ва хўжаликлараро йўл қурадиган ташкилот мисол бўла олади.

Тармоқ хусусиятлари бўйича инфратузилма тармоқлараро инфратузилма ва тармоқ ички инфратузилмасига бўлинади. Тармоқлараро инфратузилма халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига хизмат қилишга йўналтирилган. Тармоқ ичи инфратузилмаси эса конкрет тармоқнинг ишлашига ёрдам беради.

Функционал йўналтирилганлик бўйича АСМ инфратузилмасида иккита соҳани кўриш мумкин: бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳа ҳамда пировард маҳсулот истеъмолчига етиб боришини таъминлайдиган соҳа. Биринчи соҳа машина таъмир-таъминоти тармоғи, транспорт-мелиоратив, сув таъминоти ташкилотлари, агрономия, ветеринария, информация хизматлари, моддий-техника таъминоти ва электрлаштириш тизимларидан, иккинчи соҳа эса маҳсулотни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ташкилотларидан иборат. АСМ нормал ишлашини турли қадоклаш материалларининг етарли миқдорисиз таъминлаш мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш маблағлари ҳамда уларнинг узоқ муддат ишлашини таъминлайдиган тармоқларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи тармоқлар киради: ишлаб чиқаришга йўналтирилган транспорт, таъмирлаш устахоналари, омбор хўжаликлари, коммуникация тизими ва телеграф, алоқа, электроэнергия узатиш линиялари, техник хизмат станциялари, илмий – ишлаб чиқариш лабораториялари, ҳисоб марказлари. Бундай хизматларга ўсимлик муҳофазаси, агротехника, ветеринария, техник таъмир, юридик ва бошқа хизматлар киради (3-чизма).

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланишига кўпгина омиллар таъсир этади. Уларнинг ичида тупроқ-иқлим шароити, ҳудуд рельефи, сув билан таъминланиши, ер ҳудуди конфигурацияси, йўл ҳолати, корхонанинг жойлашиши, ишлаб чиқариш объектларининг жойлашиши, қўлланилаётган технологиялар, ишлаб чиқариш ихтисослашиши ва концентрациялашиш даражасига алоҳида эътибор берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида собиқ иттифоқ давридагига қараганда ҳозирги вақтда алоқанинг ўрни ва аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки, хўжаликларнинг аксарият қисми ўзи етиштирган маҳсулотларнинг давлат буюртмасидан ташқари қисмини хоҳлаган ташкилот, фирмага ёки бозорда сотиши мумкин. Шу боис уларнинг бозор конъюнктурасини ўрганиши ёки баҳо тизими ўзгариб туришидан хабардор бўлишида, алоқа тизимининг энг замонавий ускуналаридан фойдаланишда хўжаликлар етиштирган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни имкон даражасида ҳал қилишга кўмаклашади.

Алоқа тизимининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бунда хўжаликнинг ички тизимида бўлаётган барча жараёнлардан хабардорлик ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этиш имкони яратилади. Хўжалик ичида фаолият кўрсатаётган барча ускуналар ва механизмларга зарур ҳолатда техник ёки бошқа хизматларни кўрсатишда, алоқа тизимининг ўрни ва вазифаси қанчалик даражада аҳамиятли эканлигини кўриш мумкин.

Хўжаликларнинг сифатли маҳсулот етиштириши ва наслдор чорва моллари билан таъминланишида бозордаги ҳолатни ўрганиш ва бошқа жараёнларда

илмий ва ахборот таъминоти ўзига хос ўрин тутди. Бу таъминот орқали янгиликлар қанча тез тарқатилса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бу янгиликларни шунча тез ўзлаштириши ва жорий этишлари, иккинчидан, улардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишлари мумкин. Чунончи, пахтани плёнка остига экишнинг жуда кенг ва тез тарқалиши, яъни Андижонда тажриба усулида ўтказилиб, унинг бошқа вилоятларга тарқатилиши ёки ривожланган чет эл мамлакатлари технологиясининг республикамизга келтирилиши, яъни "Марал-125", "Магнум-7240", "Кейс-2166" комбайнлари ва тракторларининг қишлоқ хўжалигига жорий этилиши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги самарали фаолияти шулар жумласидандир.

Асосий йирик хизмат кўрсатувчи тармоқлардан бири йўл хўжалигидир. Қишлоқ хўжалигида энг кўп тарқалган ва асосий тармоқ автомобиль йўллари ҳисобланади. Тармоқлараро характерга эга бўлган йўллар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларгача етказиш каби кенг кўламли ва салмоқли вазифаларни бажаришади, ички тармоқ характеридаги йўллар эса хўжалик ичидаги барча ички муаммоларни ҳал этишда ўзига хос ўрин тутди. Хўжалик ичидаги йўллар маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча фаолиятларга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигида йўлларнинг жойлашиши, асосий объектларга қулай туриши, асфальтланганлик даражаси ва текислилиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки, инфратузилманинг энг йирик тармоқларидан бири транспорт хўжалиги ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳаракати жараёнини транспортсиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатаётган транспортлар фаолияти узок даврни ўз ичига олади. Даставвал қишлоқ хўжалигида транспорт вазифасини ўтаб келган иш ҳайвонларидан фойдаланилган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида хизмат кўрсатувчи техникаларнинг ҳолати ишлаб чиқариш самарадорлигини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Кейинги 5-6 йил ичида мавжуд техникаларнинг бир қисми хизмат муддатини ўтаб бўлган ва ишга яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Республикамиз бўйича 1990-1996 йиллар мобайнида ҳайдов тракторлари 67 %га, пахта териш машиналари 62 %га, тиркамали юк ташувчи транспортлар эса 83 %га камайган. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир этади.

Етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларгача бўлган узлуксизлигини таъминлашга ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иккинчи йирик тармоғи хизмат қилади. Бу тармоққа маҳсулотларни саралаш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар киради.

Хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқарилгандан сўнг уни саралаш ва тайёрлаш ишлари олиб борилади. Саралашда маҳсулот таркибидаги озуқа моддалари кўринишига қараб икки гуруҳга бўлинади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларни сақлаш учун тайёргарлик кўришга имкон яратади. Чунки саралаш жараёнида маҳсулотнинг пишиш даражаси, нави ва турига қараб, сақлаш дастури ишлаб чиқилади. Маҳсулотнинг қисмини қайта ишлашга топшириш, иккинчи бир қисмини эса сақлаш масаласи ҳал этилади.

Маҳсулотларни саралаш ишлари олиб борилмаса, саралаш жараёнидаги эътиборсизлик ва камчиликлар туфайли исрофгарчиликка йўл қўйилиши мумкин. Сараланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ишлари улар-

нинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Республикамиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар орасида асосий пул тушуми пахта, ғалла ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобида бўлади. Бу турдаги маҳсулотларга айниқса, мева ва сабзавотларга тез ва соз хизмат кўрсатилса, иккинчи қисми тайёрлов ташкилотларига сотилса, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштириладиган мева ва сабзавот ҳамда ғалла маҳсулотларини сақлаш, биринчидан, хўжаликларнинг молиявий аҳволини яхшилашга имконият туғдирса, иккинчидан, истеъмолчиларнинг йил давомида доимий талаби қондирилиши мумкин.

Мева ва сабзавотларни сақлаш омборхоналари 2 турга бўлинади:

1. Муваққат (вақтинчалик омборлар);
2. Доимий омборлар.

Муваққат омборлар аҳоли ва чорвачилик мажмуасига яқин жойга қурилади. Унда илдизмевалар ва картошкани сақлаш мумкин. Доимий омборлар сифими 100 тоннадан 30000 тоннагача бўлиши мумкин. Бундай омборларда фаол вентиляция бўлганда маҳсулот яхши сақланади.

Ҳозирги пайтда мева ва сабзавотларнинг газ муҳитини бошқариб сақлаш ривожланган Англия, Франция, Голландия, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларда кенг қўлланилади. Бунда маҳсулотлар сифати 7-8 ойгача бузилмасдан сақланиши мумкин.

Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигида ғалла майдонлари ва ҳосили йилдан-йилга ошиб бормоқда. Етиштирилган режадаги ҳосилнинг давлатга сотилганидан қолган қисми хўжалик ихтиёрида бўлади. Унинг бир қисми истеъмол ва уруғлик учун омборхоналарда маълум вақтгача сақланади.

Ҳозирги кунда дон ва дон маҳсулотларини сақлашда 10-15 %гача нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик учун зарардир. Дунё миқёсида дон маҳсулотлари 3 тартибда сақланади:

- дон массасини қуруқ ҳолда сақлаш;
- дон массасини совутилган ҳолда сақлаш;
- ҳавосиз жойда сақлаш.

Умуман, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотнинг турига қараб, уларни сақлаш учун замонавий омборхоналар ва совутгичлар қурилишини ташкил этиш керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотиш, яъни истеъмолчига етказиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳозирги пайтда республикамизда тажриба йўқлиги ҳамда хўжаликлар бозор ҳолатини билмасликлари сабабли кўп ҳолларда касодга учрамоқда. Хўжаликларда маҳсулотни сотишдан аввал бозор конъюнктурасини билиш лозим. Бунда ўтган йил якунларини ҳисобга олиб, келгуси йилда қайси маҳсулотларга талабнинг ошиши ёки камайиши ҳамда қайси турдаги маҳсулотларни етиштирганда хўжалик йил якунида юқори рентабелли кўрсаткич билан чиқиши мумкинлигини бозор конъюнктураси ойдинлаштиради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳар бир тармоғидаги нуқсонлар бартараф этилиши учун зарурий ҳолатларда капитал қўйилмаларни жалб этиш керак. Мавжуд ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ривожлантириш давр талабидир. Инфратузилманинг ҳар бир тармоғида, у агросервис тармоқлари бўладими ёки тайёр маҳсулотни ис-

теъмолчига етказиб беришдаги хизмат кўрсатувчи тармоқлар бўладими, бундан қатъи назар, ҳар бир соҳа объектларини энг самарали ва жаҳон талабларига жавоб берадиган техник жиҳозлар билан таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир. Бу муаммоларни ўз вақтида ечиш, биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантирса, иккинчидан, аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларга бўлган талабини тўла қондириш имкони яратилади.



3-чизма. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги ривожланишини янада жадаллаштиришнинг энг долзарб муаммоларидан бири тармоқ самарадорлигини оширишдир. Ишлаб чиқариш самарадорлиги мураккаб иқтисодий категория бўлиб, унда иқтисодий қонунларнинг ҳаракатлари ўз ифодасини топади ва корхона фаолиятининг муҳим томони – натижавийлиги юзга келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини характерлашда натурал ва қиймат кўрсаткичлари тизимидан фойдаланилади. Самарадорликнинг натурал кўрсаткичлари қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги ҳисобланади. Натурал кўрсаткичлар

қиймат кўрсаткичларни: ялпи ва товар маҳсулот, ялпи ва соф даромад, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигини (1-чизма) ҳисоблашда асос саналади.

Ялпи маҳсулот – маълум давр мобайнида яратилган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пулдаги ифодаси, товар маҳсулот эса, сотилган маҳсулотдир.

Ялпи даромад (ЯД) – ялпи маҳсулот (ЯМ) қиймати билан ундаги моддий сарфлар (Мс) орасидаги фарқдир:

$$ЯД = ЯМ - Мс$$

Соф даромад (СД) ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш харжатлари ёки унинг таннархини айириб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$СД = ЯМ - Тм$$

Соф даромад ҳажмини ялпи даромад қийматининг иш ҳақиға тўловини (Ҳи) айириб ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$СД = ЯД - Хи$$

Иқтисодий адабиётларда яратилган (Т) ва реализация қилинган (Т') соф даромад фарқланади. Соф даромаднинг реализация қилинган қисми корхона фойдаси ҳажмиға тўғри келади. Демак, агар соф даромадни ялпи маҳсулотни тақсимлаш орқали топадиган бўлсак, унда фойда (Ф) маҳсулотни сотишдан келадиган тушум (Тс) билан унинг тўлиқ таннархи (Тс) айирмаси сифатида ҳисобланади.

$$Ф = Тс - Тк$$

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи натижа рентабелликдир. Рентабеллик даражаси (Р) фойданинг маҳсулотнинг тўлиқ (тижорат) таннархига нисбатан %даги қиймати сифатида ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар бутун қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини характерлашда ҳам, тармоқ самарадорлигини ифодалашда алоҳида маҳсулот бўйича ҳам қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг таҳлили. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ўрганишда унинг асоси қилиб олинган услубға кўра, таққослаш, текшириш, маълумотларни ишлаб чиқиш ва ҳоказоларнинг махсус усулларида фойдаланилади. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш - моливий фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш жараёнида қўлланиладиган асосий вазифалар қуйидагилардир: таққослаш, статистик гуруҳлаш, ўртача ва нисбий кўрсаткичлар, занжирли боғланиш усуллари, математик усулларни қўллаш ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида ўрганиш хўжаликдаги фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқариш жорий этиш, иш фаолияти самарадорлигини ошириш имконини яратади. Бундан энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири таққослашдир. Бу усулда бир неча иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан:

- ҳисобот кўрсаткичлари режада келтирилган маълумотлар билан таққосланади;

- ҳисобот йилида эришилган натижалар кўрсаткичи бу борадаги ижронинг ўтган йилги маълумотлари билан солиштирилади;

- ишлаб чиқариш йўналишида бир неча йил давомида ўзгаришлар динамикаси аниқланади;

- қишлоқ хўжалиги бўлинмаларининг ишлаб чиқариш натижалари туман, вилоят ва республика бўйича эришилган кўрсаткичлар ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари иш натижалари билан солиштирилади. Бу орқали ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш ва уларни жорий этиш чораларини белгилаш имконияти аёнлашади.

Таққослаш усули ёрдамида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўзаро узвий боғлиқ кўп кўрсаткичлар бир-бирига солиштирилади. Хусусан, ҳар гектар қишлоқ хўжалиги ери ҳисобига қанчадан даромад олиш, ҳар 100га ер ҳисобига чорва маҳсулотлари етиштириш, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, маҳсулот сотиш, қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотлари ҳажми ўсишини, хўжаликларнинг даромадлари ва уларнинг тақсимланиши, техникадан фойдаланиш, меҳнат, ем-хашак балансини, хўжалик иқтисодиётининг ривожланиши ва бошқа кўрсаткичларни таққослаш мумкин.

Ҳар бир таққослаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш йўналиши учун зарур муаммоларни топишга имкон беради.

Айни таққослаш усулида фойдаланишда таққослаш учун солиштириш мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланиш керак. Масалан, бир неча йил давомида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги ўзгаришларни белгилаш учун ҳақиқий сотиш нархларини олиш керак эмас, балки бир бирликка келтирилган нархларда таққослаш зарур.

Гуруҳларга ажратилган услуб гуруҳлаш маълумотларини маълум белгиларга кўра, гуруҳларга бўлиш, демакдир. У статистик текширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Унинг ёрдамида хўжалик тармоқлари, ҳосилдорлик, маҳсулот ҳажми, чорва моллари, маҳсулдорлиги ва бошқалар аниқланади.

Иқтисодий кўрсаткичлар сифат жиҳатдан бир хил бўлган гуруҳларга бўлинади. Кўрсаткичлар ўртасида бир-бирига боғланишлар борлиги, ўрганилаётган ҳодисаларнинг энг муҳими қайси бири эканлиги аниқланади. Ҳар хил омилларнинг ишлаб чиқариш натижаларига қай даражада, қандай таъсир қилиши белгиланади.

Статистик гуруҳлаш услуби қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларини аниқлаб беришнинг муҳим воситасидир. Унинг ёрдамида сифати бир хил бўлган кўрсаткичлар бир гуруҳга бирлаштирилади. Масалан, пахтачилик ишлаб чиқариш гуруҳлари ҳосилдорлик кўрсаткичига қараб гуруҳларга ажратилади. Гуруҳлар кўрсаткичига қараб, бригадаларда юқори ёки паст ҳосил омилларини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятига тўғри баҳо бериш ва тармоқни такомиллаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқиш, маблағлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда таҳлил ишларининг аҳамияти катта.

Таҳлилни тўғри уюштириш учун таҳлил режасини ишлаб, мавжуд маълумотларни ўрганиш, олдиндан текшириш зарур.

Корхоналарда эса таҳлил ишларини ташкил этишни режа тузиш билан якунлаб бўлмайди. Пухта тузилган режа ҳам имкониятлардан фойдаланиш ва ишчиларни режа бажарилишига йўллашни аниқлайдиган ташкилотчилик ишлари режа (бажарилишига) билан боғланмаса, мўлжалланган натижани

бермайди. Шу сабабли, унинг бажарилиши назорат қилиб турилади. Назорат хўжалик иқтисодиётини ривожлантиришда имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ёрдам беради. Статистика соҳаси ходимлари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланади. Улар қабул қилинган ҳисобот маълумотларини статистика усуллари билан қайта ишлаб, вазирликлар, бошқармалар ва корхоналарни йиғма ахборот маълумотлари билан таъминлайди. Комплекс таҳлилда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти чуқур ва ҳар томонлама ўрганилади. Унинг натижаси билан хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида таҳлил қилиш ишларини ташкил этишнинг асосий шакли иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи иқтисодий кенгашидир. Унинг асосий вазифаси хўжалик ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг маълум давр ичидаги иш натижаларини ҳар томонлама ўрганиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг жорий истикболли режаларини ишлаб чиқишда қатнашиш, имкониятларни аниқлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари белгилашдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг табиий шароитлари. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий шароити таҳлил этилаётганида унинг жойлашган ери, туман ва вилоят марказига, темир йўл станциясига, маҳсулот топшириладиган ва сотадиган омборга яқин-узоклиги эътиборга олинади. Ерсув, меҳнат ва моддий-техника ресурслари, тураржой, маданий-маиший бинолар билан таъминланганлиги, уларнинг газлаштирилганлик ва телефонлаштирилганлик даражаси ўрганилади. Чунки айни шу омиллар кўп ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконини беради; шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, жамоа, давлат, ширкат хўжаликларида сутчилик, мевачилик, узумчилик ва сабзавот етиштириш тармоқларини ривожлантиришга шароит яратади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда юк ташиш шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Улов воситалари талаб доирасида бўлмаса, сут, сабзавот, картошка ва сифати тез бузиладиган бошқа маҳсулотларни ўз вақтида манзилга етказиб бериш ва сотиш қийинлашади. Маҳсулот сифати бузилиши натижасида корхона иқтисодий зарар кўради.

Дунёдаги индустриал мамлакатлардаги иқтисодий тараққиёт заминида, аввало, меҳнатни ташкил этиш, уни корхоналарга фойда келтирадиган соҳаларга йўналтириш натижасида ҳар бир корхона ва фирма катта даромад олмоқда. Бир-бирига ҳар томонлама ёрдамлашадиган, психологик, астрологик жиҳатлардан бир-бирига мос келадиган кишиларни танлаб олиш натижасида ташкил этилган жамоа доимо тараққиёт сари интилади, жамоа аъзолари тадбиркорни янги ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун яқиндан ёрдам беради.

Ҳар бир корхона эгаси корхонасининг иқтисодий фаолияти ривожини таъминлаш учун ишловчиларни танлаб олиш орқали уларнинг ҳар бирига бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради, ўз навбатида, бажарилган ишни қабул қилиш тадбиркор зиммасига тушади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида меҳнат унумдорлиги юқори бўлишини таъминлаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бусиз тармоқда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, таннархини арзонлаштиришга эришиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини

ошириш учун, аввало, ички хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш лозим. Ўз харажатларини ўзи қоплаш бирламчи ишлаб чиқариш бўлимлари даражасида амалга оширилиши зарур.

Кейинги йилларда, соҳада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига меҳнатни турлича ташкил этиш, иш вақтини беҳуда сарфламаслик, режалаштиришни такомиллаштириш, малака ошириш каби, умуман, меҳнат ва ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қилувчи қўплаб самарали шакл ва услублар юзага келди. Меҳнатни самарали ташкил қилишга, табиийки, техника ва технологик жараёнларни такомиллаштирмасдан туриб эриша олмаймиз. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга фақат меҳнатни ташкил қилишни илмий ва амалий натижалар асосида такомиллаштириш эвазига эришамиз, дейдиган олим ва амалиётчилар фикрига тўла қўшилаемиз.

Маълумки, тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик даври бошқарув тизими бир хўжаликда меҳнатни ташкил қилишнинг турли шакллари жорий қилишни тақозо этди. Корхоналар учун меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари, аввало, уларнинг ихтисослашиши, марказлашиши, ривожланиш йўналишлари, аҳоли пунктларининг жойлашиши, ҳудуднинг хусусиятлари ва техника билан қуролланганлиги, қисқаси, механизациялаш даражаси бўйича танланади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш шакллари такомиллаштиришга бевосита боғлиқ.

Республикамызда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва АСМнинг унга ўтиши соҳада ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни тақозо этди. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ўзини оқламади, аксинча, бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг ижара шаклини юзага келтирди. Амалдаги ишлаб чиқариш шакллари меҳнаткашларни ер ва ишлаб чиқаришдан четлаштирган эди. Негаки, шўро даврида соҳада иқтисодий муносабатлар уларнинг фаол, тадбиркорона фаолиятларини рағбатлантира олмади. Меҳнатни ташкил қилишнинг ижара шакли ҳозирги кунда республикада меҳнат аҳлининг эркин фаолият юритиши учун барча имкониятларни яратди. Деҳқонларнинг ер билан тиллашиб ишлашнинг тиклай бошлади. Бу ижара муносабатлари моҳиятининг асосидир.

Ижара шаклидаги ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими қишлоқ хўжалиги ходимларининг ижтимоий шароитларини яхшилади, шунингдек, эркинлик, тадбиркорлик ва мулкка эгалик туйғуларини шакллантиради. Ишлаб чиқариш самарадорлиги корхоналарнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ишчи ўринларининг таркиби ва хусусиятини белгилаш, қишлоқларда яшовчилар муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради, бир сўз билан айтганда, ижара шакли аграр секторнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишига ижобий таъсир кўрсатади.

Жамиятда қишлоқ хўжалиги объект сифатида қатор хусусиятларга эга. Хусусан, қишлоқ хўжалиги меҳнатида ўзига хос ишлаб чиқариш воситаси сифатида ердан фойдаланилади, меҳнат сифатига алоҳида муносабат талаб қилинади. Қишлоқ хўжалигида ишчи иш тажрибасига эга бўлиши ўта муҳимдир. Аграр секторнинг иккинчи муҳим хусусияти шундаки, унинг ижтимоий таркиби ўзига хос. Бу ерда бозор иқтисодиёти шароитида турли иқтисодий муносабатларга хос шакллардаги хўжаликлар фаолият юритади. Бундай шароитда, яъни ишлаб чиқариш ва бошқарув шакллари ўртасидаги соғлом муҳит хўжа-

ликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди. Собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими бундай хусусиятларни инобатга олмади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги хўжалик юритиш амалиётида жамоа мулкчилигининг янги шакллари юзага келади. Хусусан, мулк давлат тасарруфидан чиқарилиши туфайли мулкчиликнинг турли шакллари шаклланиб, самарали фаолият юритмоқда. Ижара меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шаклларида бири эканлиги амалда тасдиқланди. Бозор иқтисодиёти даврида турли шаклдаги мулкнинг бўлиши туфайли жамиятда ижтимоий адолат тикланади, «ҳар кимнинг қобилиятига яраша, ҳар кимнинг меҳнатига яраша» таъминли ўз қадрига эга бўлади.

Президент И.А.Каримов республикамизни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари зарурлигини, чунончи, қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ тармоқларни устувор ривожлантириш, ҳозирги босқичда ерни сотишга йўл қўймасдан, давлат мулкчилигини сақлаш кераклигини таъкидлаганлар. Аграр ислохотларнинг дастлабки босқичларида Президентимиз қишлоқда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий кооператив шаклини ташкил қилиш масаласини олға сурмоқда.

Зарар кўраётган давлат хўжаликлари дастлаб жамоа хўжаликларига айлантирилди. Ҳозирги кунда бундай хўжаликлар деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, оилавий пудрат ва ижара жамоаларига асосланган йирик кооператив хўжаликларга айлантирилмоқда. Чунончи, 2000 йилда биргина Қашқадарё вилоятидаги 221 та қишлоқ хўжалиги корхонасидан 182таси ширкат хўжаликлари ва 34 таси жамоа хўжаликларига айлантирилди. Ҳозирги вақтда эса аксарият хўжаликлари фермерчилик шаклига ўтказилди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг иқтисодий шароитлар. Ижара фақат маълум мулкнинг субъектлари орасида хўжалик вазифаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш имконини берибгина қолмай, балки уларнинг иқтисодий эркинлиги ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Бозор муносабатларининг ҳозирги босқичида, аввало, барча мавжуд маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари инсоннинг ўй-фикрлари, фаолияти, унга бахтиёр ҳаётни инъом этишга бўйсундирилган бўлмоғи лозим. Қишлоқда хизмат кўрсатиш маданиятига алоҳида эътибор бериш тақозо этилади. Биринчидан, қишлоқда ижтимоий инфратузилма ва унинг ажралмас қисми – хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилса, иккинчидан, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал қилинишига ёрдам беради. Бундан ташқари, шу соҳада банд аҳоли даромадлари ҳамда давлат хазинаси маблағларининг (солиқлар орқали) шаклланиш даражаси ортади.

Бугун ривожланган мамлакатлар, жумладан, Хитой тажрибаси шуни кўрсатаптики, аҳолининг 80 %дан кўпроғини деҳқонлар ташкил қиладиган хитойдек катта давлатда халқнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш анча меҳнат талаб қиладди. Шунинг учун ҳам, дастлаб ерлар ҳар бир оилага унинг жон сони ёки ишчи кучига қараб (пудратга) берилди. Деҳқончилик солиғи сифатида давлатга маълум миқдорда маҳсулот топширилгандан ташқари, давлат у белгилаган баҳо бўйича муайян миқдорда деқончилик маҳсулотини сотиб олиш вазифасини ҳам белгилади, қолган маҳсулотни истаган ерда, истаган субъектга, истаган нархда сотиш деҳқоннинг ихтиёрида қолдирилди.

Кейинчалик сотиб бериш масаласини шартнома бўйича (қанча баҳода, қанча миқдорда сотиш ва сотиб олиш) давлат билан деҳқон келишади. Умуман олганда, давлатнинг сотиб олиш баҳоси шу вақтдаги бозор баҳосидан паст бўлмади. Қарийб ўн беш йиллик ислохотлар жараёнида дон нархи 1,5 марта, мойли экинлар хомашёси нархи 8,0 марта, пахтанинг нархи 1,7 марта, гўштники 3,8 мартага ошди.

Ерларнинг ижарага берилиши, ҳосилнинг деҳқон ихтиёрида бўлиши ва уни хоҳлаган жойда сотиш эркинлиги, бўш ва ташландиқ ерларни ўзлаштирилганлардан солиқ олмаслик ёки уларга кам солиқ солиш, фойсиз кредит бериш, маблағ билан таъминлаш каби эътиборли сиёсат ишбилармон деҳқонлар учун ташландиқ ерлар, тоғ бағри, адирлар ва жарликлардаги бўш ерларни ўзлаштириш имконини яратди. Улар янги ўзлаштирилган ерларга турли зироатлар (донли ва бошқа) экишди, боғлар барпо қилишди, кейинчалик ўз хомашёларини ўзлари қайта ишлайдиган бўлишди, шароит талабига кўра, бўрдоқчилик билан шуғулланишди, хунармандлар шогирд тайёрлашди, хунармандлик дўконлари очилди, бозорлар барпо қилинди.

Қишлоқ туманлари ҳокимиятлари бундай объектив шароитда оилавий сулолалар асосида жойнинг аниқ аҳволига қараб, янги кичик корхоналар ташкил қилди ва уларни моддий - маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Натижада, тегишмон ўрнида ун заводи, тикувчилик шаҳобчаси ўрнида тикувчилик фабрикаси, косиб дўкони ўрнида пойабзал фабрикаси, ёғочсозлик тармоғи ўрнида мебель заводи қурила бошлади.

Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторига кириши учун ишлаб чиқариш, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инфратузилмасини замонавий саноат асосига қуриб, қайта ишлаш саноатини шакллантириши лозим. Қишлоқда саноатлашган меҳнат кўринишига ўтиб, фақат деҳқончилик билан боғланиб қолмаслик, қишлоқ ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим шarti эканлиги англаб етилмоқда, меҳнат соҳаларига, қишлоқ ижтимоий муаммоларини ҳал этишга нисбатан янгича қарашлар шакллана бошлади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасининг юқори эмаслиги ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бозор муносабатлари шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги миграция жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, чунки қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасининг кам ривожланганлиги кўпгина кишиларни, хусусан, ёшларни иш ахтариб шаҳарга келиши ёки ишлаб қилишларига сабаб бўлиши мумкин. Иш билан таъминлаш соҳасида шаҳар маълум устунликка эга, имкониятлари кўпроқ.

Агар Тошкент вилоятида 1999 йилда мулкчиликнинг барча шаклида 31,1 мингдан ортиқ янги иш жойлари яратилган бўлса, шунинг 5671 таси қишлоқ хўжалигида, 1500 таси саноатда, 588 таси транспорт ва алоқада, 7383 таси савдо ва умумий овқатланишда, қолганлари бошқа соҳаларда эди. Шуниси эътиборга лойиқки, яратилган иш жойларининг 15,4 минги ёки ҳамма иш жойларининг ярми яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан яратилган, 7 мингга яқин иш жойлари эса хизмат кўрсатиш, яъни савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида ташкил этилган.

Янги иш жойларининг мулк шакли, тармоқлар ва молиявий манбалари бўйича таҳлили шундан далолат бермоқдаки, уларни яратишда устуворлик кичик ва ўрта бизнес, яқка тартибда меҳнат фаолияти олиб борувчилар ҳамда

деҳқон хўжалигини ташкил этувчилар ҳиссасига тўғри келмоқда ва улар асосан аҳолининг пул маблағи ва берилаётган кредитлар ҳисобига ташкил этилмоқда. Лекин уларнинг фаолиятида савдо воситачилиги устунлик қилмоқда. Албатта, бунга ёшлар тажрибаси, малакаси камлиги учун ишга жойлаша олмаётгани сабаб бўлмоқда. Жамғармаси йўқлиги (қишлоқ жойларда), айрим касблар унча аҳамиятли эмаслиги, ишда қисқариш кўплиги, зарур имкониятларни яратишга бошланғич старт капитали ва малака етишмаслиги бундай ишни бошлашга тўсиқ бўлаяпти.

Қишлоқ хўжалигида МТПларни ташкил этиш. Ҳозирги кунда кўп хўжаликлар йирик хизмат кўрсатувчи кооперативлар ташкил этиш учун керакли пул маблағларига эга эмас. Шунинг учун бозор шароитида хўжаликлараро кооперацияни ривожлантиришнинг дастлабки даврида бундай кооперативларни бирлаштириш орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, яъни моддий-техника ва агросервис пунктлари устахоналарининг мутахассислари, бир неча хўжаликларнинг хизмат кўрсатиш корхоналарини бирлаштириш зарур. Механизация ишларини бажариувчи хусусий тартибдаги корхоналарни ташкил этиш эса, катта капитал маблағларни талаб этади.

Бундай шароитда тўғри ва самарали йўللardan бири йирик хўжаликлар устахонаси негизида машина-трактор паркларини ташкил этишни кенг жорий қилишдир. Қишлоқ хўжалиги ширкати таркибида муқобиллик асосида ташкил этиладиган хусусий машина-трактор парклари қишлоқ ишлаб чиқариш инфра-тузилмаларининг янги хўжалик субъектида мулкчилик шаклларида қатъи назар (қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, бошқа юридик шахслар ва аҳолига) техник сервис хизмат кўрсатади.

Ширкат таркибидаги машина-трактор парки ўз тасарруфидаги ҳамда унинг хизматидан фойдаланувчи ўзга субъектлар техника ва бошқа асосий воситалари базасида кафолатли сервис хизматини ташкил қилади ва у қуйидаги афзалликларга эга:

бошқа турдош машина-трактор парклари билан биргаликда техник сервис хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатни вужудга келтиради ва кучайтиради;

буларни ташкил этишда бино ва иншоотлар қуриш, малакали кадрларни жалб қилиш зарурати ҳисобига капитал маблағларни тежаш имконияти туғилади;

сервис хизмати тизими бевосита ширкат таркибидаги машина-трактор парклари фаолиятига асосланганлиги, шунингдек, сервис хизматидан фойдаланувчи бошқа хўжалик субъектлари мутахассислари ва механизаторларидан ташкил топганлиги ва қўшимча бошқарув аппаратида эҳтиёж йўқлиги ҳисоби-га хизмат кўрсатувчиларнинг умумий сонини камайтириш имконини беради;

сервис хизмати кўрсатиш билан бир қаторда ширкатдаги мавжуд илғор тажрибаларни сервис хизматидан фойдаланувчи хўжаликларга жорий қилиш имконияти яратилади;

ширкатлар ва парк хизматидан фойдаланувчи бошқа хўжаликлардаги техника воситаларидан йил мобайнида тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун имкониятлар яратилади;

машина-трактор парки сервис хизматидан ширкатнинг ўзи ҳам фойдаланганлиги учун хизмат ҳақи тарифлари ошиб кетишига йўл қўйилмайди ва тарифлар ўзаро келишувига асосан манфаатли даражада белгиланади;

ширкат таркибида ташкил этилган машина-трактор парклари фаолияти натижасида кўрилган фойда, бевосита парк моддий-техника базасини, шу билан бирга ширкат молиявий аҳволини мустаҳкамлашга хизмат қилади;

хизмат кўрсатиш нархлари нисбатан арзонлиги улар хизматидан фойдаланувчи субъектлар (айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликлари) сонининг ортишига олиб келади;

фаолият турларининг кенгайиши, яъни, эҳтиёт қисм, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа саноат маҳсулотлари билан уларни олиб келиб таъминлаш ҳисобига фойда кўриш имкониятини яратади;

ширкат техника воситалари ва эҳтиёт қисмларни бевосита ишлаб чиқарувчи заводлардан сотиб олиш ҳамда воситачи ташкилотларга тўланадиган тўловлар миқдорининг қисқариши ҳисобига уларнинг нархларини арзонлаштиришга эришилади;

ширкат ва парк хизматидан фойдаланувчи бошқа хўжалик субъектларининг маблағларини улар билан келишув асосида бирлаштириш ҳамда банкдан узоқ муддатли кредит олиш ҳисобига парkning моддий-техника базасини мунтазам равишда янгилаб бориш имконияти яратилади;

бозор муносабатларига мос келувчи бошқа қулай иқтисодий ва ташкилий шароитларни яратишга кенг имкониятлар очиб беради.

Муқобил машина-трактор паркларини ташкил этиш объектив зарурат эканлиги масаланинг иқтисодий томони билан ҳам белгиланади. Яна шуни таъкидлаш керакки, давлат ҳиссадорлик машина-трактор парклари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган 200 турдаги техника ва ускуналар ўрнига 15 турдаги йирик техникаларни ўзида мужассам этгани, улар хизматидан асосан йирик хўжаликлар фойдаланишини тақозо этмоқда ва бу техникалар катта майдонларга хизмат кўрсатади. Авваллари кичик ва янги ташкил этилаётган хўжаликлар эса қўшни республикалардан арзон ва туриб қолган техникаларни сотиб олиб, фойдаланишга мажбур эдилар, лекин бу техникалар унумсиз, кўп эҳтиёт қисм ва жорий таъмирни талаб этарди.

Муқобил машина-трактор паркларининг тузилиши бунга чек қўйди, чунки бу машина-трактор паркларида кўп турдаги техникалар мавжудлиги, улар 0,5 гектарга ҳам, 1000 гектарга ҳам бирдек сифатли хизмат кўрсатиши, хизмат ҳақи оптимал даражадалиги, қолаверса, шартнома бутунлай бошқача тузилиши бу хўжаликларга жуда қўл келади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда техник сервис тизимида рақобат муҳитини вужудга келтирувчи, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишда кам капитал маблағлар талаб қилувчи, қолаверса, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида юзага келган шароитга мос келувчи ва қишлоқ хўжалигида техникалардан фойдаланишнинг асосий мақсади маҳсулот етиштириш таннархини камайитиришнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини ошириш билан узвий боғланган механизмини яратишга имкон берувчи энг мақбул йўлларида бири – бу, йирик хўжаликлар устахонаси негизида муқобил машина трактор паркларини ташкил этишдир.

3 МАВЗУ: МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ

Режа:

3.1. Моддий-техника базаси тушунчаси.

3.2. Корхоналар моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари

3.3. Лизинг муносабатлари

3.4. Корхоналар моддий-техника таъминотининг иқтисодий омиллари.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси дейилганда, моддий бойлик ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушунилади. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси – фан-техника янгиликларидан кенг қўламдан фойдаланиладиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир. Масалан, деҳқончиликнинг моддий-техника базасини тавсифласак, уни моддий асосда, техника асосида, тракторлар ва машиналарни деҳқончиликда қўплаб ишлатиш, электрлаштиришни оммавий миқёсда амалга ошириш асосидагина ҳал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг моддий базаси таркибига ер ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат қуроллари ва буюмлари; электр жиҳозлари; ёнилғи ва мойлаш материаллари, таъмир техникаси, ишлаб чиқариш бинолари, меторация ва йўл иншоотлари; алоқа воситалари; маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар; қўп йиллик дарахтлар; уруғлик; озиқ ва ҳоказолар киради.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси халқ хўжалигининг бошқа соҳалари моддий-техника базасига нисбатан ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга. Юқорида айтганимиздек, айниқса, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида энергетика ресурслари катта роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги барча двигателлар, куч берувчи механизмлар ва ишчи ҳайвонлар қуввати йиғиндиси уларнинг энергетика ресурсларини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурсларига хўжалик ихтиёридаги тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари, стационар двигателлар, автомашиналар, электр генераторлар, пасайтирувчи трансформаторлар, ишчи ҳайвонлар ва бошқа турдаги механизмлар киради.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурслари доимо ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Кам қувватли ва тезлиги кам тракторлар кучли, тезюар ва иқтисодий жиҳатдан қулай тракторлар билан алмаштирилмоқда. Бунга мисол қилиб, республикаимиз сотиб олаётган «Кейс» ва «Магнум» тракторларини кўрсатишимиз мумкин. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналарини юқори сифатли энегия қувватлари билан таъминламоқда.

Корхоналар моддий таъминотининг ташкилий асослари асосан «Корхоналар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари қишлоқ хўжалигининг бир қатор хусусиятларига боғлиқ.

Биринчидан, хўжалик моддий-техника базасида асосий ролни ер ўйнайди. Ер – қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ундан фойдаланишга боғлиқ. Ер унумдорлиги ҳар хил бўлиб, маҳсулот бирлигини етиштириш учун ҳар хил миқдорда харажат қилиш талаб этилади. Бу эса ҳар хил унумдорликка эга

бўлган ердан бир хил миқдорда ҳосил етиштириш учун ҳар хил миқдорда асосий ва айланма фондларга эга бўлиш заруратини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси табиий шароитлар таъсирига учраб туради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш зоналарига эга бўлиб, ҳар бир зона тупроқ-иқлим шароити ҳар хил бўлиши туфайли уларда ҳар хил тизимдаги машиналардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун зоналарда ва улар ичидаги хўжаликларда моддий-техника базаси тузилмаси ҳамда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражаси ҳар хил бўлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир-бирига мос келмаслиги туфайли ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга. Бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади. Хўжалик машиналардан ўсимликчиликда йил мобайнида бир неча ой фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг мавсумий бўлиши уруғлик, озик, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа меҳнат буюмлари захирасига эга бўлиш заруратини вужудга келтиради.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши биологик жараёнлар билан чатишиб кетади, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли идораизмлардан (ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, парандалар билан ҳайвонлар, боқувга қўйилган ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар) иборат. Улардан самарали фойдаланишга эришмоқ учун тегишли ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмоқ керак. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг ўсиши жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш фондларининг ўсишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, агросаноат мажмуи учун бугунги кунларда 6275 бирлик ҳайдов тракторлари (юқори унумдорликка айлантириб ҳисобланганда), шу жумладан, 2872 та "Магнум" ва "Маоей Ферпосон" русумли ғилдиракли, 3403 та «Т-4А» занжирли хиллари, 39297 та ихтисослаштирилган уч ғилдиракли чопиқ трактори, 40840 та 4 ғилдиракли универсал-чопиқ трактори, 2636 та юқори унумли ғалла ва шоли комбайнлари, 2642 та пахта териш машинаси, 1850 та озуқа йиғиш комбайнлари, 15687 та турли хилдаги плуглар, 311603 та культиваторлар ва бошқа техника воситалари зарур. 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига ҳайдов тракторларига бўлган талаб 95, чопиқ тракторларига - 87, ғалла комбайнларига - 98, культиваторларга - 86, трактор тиркамаларига - 75, дори пуркагичларга - 74 % га қондирилди.

Техника сонини эҳтиёж даражасига етказиш, амортизация муддатларини ўтаб бўлганларини йилма-йил янгилари билан алмаштириб бориш маҳсулот етиштирувчилар (ширкат ва фермер хўжаликлари) учун ҳам, уларга ишлаб чиқариш ва техника хизмати кўрсатувчи сервис корхоналари (машинасозлик заводлари, давлат ва муқобил машина-трактор парклари) учун ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Зеро, машина саройлари технологик карталарда кўрсатилган миқдордаги ва турдаги техника воситаларига эга бўлган тақдирдагина барча агротехник талаблар ўз муддатларида сифатли бажарилади, хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш даражасининг ўсиши таъминланади.

Қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий техника воситалари билан бутлашни рағбатлантириш, соҳа машинасозлик заводлари ва қўшма корхоналарини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилаётган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси ҳажмларини ошириш ҳамда улар учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги П1 424-сонли қарорининг қабул қилиниши айтилиб муддат бўлди. Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатга асосан вазирлик мақомидаги "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси ташкил этилди, унинг тузилмаси тасдиқланди, энг муҳими, 2001-2007 йиллар мобайнида, тажриба тариқасида "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси заводлари ва қўшма корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги машиналарини (биринчи навбатда тракторлар ва ўрим-йиғим техникасини) машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)га ва фермер хўжаликлари 7 йил муддатга лизингга беришнинг ташкилий, иқтисодий ҳамда техникавий механизмлари аниқ ва равшан белгилаб қўйилди.

Лизинг операцияларда "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси (лизинг берувчи), ТТП вилоят ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжаликлари (лизингга олувчилар), қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ва қўшма корхоналари (техника воситаларини ишлаб чиқарувчилар) билан бир қаторда Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Пахтабанк" ва "Ўзагросуғурта" компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур субъектларнинг ҳар бирига лизинг операциялари моҳиятидан келиб чиқадиган қуйидаги аниқ вазифалар юклатилган (чизмага қаранг).

Лизинг компаниясига:

республикада қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг сиёсатини олиб бориш ва уни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

ўзининг минтақавий филиаллари орқали ижарачилар (машина-трактор парклари ҳудудий бирлашмаси, муқобил машина-трактор парки, ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги) билан лизинг шартномаларини тузиш (чизмадаги 5-тадбир; кейинги ўринларда бундай ифода чизмадаги рақам орқали қайд этилади);

Молия вазирлиги ҳузуридаги махсус жамғарма маблағларига бўлган ўз эҳтиёжини аниқлаш;

жамғарма билан молиявий ресурслар ажратиш, "Пахтабанк" билан молия агенти вазифаларини, "Ўзагросуғурта" компанияси билан эса суғурта агенти вазифаларини бажариш юзасидан тегишли шартномаларни тузиш;

жамғарманинг кафолат хатлари асосида зарур техника воситаларини ишлаб чиқариш юзасидан машинасозлик корхоналарига буюртмалар бериш ва уларни етказиб беришга доир шартномаларни тузиш;

ижарачилар томонидан шартномаларга илова қилинган лизинг тўловлари жадваллари асосида бундай тўловлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;

«Пахтабанк» даги операция ҳисоб рақамидан машинасозлиж корхонасига навбатдаги чорак учун жойлаштирилган буюртма умумий ҳажмининг 30 %и миқдорида аванс пулини тўлаш (8);

ижарачиларга техникани суғурта полиси мавжуд бўлгандагина бериш;

техника воситасини ижарачи томонидан олиб кетилгани тасдиқлангандан кейин машинасозлик корхонасига қолган 70 фонд маблағни ўтказиб, узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш (10);

ижарачилардан олинган суммадан компаниянинг хизмат ҳақлари ундириб қолингандан кейин қолган қисмини уч кун муддатда жамғарманинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш (12);

жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш, ҳисоб-китоблар тартибига қатъий риоя этиш.

Молия вазирлиги ҳузуридаги махсус жамғармага:

ишлаб чиқариладиган техникага ҳақ тўлаш учун зарур бўлган ресурсларни шакллантириш ва уларнинг манбаларини аниқлаш (1);

Лизинг компаниясига ажратилган молиявий ресурслар ҳажми учун кафолат хатларини бериш (3);

маблағни Лизинг компаниясига 7 йил муддатга ссуда сифатида тақдим этиш (6);

Лизинг компаниясининг "Пахтабанк"даги операция ҳисоб рақамига зарур пул маблағларини ўтказиш;

маблағларни жамғармага қайтариш муддатлари бузилган тақдирда Лизинг компаниясига жарима тўловлари (пеня) ҳисоблаш (14);

жамғарма томонидан Лизинг компаниясига ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш.

"АГРОБАНК"ка:

(Лизинг компаниясининг молиявий агенти)

Лизинг компаниясининг барча ҳисоб-китобларига молиявий хизмат кўрсатиш;

ижарачилар билан тузилган лизинг шартномалари ва машинасозлик корхоналари билан техника воситаларини етказиб беришга доир тузилган шартномалар бўйича белгиланган тўловлар ва ўзаро молиявий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

ижарачи томонидан лизинг тўловлари олдиндан тузилган жадвал асосида амалга оширилмаганда унинг ҳисоб рақамига сўзсиз бажарилиши лозим бўлган тўлов талабларини қўйиш (13) ва ундирилган пул маблағларини операция ҳисоб рақамига ўтказиш.

1-жадвал

Кўрсаткичлар номи	Компания	1 - банк	2 - банк
Техника қиймати (ТТЗ 80.11 трактори), минг сўм	5000	5000	5000

Маржа миқдори, %			
Лизинг муддати, йил	12	24	36
Бўнак миқдори, % минг сўм	7 15	7 15	7 15
Асосий қарз миқдори, Минг сўм	750	750	
Маржа тўловлари миқдори, минг сўм	4250 1806,250	4250 3612,500	750 4250
Лизинг компаниясига қайтарилади- ган маблағ, минг сўм	6056.250	7862,500	5418,750
Лизинг олувчи учун техниканинг умумий нархи, минг сўм	6806,250	8612,500	9668,750
Мижознинг молиявий лизинг туфайли тежаган маблағи, минг сўм			10418,750
1 - банкка қараганда	1806.250		
2 - банкка қараганда	3612.500		

Лизингга олувчилар (ижарачилар)га:

лизинг бўйича етказиб бериладиган техника воситаларига бўлган ўз эҳтиёжларини аниқлаш ва улар асосида тузилган буюртмаларни Лизинг компаниясининг минтакавий филиалларига топшириш;

техника воситаси қийматининг 15 %ини ўз маблағлари ҳисобидан Лизинг компаниясига аванс тариқасида тўлаш (5а);

лизингга олинadиган техникани ўз маблағлари ҳисобидан суғурталаш (5б);

техника қийматининг қолган 85 %ини ва лизинг бўйича %ларни 7 йил мобайнида тўлаш юзасидан лизинг шартномаларини тузиш (5);

жадвалда белгилаб қўйилган лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошириш (11);

лизингга олинган машина ва механизмларни техник талабларга риоя қилган ҳолда ишлатиш ва уларни бузилишдан сақлаш.

Лизинг компанияси ва унинг вилоятлардаги филиаллари юқорида келтирилган қоида ва тартибларга амал қилган ҳолда жорий йилнинг 1 август ҳолатига лизинг олувчиларга 2580 та техника воситаларини, шу жумладан, 2013 та «ТТЗ», 240 та «МТЗ», 76 та «МХ-135» русумли пахтачилик ва универсал-чоппик тракторларини, 200 та "Кейс" пахта териш машинаси ҳамда 52 та турли хилдаги қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бердилар. Буларнинг 226 таси давлат ва муқобил машина-трактор паркларига, 702 таси ширкат, 1652 таси эса фермер хўжаликларига тегишлидир.

Хўш, лизинг тизими қандай хусусиятлари билан мижозларни ўзига тортмоқда, унинг банк кредитларига нисбатан афзалликлари нимада? Бу саволларга тубандаги жадвалда келтирилган рақамлар ёрдамида жавоб топса бўлади (бу

ерда 1 - банк рақамлари - тижорат банки мижозга ўз маблағи ҳисобидан кредит берганда, 2- банк рақамлари - тижорат банки мижозга Марказий банкдан жалб қилинган маблағ ҳисобидан кредит берганда).

Қўриниб турибдики, мижоз молиявий лизинг туфайли маржаси 24 % бўлган банк кредитига нисбатан 1,8 млн. сўм, маржаси 36 % бўлган банк кредитига нисбатан эса 3,6 млн. сўмдан ортиқ маблағини тежаб қолган. Нархи 5 млн. сўмдан баланд бўлган техникани лизингга олган мижознинг тежаб қолган маблағи миқдори янада катта бўлиши шубҳасиздир.

Қисқа вақт ичида тўпланган амалий тажрибаларнинг натижалари мижозларга техника воситаларини лизинг орқали етказиб бериш тизими муайян афзалликларга эга эканлигини кўрсатмоқда:

машинасозлар, лизинг компанияси на техника ижарачиларининг яхлит лизинг тизими ташкил этувчилари сифатида фаолият кўрсатишлари уларнинг манфаатлари ўзаро мос тушишини таъминламоқда;

янги техника воситаларига бўлган талабнинг нафақат давлат машина-трактор парклари ва ширкат хўжаликлари каби йирик субъектлар, балки муқобил машина-трактор парклари ва фермер хўжаликлари сингари нисбатан кичик ташкилотлар томонидан ҳам ортиб бориши;

лизинг тизими мижозларнинг икки муҳим муаммосини, яъни, техникани сотиб олиш ва уни молиялаштиришни бараварига ечиб бермоқда. Бу, маблағ ресурслари тақчил бўлган мижозлар учун айниқса, аҳамиятлидир;

лизингга олувчилар бирданига катта маблағ сарфламасдан ўзларининг техника саройлари ва паркларини янги замонавий машина ва механизмлар билан бутлаб олиш имкониятига эга бўладилар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника таъминотида иқтисодий омиллар жуда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштириш корхона хўжалик фаолиятини кескин равишда ривожлантиради. Қишлоқ хўжалигида киловатт соат электр энергияси ёрдамида 120 кг донни янчиш, 38 бош сигирни соғиш, 15 бош қўйнинг жунини қирқиш, 2,3 илдиз мевани қирқиш, 88 кг. нонни ёпиш мумкин.

Электр станцияларини қуриш электр энергияси билан таъминлаш харажатларини қоплаш муддатини қисқартиради, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилайд.

Илмий-текшириш институтлари маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ҳар бир млрд квтгсоат электр энергияси йилига 700 минг меҳнатга яроқли кишининг меҳнатини тежаб, маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган харажатларни 200 млн. сўмга камайтиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- ҳар бир қишлоқ хўжалиги зонасига мос келадиган ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган техника ишлаб чиқариш ва шу асосда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаш даражасини ошириш ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга уришиш;
- ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуришни кенг қўламда авж олдириш ва қурилишни такомиллаштириш;
- ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини сув билан тўла таъминлашга эришиш, яъни ерларга маҳаллий ўғитлар солиш ҳамда суғоришнинг илғор технологияларини (масалан, Исроилнинг томчилатиб суғориш технологиясини) қўллаш орқали;
- чорвачилик фермерларини маҳсулдор зотли ҳайвонлар билан таъминлаш ва электрлаштириш даражасини ошириш; экинларнинг касалликларга бардош бера оладиган юқори ҳосили, тезпишар уруғ навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат қилувчи корхоналарнинг (таъмир, қурилиш, илмий-текшириш институтлари ва ҳоказо) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Ҳозирги шароитда агротехсервис тизимини ривожлантириш катта аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалигига техсервис хизмати кўрсатиш корхоналарини тузиш муҳим ўрин тутади, бундай корхоналардан бири машина-трактор паркларидир. Лекин, таъкидлаб ўтилганидек, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш, яъни давлат бошқарув ролини чегаралаш, иқтисодий эркинликларнинг ва хўжалик юритиш субъектлари сонининг ортиши агротехсервис тизимида ҳам рақобат муҳити шакллантирилишини тақозо этади. Бундай шароитда, турли мулк шаклидаги, агротехник хизмат кўрсатувчи муқобил корхоналарни яратиш зарур. Буларга техник марказлар, дилерлик марказлари, лизинг компаниялари, техника хизмати бўйича фермерлар кооперативи, хўжалик негизидаги муқобил машина трактор парклари, шахсий ва бошқа турдаги корхоналар киради.

Жумладан, давлат ҳиссадорлик машина-трактор парклари томонидан хизмат кўрсатиш нархларининг юқорилигига биринчидан, чет эл техникаларининг меъёр бўйича хизмат муддатлари 10-15 йил бўлишига қарамадан, лизинг муддати 5,6 йил белгиланиши, лизинг ҳақи (амортизация ажратмаси) миқдори жами таннархнинг 55-70 %ини ташкил этиши ва улар унумдорлигининг меъёрига нисбатан 25-30 %га кам белгиланиши оқибатида эса бошқа харажатларнинг сунъий равишда ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш нархларини камайтириш йўли, лизинг муддатини ҳеч бўлмаганда техника хизмат муддатининг 80 %игача белгилаш ва бу лизинг ҳақини МТПлар тўлиқ хўжалик бўйнига қўймасликлари учун уларга давлат томонидан узоқ муддатли кредитлар берилиши масаласи ҳал этилишидир.

Умуман, агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак 1928-1958 йилларда МТСлар ташкил этилиши, 1980 йилларда Наманган вилояти, Мингбулоқ туманида тажриба тариқасидаги МТПлар фаолияти натижалари шуни кўрсатдики, техникани деҳқондан ажратиб қўйиш, ўз фойдаси орқасидан қувиш оқибатида механизация ишлари таннархи ортиб кетиши бу тузилмаларнинг тез муддатларда тугатилишига олиб келган. Ҳар иккала ҳолда ҳам бу тузилмаларнинг фаолиятини уларни ташкил этишдан асосий мақсад бўлган қишлоқ хўжалиги

ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини ошириш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш билан узвий боғловчи иқтисодий механизм яратилмаганидир.

Ҳозирги шароитда давлат ҳиссадорлик машина-трактор паркларини монопол ҳолатдан чиқариш йўлларида бири, юқорида айтиб ўтганимиздек, уларга турдош бўлган техник сервис корхоналарини ташкил этишдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессиясида И.А. Каримов, ҳар бир туманда бир неча шундай муқобил машина-трактор паркларини тузиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтган эди. Бу ҳақда, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги 108-сонли «Машина-трактор парклари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 108-қарорида ҳам тўхталиб ўтилган. Унда жумладан, ҳар бир туманда камида иккита шундай нодавлат мулк шаклидаги машина-трактор паркларини тузиш чора-тадбирларини кўриш кўзда тутилган. Лекин бундай сервис тузилмаларини аввало ташкил этишда, кейинчалик уларнинг фаолият кўрсатишларида бир қатор ташкилий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш лозим. Шунинг учун уларнинг энг мақбулини танлаб олишимиз ва устувор ривожлантиришимиз зарур. Шу ўринда уларнинг айримларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Техника марказлари у ёки бу ҳудудда машина ва ускуналар ишлаб чиқарувчининг вакили сифатида фаолият кўрсатади. Шу сабабли уларнинг вазифаларига: машиналар, ускуналар, эҳтиёт қисмлар сотиш, уларни сотишга тайёрлаш, монтаж қилиш ва ишлатиш, кафолат муддатида ва ундан кейинги даврда техник хизмат кўрсатиш ва таъмир кабилар киради. Агросаноат мажмуидаги муносабатларга мос равишда кўп корхоналар кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида пул тўлай олмаслиги, шунинг учун ҳам марказлар истеъмолчилар билан ҳисоб-китобда асосан компенсацион лизинг шаклидан фойдаланиши кўзда тутилади, техника ижараси ва механизация ишларини бажариш оддий бирлашмалар шартномасидагидан амалга оширилади. Шундай қилиб, техник марказлар у ёки бу иш тартибларини бажариш учун машиналар мажмуини етказиб беради, уларни нефть маҳсулотлари билан ўз ҳисобидан таъминлайди, техник сервис хизмати кўрсатади ва ҳоказо. Моҳияти жиҳатидан у машина-технологик станциялар вазифасини бажаради.

Техник марказга техника етказиб берувчилар билан муносабатлар эса икки вариантда ташкил этилиши мумкин: шартномавий ва корпоратив.

Биринчи вариантда техника ва ускуналар етказиб берувчилар билан лизинг келишуви ёки биргаликда фаолият юритиш ҳақида шартнома тузилади.

Иккинчисида эса, техник марказ иккиламчи бўйсунувчи жамият бўлиб қолади. Унинг фаолияти акционерлик жамияти томонидан тайинланган ижарочи директор ва директорлар кенгашига сайланган вакиллар томонидан кучли назорат остида бўлади. Бундай ҳолда техника ва бошқа моддий ресурслар техник марказларга сақлаш учун берилган ҳисобланади.

Бир қатор ҳолларда техник марказлар билан бирга дилерлик марказларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Булар техника ишлаб чиқарувчи, техник марказлар ва истеъмолчилар ўртасида вакил сифатида намоён бўлади. Техник марказ томонидан иш ва хизмат турлари айнан дилерлик марказлари зиммасига юклатилади, чунки техник марказлардан фарқли ўлароқ, дилерлар

биргина техника ва ресурслар етказиб берувчилар билан эмас, балки бирданига турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари мумкин. Моҳияти жиҳатидан дилерлик марказларини ташкил этиш ва ривожлантириш сервис хизматини яхшилаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, техника таъминоти ва эҳтиёт қисмлар баҳосини камайтириши керак, чунки бунда даллолларга эҳтиёж қолмайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- Моддий-техника баъзаси деб нимага айтилади?
- Моддий-техника таъминоти деб нимага айтилади?
- Ўзбекистон Республикасида моддий-техника таъминоти қандай амалга оширилган?
- Моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари нималардан иборат бўлади?

5 МАВЗУ. БИРЖА ВА СУҒУРТА ИШИ.

Режа:

- 5.1. Жаҳон иқтисодиётида биржаларнинг ривожланиши.**
- 5.2. Биржаларнинг вазифалари ва турлари, уларнинг ҳудудий тавсифи**
- 5.3. Биржаларни таъсис этиш ва тартибга солиш.**

Қадимдан «Биржа» сўзи куйидаги уч хил воқеаликни ифодалаш учун қўлланилади: биринчидан, сотувчи ва сотиб олувчиларни бир жойда йиғилишини: иккинчидан бундай йиғилишларни ўтказиш жойини ва учинчидан шу вақтда амалга ошириладиган савдо-сотиқлар йиғиндисини. Бу фикрларнинг ҳаммаси жамланса. Маълум тарзда ташкил этилган бозор ёки биржа деган маъно чиқади. Биржанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳар доим улгуржи тарзда олиб борилади, савдо буюми бўлим эса маълум бўлган хусусиятлари, тавсилотлари аввалдан кўрсатилган, лекин сотиш жойида йўқ бўлган қимматбаҳо буюмлар, хом ашё ва маҳсулотлар, қимматбаҳо қоғозлар, хизмат ишлари, иш кучи ва бошқалар бўлиши мумкин. Биржа бозори учун хос бўлган нарсалардан яна бири шуки, бу ерда ишбилармонларнинг муомала ёки олди-берди операциялари ҳар доим кўпчилик олдида, аввалдан белгиланган вақтда ва белгиланган жойда олиб борилади. Бундан мақсад шука, хоҳлаганларнинг барчаси бундай савдода иштирок этиш имкониятига эга бўлсинлар. Умуман «Биржа» сўзи латинча «BURSA» ва немисча «BORSE» сўзидан келиб чиққан «чўнтак» маъносини билдиради. XV асрда Нидерландиянинг Брюгге шаҳридаги Ван дер Бурс исмли савдогарнинг уйи олдидаги майдонда турли хил мамлакатлардан келган савдогарлар сотиладиган ва олинадиган товарларни аслини аниқ кўрсатмай туриб савдо тўғрисидаги маълумотлар билан фикр алмашиши ва чет эл векселларини сотиб олиш ва савдо операцияларини бажариш учун тўпланганлар.

Ван дер Бурснинг тамғасига туширилган яна шу чарм чўнтакнинг учта шакли унинг уйи дарвозасига жойлаштирилган эди, натижада «биржа» сўзи одатга кириб бутун Европа континенти бўйлаб Россияда ҳам ёйилиб кетди.

Биржа энг қадимий савдо институти бўлиб, ҳозирги биржа ташкилотларини яратилиши, савдонинг ривожланиши, йирик савдо марказларининг таркиб топиши, савдогарлар гуруҳларини қўплаб юзага келиши билан боғлиқдир. Демак, ҳозирги биржаларнинг авлоди бўлиб, бозор ва ярмаркалар ҳисобланади. Бозорда савдо муттасил олиб борилад эди, аммо биржадан фарқ қилган ҳолда бозорда товарнинг асли сотилиб, одатда харид қилувчилар бўлиб товарни истеъмол қилувчилар ҳисобланар эди. Ярмаркаларда товарни ўзи бўлмай унинг намунаси, улгуржи партиялари бўйича савдо қилинад эди ва уни савдо воситачилари харид қилар эдилар. Ярмаркаларда энг камёб ва чакқон товар бўлиб пул ҳисобланар эди. Ярмаркалар бир йилда бир неча марта ўтказилар эди. Одатда. Ярмаркалар халқаро савдони ривожлантиришга хизмат қилар, бозор эса чекланган районларда савдо оборотини тахминлар эди.

Саноатнинг ривожлана бориши билан доимий улгуржи бозорга муҳтожлик, зарурият туғилади. Бундай бозор ривожланаётган ҳўжалик соҳалари ўртасидаги алоқани боғлаш имконини берар эди. Бундай бозор биржа шаклида XVI асрда Испания билан Голландия ўртасидаги савдони ривожланиши билан таркиб топди. Демак, биржа қимматбаҳо қоғозлар фондига эга бўлган, стандарт талабларга жавоб берадиган товарлар ёки уларни намуналарни, талаб ва таклифларга биноан қонуний равишда нархи белгиланган валюталар асосида савдо амалга ошириладиган, ташкил этилган доимо амал қилиб турадиган бозордир.

Биржа операцияларини бажариш объекти бўйича қуйидаги биржалар тури ажратилади: товар биржалари шу жумладан компенсация қилувчи, яъни ўрнини тўлдирувчи ёки бартерли фонд қўйилган ҳолда валюта биржалари, фракта биржалари ва шунга ўхшашлар бўлиб, унда савдо буюми бўлиб турли хил хизматлар, масалан «ғоя биржаси» деб аталувчи биржалар илмий-техник ишловчилар ва инженерлар хизматларини бажарадилар. Меҳнат биржаси ва бошқалар.

Биржалар аниқ таркиб топган ихтисослашувга эга бўлиши лозим. Масалан, автомобиллар, дон маҳсулотлари, металл, қимматбаҳо қоғозлар индекси билан савдо қилувчи биржалар.

Шуни айтиш керакки, биржа савдо қилишнинг дастлабки шакли уни товар шакли бўлмай, балки валюта-вексель биржаси шакли бўлган. Биржада қимматбаҳо буюмлар объекти бўлиб ҳисобланган, улар ва векселлар айирбошланинг талабларига энг қўп даражада жавоб берган. Товарлар билан битим тузиш ўша даврларда фақат ярмаркаларда бўлар эди. Транспорт воситаларни ривожланиш билан бундай шаклда савдо қилиш сусайиб борди ва биржани ривожланишини кейинги босқичи ҳисобланган товар биржалари таркиб топди.

Дастлабки биржалар XV-XVI асрларда Италияда, Венеция, Генуя, Флоренция, Голландия, Англия ва шунингдек бошқа мамлакатларнинг йирик савдо шаҳарларида пайдо бўлиб, бу ерларда мануфактуралар асосида ташқи савдо ривожланган.

Антерпендаги биржа дастлабки ҳалқаро биржа бўлиб, унга 1531 йили асос солинган. Унинг биносини кираверишига «Барча ҳалқлар ва тилдагиларнинг савдогар лдамлари учун» деган афсонавий ёзув битилган.

Антерпен биржасида икки турдаги товар, айниқса муҳим ўрин тутар эди: англия жуни ва хинд қалампири. Улар юқори даражадаги айирбошлаш қобилиятига эга бўлиб, ҳаттоки биржада бўлмаган товарлар билан ҳам битим тузиш имконини берар ва улар ҳозирги замон товар биржасини яратдилар. Янада тез суръатда валюта-вексель билан савдо қилувчи биржалар ривожлана бошлади. Улар аста-секинлик билан операцияларни бажариш объекти бўлиб аввалги вексель биржаларидагидек тўловлар эмас, балки инвестиция қоғозлари - облигация ва акциялар бўлган фонд биржаларига яқинлашиб борадилар.

Бу қимматбаҳо қоғозлар Антерпен биржасида иш кўришнинг асоси бўлиб хизмат қилдилар. Ўша даврда облигациялар билан савдо қилишнинг йирик маркази бўлган ва 1549 йили юзага чиққан Лион биржасидир.

Ост-Индия кампанияси ва қимматбаҳо қоғозлар акция бозорини шаклланиши. XVII аср бошида биржа фаолиятини кутилмаган даражада ривожланишига олиб келди. Унинг маркази 1608 йили юзага келган Европадаги энг йирик Амстердам биржаси «Нидерландия» бўлди.

Амстердам биржаси универсал биржа бўлган. Бунда нон, туз, балиқ, ширинликлар, ўрмон ёғочлари ва бошқа товарлар пул, облигация билан савдо бўлар эди.

Кўплаб иштирокчиларнинг тезда бойиб кетишга чанқоқ бўлганлиги шунга олиб келдики, Амстердамдаги биржа ташкилотлари XVII асрда тарихда биржа учун биринчи маҳсулоти бино қурдилар. Шундай қилиб, биринчи бор ҳозирги замон биржасининг ажралмас қисми - биржа зали пайдо бўлди.

Нидерланд биржалари эстафетасини XVII асрнинг охири ва XVIII аср бошида 1570 йили юзага келган Лондон биржаси олди. Унинг гуллаб яшнаб кетиши Жанубий денгиз савдо кампаниялари ташкил этилишига боғлиқдир. Кейинчалик Лондон биржаси ёпиқ уюшмага «корхонага» айланиб, унда фақат катта савдогар коммерсантларнинг бир қисми учун эшик очик бўлган.

1742 йили Парижнинг вексель фонд биржаси таъсис этилади. Бундан кейинги энг кўзга кўринган фонд биржаларидан Франкфуртдаги биржа бўлган. Дастлабки вақтларда биржа ишларни олиб бориш объекти бўлиб, ҳар қандай қимматбаҳо қоғозлар, шу жумладан, векселлар, варрантлар, акциялар, облигациялар ҳисобланган. Кейинчалик бу хил операцияларни олиб бориш банклари ихтиёрига берилган. Натижада қисқа муддатли кредит бериш унча катта аҳамиятга эга бўлмай қолади ва биржалар ломбардга ўхшаш операцияларни бажариш билан чекланиб қолган. XIX аср охиридан то ҳозиргача фонд биржаларида биржа битимларини амалга оширишнинг энг асосий объекти акция ва облигациялар-давлат мақоми бошқарув ташкилотлари, йирик банклари ва коммерция ташкилотлари қарзлари, мажбуриятлари ҳисобланиб келинмоқда. XVI асрда юзага келган товар биржалари фонд биржалари каби унча катта роль ўйнамайди. Кейинчалик XIX асрнинг охирида маълум хил товарлар бўйича ихтисослашган товар биржаларини гуллаб-яшнаши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожланиши билан узвий боғлиқ эди. Йирик товар биржалари дон, шакар, кофе ва бошқа товарлар билан савдо қилишга

ихтисослашган эдилар. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар биржа савдоси учун кўпроқ яроқли бўлган. Бунга сабаб уларни қисқа вақтда етиштирилиши ва уларга бўлган доимий талабнинг мавжудлигидир. Шунинг учун бу маҳсулотларга баҳони барқарорлаштириб туриш қийин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари стандарт бўйича биржа савдо системасига яхши мослашади намунаси кўрсатилмайди, стандарт бўйича фақат номи берилади. Бу хил объектлар ҳозиргача товар биржаларида олди-сотди операциялари олиб боришнинг асосий буюми ҳисобланиб келмоқда.

Россияда биржаларнинг пайдо бўлиши Улуғ Петр номи билан боғлиқдир. 1721 йили Санк-Петербургда биринчи рус биржасини яратди. У кейинчалик Европада энг йирик биржалар қаторидан ўрин олган. Ҳукумат томонидан қурилган биржа биносини Александр I Петербург зодагонларига топширди. XX аср бошларида Россияда 50 дан ортиқ товар биржалари, бир қанча умумевропа аҳамиятига эга бўлган фонд биржалири (жами 115) актив фаол кўрсатганлар. Биржа савдосининг кўлами бўйича Россия энг ривожланган Европа давлатларига тенг келган. XX аср бошларида Германияда 20 та, Францияда тахминан 70 та биржа мавжуд эди.

Россияда биржа савдо институти тadbиркорларининг ўзлари яратган ижтимоий ташкилотлари доирасида ривожланган ўша даврда Россияда биржа фаолияти умумҳуқуқ доирасида бошқарилмаган. Бу даврда давлат коммерсантларни ўзларининг обрў ва касб усталигига таянган.

Биржалар иқтисодий муносабатларнинг ўз-ўзини ижтимоий бошқариш кўп тармоқли системада қўшилиб кетган эди. Бошқа ижтимоий савдо ташкилотлари ёки ярмаркалар, савдо ва савдо саноат палаталари, задогонлар йиғилишлари, саноатчилар бирлашмалари билан бир қаторда рус биржалари талаб ва таклифни бараварлаш, баҳони белгилаш, регионлар ва халқлар ўртасида мустаҳкам савдо алоқаларини ўрнатиш, эмиссия ва қимматли қоғозлар устидан назорат ўрнатиш соҳаларида зарур вазифаларни бажарганлар.

Биринчи жаҳон уруши бошланишида биржалар маъмурий тарзда тақиқланган эди. Янги иқтисодий сиёсат «ЯИС» даврига биржалар яна тикланди. Улар шунда юздан ортиқ эди. Шу даврда кўзга кўринганлари Москва марказий товар биржаси «29 декабрь 1921 йил очилган», Саратов, Пермь, Вятка, Нижгород, Ростов-Дон биржалари ва ҳоказолар.

Биржаларнинг вазифалари. Биржа ва брокерлик идоралари, одатда кенг доирадаги фаолият турларини амалга оширади. Аввало улар савдо битимларини тузиш, улгуржи савдони ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича жуда кўп хилдаги воситачилик хизматларини бажарадилар. Одатда, улар катта хажмда нашриётчилик фаолиятини олиб борадилар. Биржа бюллетенлари, қўлланмалар, норматив ҳужжатлар ва бошқаларни чиқаради. Булардан ташқари, улар турли хил товарлар, баҳолар бозори товарларга бўладиган келаси даврда талаб ва таклифни ўзгариш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар. Биржалар кенг доирада консультация, маслаҳат бериш ва шу каби бошқа хизматларни бажарадилар. Улар билан яхши ва доимий муносабатларни сақлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда корхоналар биржалар билан маълум хил шартномалар тузишлари мумкин. Биржалар ва брокерлик идоралари фаолияти фақат шулар билан қопланиб қолмайди. Улар кўпгина маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматларни бажариш соҳасида жуда кўп хилдаги фаолият

турларини бажара оладилар, кўшимча корхоналар яратадилар, суғурта, молия-кредит ва коммерция операцияларини бажарадилар. Кўп ҳолларда биржа ва брокерлик идоралари кўп қиррали фаолияти амалга оширувчи ташкилотдир. Шунинг учун уларни яратишда ана шу кўп қиррали фаолиятни имкони бўйича Уставда акс эттириш зарур. Брокерлар ва биржа мижозлари шуни ёдда тутишлари зарурки, биржа анчагина катта ҳуқуқга эга. Биржалар уз Уставида ҳуқуқ доирасида фаолиятининг тартиб ва қоидаларини белгилашга ҳақдир. Уларга риоя қилмаслик ёмон салбий оқибатларга олиб келади. Биржалар, шунингдек ўзига сотиладиган товарлар рўйхатини аниқлаши, хусусий биржа стандартларини, ўхшаш биржа контрактларини ишлаб чиқиши, биржадаги талашув - тортишув бўйича қарорлар қабул қилиши, вақтинча савдони тўхтатиб қўйиш, ўз хизмати учун тўловлар белгилаш, Уставни ва савдо қоидасини, шунга ўхшашларини бузганлиги учун санкциялар юклаши мумкин. Аммо бир биржа шу ва бошқа масалаларни ўзича хал этиши мумкин. Демак, турли хил биржалардаги қоида ва талаблар бир хил эмас. Яна шуни айтиш керакки, биржа ва уларда амал қилаётган брокерлик идоралари мустаҳкам ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар. Улар ўз фаолиятларида боғлиқдирлар, лекин бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича бермайдилар.

Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилишича биржа савдосини ташкил этиш ва уни тартибга солиб туришга доир фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

Биржа олди-сотди, савдо-воситачилик фаолияти билан бевосита шуғулланиши мумкин эмас. Биржа фаолиятининг асосий қоидалари қуйидагилар:

- савдони ўтказиладиган жойи ва вақтини олдиндан тартибга солинган йўли биржа савдо-сотиғи самарадорлигини таъминлаш;

- биржа товарлари бозорини шакллантириш;

- эркин равишда юзага келадиган бозор нархларини қўллаш;

- савдо-сотиқни ошкора ва омма олдида ўтказиш;

- биржа битимларини тасдиқлаган қоидаларга асосан эркин равишда тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш;

- товарлар нархини белгилаш ва уларга доир маълумотларни эътироф қилиш;

- монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларга риоя этиш қоидалари асосида амалга оширилади.

Мулкчиликнинг барча шаклдаги корхоналар, ташкилотлар, хўжалик уюшмалари, брокерлик ва фирмалари, брокерлар, диллерлик бошқа юридик ва жисмоний шахслар шу жумладан чет эл юридик жисмоний шахслари биржа фаолиятининг иштирокчилари ҳисобланади.

Биржалар қадимдан маълум. қадимги Римда жуда ўлкан империянинг турли томонларидан савдогарлар ўз товарларини Римга олиб келардилар ва катта очик ва ёпиқ майдонларда уларни сотардилар. Бу жойларда «фора вяндаллио» (сотиб юбориш бозорлари) деб аталар эди. Хатто машҳур рим форумининг биноси ҳам савдо марказига мослаб қурилган эди.

Товар биржалари - товарлар улгуржи бозорининг доимий фаолият кўрсатадиган энг ривожланган шаклларида биридир. Одатда у маълум бир товарни сотишга ихтисослашган бўлади.

Масалан, Лондон қимматбаҳо металл биржасида платина, олтин, кумуш каби қимматбаҳо рангли металл сотилса, Париж товар биржаси асосан шаккар билан савдо қилади. Чикаго биржасида эса дунё бўйича буғдой битимларининг 90%и тузилади.

Товар биржаси универсам булгани билан унда дуч келган товар сотилавермайди, балки 70 та гуруҳга киритилган товарларни баъзи бирлари сотилади, бу товарлар дунё биржа бозорида ҳаракатда мавжуд бўлиши шарт. Бундай товарлар биржа товарлари дейилади, улар маълум бир белгиларга эга булган, стандартларга жавоб берадиган товарлар булиши лозим.

Товар биржаси - юридик шахс ҳуқуқидаги акционерлик жамияти шаклидаги ташкилотдир, мамлакат ва чет эл фуқаролари ва фирмалари унинг аъзолари бўлиши мумкин, фақат улар биржа уставида кўрсатилган талабларга жавоб бериши, етарли даражада бошланғич капиталга эга бўлиши лозим. Биржа улгуржи савдонинг аукцион, ярмарка ва кўргазма каби шаклларида ўзининг ихтисосий ўзига хосликлари билан фарқ қилади. Бу савдонинг доимий шакли булиб, унинг ўтказиладиган жойи ва вақти аниқ бўлади. Биржа аниқ бир товар савдосига йўналган. Жисмонан қараганда биржада товар ва пул, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи мавжуд бўлмайди.

Бозор иқтисодиётида товар биржаларининг аҳамияти бекиёсдир. Биринчидан, у кўплаб товарларнинг бақолари ҳақидаги очиқ ахборот манбаидир, бу кўп товарлар баҳосининг шаклланишга, тартибга солинишига таъсир қилади. Иккинчидан биржалар ўзига хос индикаторлардир, уларни товарларнинг таклифи ва талабини юзага чиқаради ва яна улар воситачилик фаолиятининг очиқ-ойдин бўлишини таъминлайдилар, бошланғич капиталнинг жамғарилишига ва тадбиркорликнинг ривожланишига зарур шарт-шароитларни яратадилар.

Келажакдаги биржа савдолари - бу электрон биржалардир, улар каттароқ ҳудудларни қамраб оладилар ва уларда хоҳлаганча брокерлар ва миждозлар мавжуд бўла олади.

Ўзбекистонда турли хил мулкчилик шаклидаги товар ишлаб чиқарувчиларга тенг реализация шароитларини яратадиган механизмни юзага келтириш ғояси бозор муносабатларига ўтишни чуқурлаштириш жараёнида пайдо бўлди. 1994йилда Республика Товар-хом ашё биржаси (ЎзРТХАБ), очиқ турдаги ҳиссдорлик жамияти (ОТЎЖ) шаклида ташкил этилади. Унинг таъсисчилари «Ўзулгуржибиржасавдо» ассициациясининг ва «Ўзмолияинвест»нинг республикадаги 24 та фирмалари ҳудудий корхоналари бўлишди. Товар-хом ашё биржасининг асосий вазифаси мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган хом ашё, материал ва товарларнинг эркин улгуржи савдосини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишдир. Унга доимий фаолият кўрсатувчи Республика ярмаркаси бириктириб қўйилгандан сўнг, РТХАБ бор қуввати билан ишлай бошлади. Биржа бир қатор биржалар билан, чунончи: Россия товар-хом ашё биржаси билан, қозоқ халқаро агросаноат биржаси билан, Тожикистон товар-хом ашё биржаси билан ва бошқа бир қатор биржалар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар имзолади. Биржа фаолиятининг ривожланишига Ўзбекистон Республикаси президенти фармони билан қабул қилинган қарорлар, яъни экспорт контрактларини божхона тўловларидан озод қилиш,

валютага сотилган товардан тушган валютанинг бир қисмини қатъий равишда сотиш кабилардан озод қилиниши катта таъсир қилди.

Хозирги вақтда биржада 260 дан ортиқ брокерлик конторалари мавжуд бўлиб уларда 500 дан ортиқ брокерлар фаолият кўрсатмоқда, улар турли хил тармоқ ва қар хил мулкчилик шаклидаги корхоналар номидан, шунингдек чет эл фирмалари номидан фаолият юритишади, савдога турли хил товарлар қўйилади, факат квоталаниши мажбурий бўлган товарлардан ташқари (пахта, металл, нефть ва нефть маҳсулотлари).

Биржа инфратузилмаси ҳам ривожланиб бормоқда: миждозларга товарларни сақлашга халқаро даражада жихозланган терминаллар таклиф этилади, хисадорлик транспорт-экспедиция агентлиги кенг имкониятларга эга. Ўзбекистонда биринчи кучли биржа банки «Трастбанк» ташкил этилди ва у РТХАБ миждозларини қизиқтирган лойиҳаларни инвестиция қилишга тайёр.

ЎзРТХАБ борган сари ўз имиджига эга бўлиб бормоқда, бу эса тадбиркорлик муваффақиятининг гаровидир.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар, уни тартибга солиш механизмларининг ўзгариб бориши, бозор муносабатларининг ривожланиб бориши ресурсларни тақсимлаш шакллариининг янги иқтисодий мухитга мос келадиганларини қуллаш, жорий этиш вазифаларини қўймоқда. /арб давлатларида бозор механизмини жорий қилишнинг самарали воситаларидан бири товар биржаларидир. Бозор муносабатларининг ривожланиши ва такомиллашуви нафақат биржалар пайдо бўлишини тақазо қила бошлади, балки реал товарлар секторидида бирламчи биржаларнинг пайдо бўлишига туртки берди: транспорт воситалари, алоқа ва товарларни сақлаш воситалари яхшилаана бошлади, хом ашё сифатининг ишончлилиги ва уни аниқлаш усуллари такомиллашди.

Бахолар бозори сифатида биржа йирик ишлаб чиқарувчилар қўядиган талабларга, умуман бозор иқтисодиёти қўядиган талабларга тўла жавоб беради. Биржанинг реал товарлар бозоридан савдога хизмат кўрсатадиган, савдо ва кредит-молия операциялари билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартиришга қаратилган институтга айланишига ўтказувни концентрациялашга бўлган интилиш, биржага хос товарларнинг ишлаб чиқарилиши ва савдоси сабаб бўлди. Ҳозирги вақтда фьючерс савдолари энг кичикдан тортиб энг катта компанияларнинг қам талабларини қондиради.

Бундан ташқари баъзи бозорларда (нефть, тропик товарлар) биржалар самарали фаолият кўрсатиб, уларда ТМҚларнинг таъсирини камайтирди ва бу оркали ривожланган давлатларнинг ривожланаётган экспортёр-давлатларга салбий таъсирини деярли йўққа чиқарди.

Товар биржаларининг ўрни ва ахамияти қандай ўзгараётганлигини тўғри талқин қилиш фақат назарий қизиқиш билан эмас, балки амалий ахамиятлилиги билан қам ажралиб туради, чунки биржа механизмидан тўғри фойдаланиш худди шу назарий ва амалий хулосаларга таянади.

Товар бозорларига хизмат кўрсатувчи биржа, ихтисослашган молиявий институт сифатида мос ҳолда товарларнинг «бахолар бозори» бўлиб ҳам хизмат қилади, яъни биржа котировкаларига катта таъсир қилади, бу билан фирманинг рақобатбардошлигига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Бундан ташқари биржалар молиявий институт сифатида товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш босқичларида банк томонидан бериладиган

кредитларни тўлдириб боради ва бу босқичларнинг кам харажатлар амалга оширилишини рағбатлантиради, биржа озод маблағларни товар ишлаб чиқаришга жалб қилишга ва бу билан уларнинг қайта тақсимлашда ҳам фаол иштирок этади.

Биржа савдосининг умумий ривожланиш анъаналарини таҳлил қила туриб шунга амин бўлиш мумкинки, биржа фьючерс савдолари орқали йирик компаниялар ва молиявий капиталнинг, шунингдек кичик ва ўрта бизнеснинг ҳам манфаатларига тўла мос келади ва келажакда у янада ривожланади. Шунга мос ҳолда биржа механизмларидан фойдаланиш ҳам кенгайди.

Ҳозирги даврга келиб биржаларни ташкил этиш ишлари ниҳоятда авж олиб кетди. Бутун мустақил давлатлар бўйича тўрт юздан ортиқ ташкилотлар ўзларини биржа деб ҳисоблайдилар. Россиядан икки юздан ортиқ биржалар бугунги кунда рўйхатдан ўтказилган.

Энг йирик биржалар қаторида «Россия товар - хом ашё биржаси» деб аталувчи акционерлик жамиятини кўрсатиш мумкин. Бу биржа 1990 йилнинг октябр ойида юзага келди. Бажарадиган ишларнинг ҳажми бўйича «Россия товар - хом ашё биржаси» мустақил давлатлар кенгашидаги энг йирик биржадир. Бунда операциялар кенг турдаги маҳсулотлар, хом-ашёлар, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб борилади. Россия товар-хом ашё биржаси мамлакатдаги жуда кўп биржалар билан алоқа қилади.

1990 йилнинг май ойида яна бир катта «Москва товар биржаси» номли акционерлик жамияти ташкил этилган. Бу жамиятдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва металл буюмлари, нефть ва нефть маҳсулотлари, ҳисоблаш техникаси, уй-рузгор, электроника буюмлари, машина-созлик дастгоҳлари, кенг халқ истеъмол товарлари ўтади. Волга бўйидаги ташкил этилган энг йирик биржалардан «Самара биржаси»дир. Бунда турли хилдаги барча операциялар кенг халқ истеъмол товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари; ишлаб чиқариш техника мақсадларидаги буюмлар, жумладан қурилиш материаллари, дастгоҳлар, автомобиллар ва бошқалар; хом ашё, кимирламайдиган бинолар, иншоотлар сотилади.

1991 йили «Тюмень товар фонд биржаси» ташкил этилди. Уни ташкил этувчилар магистраль нефть қувурлари бошқармаси. «Тюмень ўрмон саноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Нижеватовск нефть-газ», «Тюмень саноат» ассоциацияси, «Серп ва молот» «Харьков» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Туристинвест» акционерлик жамиятлари бўлдилар.

1992 йилнинг март-апрель ойининг 12 кунда республикада 30 та биржа рўйхатдан ўтказилган бўлса, кейинчалик уларнинг сони камайиб, кўплари тугатилиб, айримлари савдо уйлари ёки бошқа ташкилотларга айлантирилди. Бунга сабаб шуки, улар қонунга кўра 50 млн сўмлик Устав фондига эга бўла олмаган. Уларнинг кўплари давлат моддий техника таъминоти системасида воситачи бўлиб хизмат қилган, айримлари янгича ном билан бозорда ўз мавқеларини сақлаб қолишга интилувчи коммерция типигаги ўртада турган ташкилотлар бўлган.

1993 йилнинг бошларига келиб Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги» қонунига мувофиқ агросаноат акционерлик жамиятининг «Ўзбекистон» биржаси. ««Андижон» товар хом-ашё биржаси, «Наманган» акционерлик жамияти, универсал товар биржаси, +ашқадарё

«Насаф» товар хом-ашё биржаси, Ургенчда регионаллара «Хоразм» товар хом-ашё биржаси рўйхатдан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти» тўғрисидаги қонунга асосан республика молия инвестиция холдинг уюшмаси акционерлик жамияти таркибига киритилган, чекланган ҳуқуқга эга бўлган жамият ҳисобланган, «Тошкент» универсал товар фонд биржаси товарлар ва қимматбаҳо қоғозлар билан иш кўради.

«Тошкент» биржасини Холдинг уюшмаси таркибига киришнинг афзаллиги шундаки, биржа тижорат фаолияти ҳуқуқига эга бўлади. Холдинг компанияси бир қанча турдаги биржалардан иборат бўлади: уч

- товар биржаси;
- фьючерс биржаси;
- фондига эга бўлган биржа;
- суғурта компанияси ;
- банк;

"Карвон" номли савдо уйи.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги кўрсатмасига асосан халқаро пахта биржасини ташкил этиш мўлжалланган. Бугунги кунда биржа савдосининг кенг ҳуқуқий асосларини шакллантириш республика ташкилотларининг энг долзарб ҳуқуқшунослик фаолияти масалаларидандир. Лекин шу вақтгача фаолият кўрсатиб келаётган биржалар тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар тўлиқ ва биржа амалиётига кўпгина муҳим масалаларга тегишли бўлмаган. Шуларни ҳисобга олиб, 1992 йилнинг 2 июлида Ўзбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Биржани ташкил этиш ва биржа фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу қонун, акционерлик жамиятлари, Ўзбекистонда товар биржалар фаолиятини лизенция қилиш тартиби тўғрисида қўлланма, корхоналар ва тадбиркорлик тўғрисида, кооперациялар, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун, биржа Устави каби ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади.

Иқтисодий нуқтаи назардан биржа бу махсус тарзда ташкил этилган улгуржи бозор, ҳуқуқий нуқтаи назардан эса бу ўзига хос ташкилот бўлиб, тадбиркорликни шу бозорга чиқиш имкониятини беради. Бундай ташкилот унинг доирасида ишловчи ходимлар орқали воситачиларни - биржа маклерларини, сотувчиларни ва харидорларни ёки уларнинг ёрдамчиларини доимо учраштириб туради. Бунинг учун биржа бошқа субъектлар жисмоний ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи-биржа аъзоларига маълум шартлар асосида унга келувчиларга - тез ва фойдали равишда битимларни амалга ошириш учун махсус инфраструктура яратди.

Биржа юридик шахс сифатида ташкил этилади, яъни ўз мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва хусусий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар олиши, шартномалар ва бошқа битимлар тузиш, давлат арбитражида, арбитраж судида даъвогар жавобгар бўлиб чиқиши мумкин. Биржани ташкил этишнинг типик шакли- бу юридик шахсдир. Ривожланган ҳуқуқий давлатларда, одатда, хусусий-ҳуқуқий, яъни давлат ихтиёри билан эмас, алоҳида фуқаролар ва уларни бирлашмалари ихтиёри юзага келадиган икки типи маълумдир.

Биринчидан, қуйилган мақсадга эришиш учун маълум миқдордаги мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини ажратиб олиш асосида яратиладиган ташкилот, яъни юридик шахс.

Ташкилот - турли хил шахслар ажратиб берадиган мулкдан, одатда жамият манфаатида фойдаланиш учун алоҳида субъект сифатида пайдо бўлади.

Иккинчидан, маълум мақсадга эришиш учун бирлашадиган ва уларнинг умумий ишларини мустақил равишда бошқарадиган жисмоний, кўпинча ҳуқуқий шахслар тўпламидан ташкил бўладиган ҳуқуқий шахс. Ҳуқуқшунослик тўғрисидаги ҳужжатларда охириги йилларгача юридик шахсларни бундай тартибда ажратилмаган. Бунга сабаб, давлат корхоналари ва бошқа давлат ташкилотларини хўжалик ҳисобида бўлиш, давлат ташкилотларини мустақил слитага эга «ва бошқа» давлат бюджетига туриш; колхоз ва бошқа кооператив ташкилотларини мавжудлиги; давлат-колхоз ва давлат кооператив ташкилотларини мавжудлигидир. Шундай қилиб, колхоз ва кооператив ташкилотлардан ташқари барча юридик шахслар бундай ташкилотлар типига киритилади. Яқиндагина аҳвол ўзгариб, мамлакатдаги қонунчилик умум дунё қонун стандартларига яқинлашадилар, лекин хали бу етарли даражада ривожланмаган. Эпидемикда бизнинг қонунчилигимизга асосан шахсларнинг турли хилдаги хўжалик тирикчилик асосида бирлашишлари маълум.

Улар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг корхоналар ҳамда тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларга мувофиқ тўлиқ равишдаги тирикчилик деб аталувчи фаолият соҳаси, ҳақиқатда оддий шерикчилик уюшмаси деб аталади;

- аралаш тарздаги ҳамкорлик. Бунда уюшманинг ҳақиқий аъзолари ўз мажбуриятлари бўйича ўзларини қўшган улушлари миқёсида жавоб берадилар;

- чекланган тарзда жавобгарликка эга бўлган шерикчилик жамияти.

Бу жамиятнинг устав фондлари уни таъсис этувчиларнинг улушлари ҳисобига яратилади;

- ёпиқ типдаги акционерлик жамият. Бунда акциялар фақат уни таъсис этувчилар ўртасида эмас, балки очик равишда ёзилган маълум доирадаги шахслар ўртасида ҳам тақсимланади.

- очик типдаги акционерлик жамияти. Бунда акциялар фақат уни таъсис этувчилар ўртасида эмас, балки очик равишда ёзилган маълум доирадаги шахслар ўртасида ҳам тақсимланади.

Бу хилдаги шерикчилик жамиятларидан ташқари қонунда айтилмаган артеллар ҳам бор. Буларга ижарага берилган ва жамоа корхоналари киритилади. Чекланган жавобгарликка эга бўлган жамиятларга эса ишлаб чиқариш кооперативлари деб аталувчи шахсларнинг уюшмаси киради.

Биржа савдосини таъминловчи ташкилот сифатида биржа мулки эгаларининг давлат, яқка тартибдаги тадбиркор, биржа ассоциацияси ва шунингдек ўз фаолиятидан келиб тушадиган:

- биржа аъзоларини взнослари; биржа мажлисига келган иштирокчиларнинг тўловлари; арбитраж комиссияларидан йиғилган пуллар; биржа воситачиларини даромадларидан қилинган ажратмалар ва шунга ўхшаш пул маблағлари ҳисобида молиялаштириб турувчи ташкилотлар шаклида яратилади.

Биржа ташкилотининг бошқа шакли бу - ҳўжалик ҳисобланмаган корпорация, пайчилар ёки акционерлик жамиятларидир.

Биржа - савдо фирмаси эмаски, сотиш учун сотиб олмайди, яъни коммерция фаолияти билан шуғулланмайди. Даромад олиш мақсадида биржанинг ўзи ҳеч нарса сотиб олмайди ва сотмайди ҳам. Биржанинг асосий вазифаси биржа битимлари ва шу билан боғлиқ хизмат ишларини бажаришдир.

Биржа — бошқаларга коммерция билан шуғулланишга ёрдам берадиган ташкилот эмас. Ташкилотларга келсак, уларни мулк эгаси ёхуд кимга шундай ҳуқуқ берилган бўлса ўша ташкил этади.

Шаҳсларни бирлашиши пайчилар ёки акционер жамиятлари сифатидаги биржаларни амал қилиб турган қонунчиликка асосан бундай жамиятларни ёки уларни иштирокчиларини таъсис этувчилар сифатидаги субъектларгина ташкил этишга ҳақлидир.

Республикадаги биржалар ихтисосланишига қараб, қуйидаги турларга бўлиниши мумкин;

- товар биржалари, шу жумладан универсал ва ихтисослаштирилган биржалар;

- фонд биржалари;

- валюта;

- интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотик қилувчи биржалар;

- аралаш биржалар; фонд ва валюта биржалари товар-фонд биржаларининг фонд булимлари фаолиятининг узига ҳос имкониятлари махсус қонунлар билан тартибга солиб турилади.

Биржаларни яратиш узоқ давом этадиган машаққатли ва қимматга тушадиган ишдир. Одатдаги бу иш ташаббускор кишиларни тўпланиши, шақилланишидан бошланади ва унга кирган аъзолар кейинчалик биржани таъсис этувчилари бўлиб қолади ва биржа раҳбариятига киради. Улар бўлажак биржанинг қандай бўлиши кераклигини белгилайдилар ва унинг фаолияти концепциясини ишлаб чиқадилар. Ҳозирги яратилаётган биржалар аслини олганда универсал биржалар ҳисобланади. Уларда турли-туман товарлар билан савдо қилинади. Фақат ихтисослаштирилган биржалар яхши истиқболга эга бўлади. Биржаларни яратишда уларни таъсис этувчилар сони ва таркибини аниқлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Юқорида кўрсатилгандек, биржа турлича ҳуқуқий статистикага эга бўлиши мумкин; ёпиқ ёки очик шаклдаги акционерлик жамияти, аралаш тарздаги шерикчилик уюшмаси ва хаттоки давлат корхонаси бўлиши мумкин.

Биржалар юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан таъсис этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси раҳбарлик қилувчи ташкилотлар кам товар биржаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар. Биржаларни таъсис этувчилар сони қанча кўп бўлса, уларнинг молиявий-моддий аҳволи ҳам шунча мустақил бўлади, улар биржага шунча кўп ёрдам кўрсатишлари мумкин. Лекин биржа раҳбарлари сонини кўп бўлиши, унга раҳбарлик қилишни мураккаблаштиради. Хар бир яратиш вариантини инсоний ва салбий томонлари ҳам бордир. Буларни ҳаммасини аввалдан чамалаб кўриш керак, ўзининг аниқ шарт-шароитлари билан солиштириб энг яхши вариантларини танлаш лозим.

Таъсис этувчилар сони аниқланиб бўлингандан сўнг, улар ўзаро таъсис шартномаси тузадилар. Шартномада биржа номи, устав фонди, қиймати, фао-

лият соҳаси ва йуналишларини, биржани яратиш бўйича молиявий харажатларни бадалларини қўйиш усуллари ва шаклларини, жавобгарлик ва шунга ўхшашлар бўйича ҳуқуқ ва вазифаларни аниқ белгилайдилар. Таъсис ҳужжатларни тайёрлаш, биржаларнинг устав фондини аниқлаш, акцияларга обуна бўлиш ва брокерлик жойларини сотиш ишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Шартномада иштирокчилардан бирига таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, ташкил этилаётган биржани рўйхатдан ўтказиш топширилди. Шунини билиш керакки, биржа аъзолари сифатида унинг таркибига бир вақтнинг ўзида биржани таъсис этувчилар киради. Тайёрлов ишлари бўйича сарф-харажатлар жамият ёки бошқача қатнашчилари маблағлари ҳисобига уларни қўшган улушларига мос миқдорда аванслаштиради. Шу асосда умумий ишларни олиб бориш учун ишонч қўғози берилади.

Биржанинг устав фонди республикада 50 млн. сўмдан кам бўлмаслиги керак. Устав фондининг аниқ миқдори биржанинг йириклигига ва вазифаларига, унинг оборотига, иштирокчилар сонига ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Устав фондининг энг кам миқдори ҳар йили нарх-наво даражасининг ўзгаришига мувофиқ равишда қонунларда белгиланган тартибда индексация қилиниши, яъни даврлар нисбати олиниши мумкин. Биржаларни пайчилар ёки акционерлик жамиятлари сифатида яратилиши тўғрисидаги қарорни таъсис конференцияси қабул қилади. Конференция биржа уставини тасдиқлайди: устав фондини камайтириш ёки ошириш тўғрисида, қарор қабул қилади; биржа ташкилотини сайлайди; ёки биржани яратиш жараёнидаги таъсис этувчилар битимини маъқуллайди; натура шаклида қўйилган қаримларнинг қийматини баҳолайди. Таъсис конференцияси, шунингдек товар биржасидаги товар секциялари турини кўрсатади ва биржа савдоси қоидаларини тасдиқлайди.

Биржа фаолияти давлат томонидан тартибга солиб турилади. Бунинг учун қуйидаги ишлар бажарилади:

- биржани ва биржа фаолияти иштирокчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

- лицензиялар бериш;

- биржа фаолиятини солиқ солиш йўли билан бошқариш;

- биржага доир қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш. Давлат тасарруфида бўлмаган тузилмаларнинг биржалари ва биржа қатнашчилари фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва уларга лицензия бериш ишларига аралашувига йўл қўймайди.

Биржани давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўтказиши. Биржа фаолиятини қатнашчилари рўйхатдан ўтказиш эса «Ўзбекистон Республикасидаги қорхона тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланган қатъий суммаларда давлат божи ундирилади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган биржа ўз фаолиятини бошлаши учун лицензиялар олиши зарур. Биржа фаолиятига лицензия бериш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси белгилаб беради.

Лицензия олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тайёрланади:

- лицензия олиш тўғрисидаги қўлланмада қабул қилинган шаклдаги ариза;

- таъсис шартномаси;
- биржа устави ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- биржадаги савдо қоидалари;
- устав капиталини 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорини ўтказганлик ҳақида банк справкasi «маълумоти».
- савдони олиб бориш жойидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Биржа фаолиятини солиқ олиш йўли билан тартибга солиб туриш корхоналари, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ қуйидаги идоралар, муассасалар, бирлашмалар биржа бўлиши мумкин эмас:

- давлат ҳокимияти ва бошқарувчининг олий ҳамда маҳаллий идоралари;
- давлат банклари ва давлат кредит муассасалари бунда банклар фонд ва валюта биржаларинг муассасалари бўлиши мумкин.
- давлат суғурта ва давлат инвестиция кампаниялари ҳамда фондлари;
- жамоат, диний ва хайрия бирлашмалари «ташкilotлари» ҳамда фондлари;
- қонунларга кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган жисмоний шахслар.

Суғурта хизматлари бозорининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари. Суғурта – ривожланган бозор муносабатларининг кучли таянчларидан бири. Унинг ривожланиши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар томонидан суғурта хизматига талаб ва ишончга боглик булади. Суғурта бозори ривожланишининг ҳуқуқий асоси бўлиб, Олий Мажлис томонидан 1993 йил 6-майда қабул қилинган ва 23 сентябр 1994 йил ҳамда 26 декабр 1997 йилда маълум узгартиришлар ва қушимчалар киритилган «Суғурта тўғрисида» ги қонундир. Суғурта соҳасида давлат суғурта ташкилоти негизида «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилиб, бу соҳада давлат монополиясига барҳам берилди. Бугунги кунда турли мулк шаклларига асосланган хорижий сармояларни суғурталовчи «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, кичик ва урта бизнесни суғуртавий ҳимоя этишни таъминловчи «Мадад» суғурта Агентлиги. «Кафолат» суғурта компанияси, «Банк –суғурта» банклараро суғурта жамият. «Лизинг-Стинвит» акционерлик компанияси, «Умид», «Метро», «Меҳр нури», «Йуловчи», «Алеком», «Сайёҳ», темир йул суғурта компанияси ва «Англо-Тошкент» воситачилик компаниялари фаолият юритмоқдалар. Бирок Ўзбекистонда мавжуд суғурта бозори бозор иқтисодиёти шароитида ҳали узининг тулик урни ва мавқеига эга эмас.

Суғурта фаолияти бошқа тадбиркорлик фаолияти шакллари билан узининг муҳим жиҳатлари билан фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан ҳам давлат томонидан суғурта фаолиятини назорат қилиш ташкилотларини тузиш ва суғурта қонунчилиқ тизимини ишлаб-чиқиш зарур. Давлатнинг суғурта бозорига таъсир этиш жараёнлари қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, жамият ҳаётий фаолиятида риск омили доимий мавжудлиги учун бу жараён жамиятнинг барча жисмоний ва ҳуқуқий шахсларини қамраб олади.

Иккинчидан суғурталовчи ва суғурталанувчилар маълум риск асосида махсус суғурта манфаатларини акс эттирадилар. Бу орда суғурталовчиларнинг суғурталанган ташкилотларга нисбатан манфаатлари устиворлиги амал қилиши керак.

Учинчидан, суғурталанувчи бозорда махсус товар «Суғурта хизматини» таклиф қилади. Унинг истеъмол қиймати асосида суғурта тулови тарзида сугарта химоясини таъминлаш ётади. Бу эса суғурта назорат ташкилотларининг диққат марказидаги объект бўлишини таъказо этади.

Туртинчидан, суғурта хизмати суғурта таърифи акс этган бакода таклиф қилинади. Тугри ҳисобланган таъриф ставкаси эса суғурта операцияларининг молиявий барҳарорлигини таъминлайди. Тарифлар миқдори риск миқдорига мос келиб, статистик маълумотларга асосланган ва табақаланган бўлиш лозим. Бу эса уз навбатида тариф назорати урнатиш заруриятини тугдиради.

Бешинчидан, суғурта компаниялари узларининг фаолият хусусиятларига кура маъсум вақт мабайнида муайян миқдордаги пул маблаглари жамлайди ва уларни Сар мойлаш йули билан даромад омилда фойдаланиши мумкин.

Олтинчидан, суғурталанувчи зиммасига олган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш чоралари курилади.

Еттинчидан, давлатнинг суғурта бозорига аралашуви суғурта бевосита аҳолии ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг ижтимоий химояланишини қучайтириш ҳамда ҳар хил офатларни тезда бартараф қилишга сарф қилиш билан боғлиқ.

Бундан талиқари суғурта компанияларининг меъёрий ҳужжатларини ишлаб-чиқиш, уларнинг уз мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш суғурта компаниялари фаолиятини акс эттирувчи маълумотларни кенг халқ оммасига етказиб беришни таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Чунки бозор талаблари шароитида суғурта субъектлари уртасида рақобат албатта мавжуд бўлиши керак. Холбуки, бу жараён хали кенг ривожланмаган. Суғурталанувчи компанияни танлаши учун унинг фаолият доираси, молиявий-иктисодий курсаткичлари ҳақида тасаввурига эга бўлиши лозим. Бунинг учун мамлакат миқёсидаги суғурта компаниялари фаолиятини баҳолаб беришни кенг йулга қуйиш ва мулк шаклидан қатъий назар, барча суғурта компаниялари фаолияти учун тенг шароитлар яратилиши даркор.

Суғурта бозорида миллий суғурта ташкилотлари асосий йрин тутди. Хозирги суғурта бозорининг шаклланишида уларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизга хориждан қириб келаётган йирик суғурта компаниялари билан бўладиган рақобатни меъёрга солиш мақсадида сармоядорлар улуши миқдори ва фаолият доирасини чеклаш чора тадбирлари ишлаб чиқилиши керак. Бу биринчидан, миллий суғурта бозорининг ривожланишини таъминласа, иккинчидан, валюталарни четга чиқиб кетишни қамайтиради ва ниҳоят миллий суғурта бозорининг Дуне суғурта бозорига яқинлашувига ёрдам беради.

Суғурта бозорининг ривожланишида реклама қата роль уйнайди. Мамлакатимизда бу соҳадаги қамчилик рекламалар сифат даражасининг пастлиги билан изоҳланади. Ваҳоланки, реклама-суғурта хизматининг афзаллиги, зарурлиги, қулайлиги ва ишончлилигини қамайиш қилади.

Суғурта бозорининг ривожланишида малакали, бозор иктисодиёти билимлари ва тажрибаларини эгаллаган, уз соҳасини чуқур биладиган мутахассислар

ката ахамиятга эга. Бу сохада мавжуд укув масканларини билим бериш сифатини уларнинг моддий – техника базасини кучайтириш ва малакали укитувчилар билан таъминлаш учун ёш, иктидорли кадрларни хориж мамлакатларида малака оширишларини йулга куйиш керак.

Бугунги кунда суғурта ташкилотлари бюджетга туланиши лозим булган даромад солиғининг ҳисобланган суммаси суғурта бадалларининг усиши хажми ва суръатига мос келмайди.

Реал пул окимини назорат килишнинг мураккаблашуви даромадни солиққа тортишдан яширишга йул очади, суғурта ташкилотининг даромад олиш имконияти тулик ишга солинмай қолишга сабабчи булади., амалдаги солиққа тортиш тизими узининг бу борада олдига қуйилган вазифаларни бажара олмайди.

Солиқ инспекцияси томонидан суғурта ташкилоти тулаган даромад (фойда) солиғи базаси тугри аниқланганлигини текшириш одатда куп вақт ва моддий харажат Лар талаб этади, бунда хусусан:

- Суғуртачи томонидан даромадлилик меъёрларига амал килинишлик
- давлат назорати томонидан лицензияланган суғурталаш коидасига унинг иши мувофиқ келиши:
- суғуртачи мижозида айрим маълумотнома ва асослар мавжуд булмаган ҳолатларга кура, рад этиш имконияти булгани ҳолда суғурта копламасини тулашга булган ҳуқуқий масаласи:
- суғурталанувчига копламани Ким тулаганлиги.
- суғурта ташкилотининг айбдор шахсга нисбатан регрис талабини қуйиш ва уни тулатиш саъй-ҳаракатларини олиб бориши масаласи:
- валюта келишуви қайд этилган шартномалар бўйича суғурта суммаси ва суғурта копламаси тугри амалга оширилганлиги
- суғурта шартнома қаерда тузилганлиги
- шартномада қафт курувчи туғри курсатилганлиги.
- даромад солиғи урнига тулик суғурта бадалларидан солиқ туловига утиш
- суғурта бадалларидан солиқнинг аванс туловларини жорий этиш.
- суғурта бадалларидан солиқдан даромад (фойда) солиғининг аванс тулови сифатида фойдаланиши ва йил якунида даромад солиғини тулашда уни ҳисобга олиш.
- суғурта бадалларидан солиқни фақат умумий суғурта тармоғига жорий этиш.

-даромад солиғини саклаб қолган ҳолда суғурта фаолиятига яна бир қўшимча – суғурта бадалларидан солиқни жорий этиш орқали эгри ва тугри солиқларнинг узаро нисбатини мувофиқлаштириш ва шу қабилар.

Ўзбекистон суғурта бадалларидан солиқ жорий этишда суғурта классларига кура, унинг табакаларштирилган ставкасимни қўллаш, Айни вақтда суғурта ташкилотининг инвитуция ва бошқа фаолиятидан олган даромадларини даромад солиғи тортиш механизми саклаб қолишни керак Суғурта бадалларидан солиқ суғурта фаолиятидан солиқ суғурта фаолиятидан ундириладиган асосий солиқ бўлиши белгилаб қуйилиши керак.

Бу солиқни жорий этишда дуч келинадиган долзарб муамолардан бири-суғурта ташкилотининг сотувдан ташқари даромадларини солиққа тортиш масаласи ҳисобланади.

Суғуртачининг суғурта хизматларини сотувидан ташкари олган даромадлар асосан уз филиалларига иш қоғозларини таёрлаб бериш уларнинг Янги махсулоти ни реклама килиш кабилар хисобига олинади. Айрим холларда ижара муносабатлари оркали хам улар шакллантирилади.

Суғурта ташкилоти ундирилган суғурта бадалларининг барча суммасидан белгиланган ставкаларда солиқ тулаши лозим. Кайта суғурталовчи ташкилот хам, уз навбатида кайта суғурталашга кабул килинган рисклар буйича бадаллар хисобидан мазкур солиқни тулаши керак.

Мажбурий суғурта турлари буюджет ёки бюджетдан ташкари маблаглар хисобидан амалга оширилган холларда бу сумма унчалик ката эмаслиги хамда солиқнинг бюджет хисобидан туланишидан келиб чикиб, бу солиққа тортилишдан озод этилиш тугри булади.

Суғурта бадалларидан солиқ жорий этишда унинг салбий окибатлари бар- тараф килинишини таъминлаш учун бошка катор олишларини хам хисобга олиш талаб этилади.

Суғурта фаолияти-суғурта ходисаси юз бериши окибатида суғурталанувчининг зарарини коплаш билан боглик булган узига хос иктисодий фаолият туридир. Суғурта ходисасининг йиллари буйича юз бериши эхтимолига турличадир. Айрим аник бир йилда бу ходисаларнинг сони куп булиши мумкин.

Статистик маълумотларга асосланиб кайд этиш мумкинки, суғуртанинг куп турлари буйича амалга оширилган суғурта копламаси ундирилган бадаллар суммасига нисбатан паст фоизларни ташкил этади.

Ўзбекистонда бугунги кунда суғурта маданияти шаклланиши даврида суғурта бадалларидан солиқни жорий этишда унинг максимал ва минимал ставкалари чегарасини белгилаб олиш лозим :

-умумий суғурта тармогида максимал ставкани 4,0, минимал ставкани 2,0 фоиз микторида.

-Хаёт суғурта килиш тармогида максимал ставкани 2,0 минимал ставкани 0,1 фоиз микторида белгилаш мақсадга мувофикдир.

Хаётни суғурта килиш тармогида шартнома бекор килинган холларда им- тиёзлар хам истисно этилиши шарт.

6 МАВЗУ: БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАО- Лияти ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИДА.

Режа:

6.1. Божхона органлари тизими.

6.2. Божхона тўловлари ва йиғимлари.

6.3. Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш.

Ўзбекистон Республикасида божхона ишини мукаммалаштириш жараёнида унинг ҳуқуқий асослари халқаро меъёрларга тўғри келиши учун система – таркибий ва вазифавий ўзгаришларни амалга оширишни талаб килди. Ягона божхона сиёсатини амалга ошириш, божхона ишини самарадорлигини ошириш, бу соҳада халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида 1997 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ-1815 «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида » фармони эълон қилинди. Бу фармонга биноан ДСК хузуридаги

ДБК бевосита Вазирлар маҳкамасига буйсунувчи орган сифатида ташкил қилинди. Қорақалпоғистонда, Тошкент шаҳрида ва вилоятларда ҳудудий бошқармалар ташкил этилди.

Давлат божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари 1997 йил 29 октябрда қабул қилинган. «Давлат божхона хизмати ҳақида» ги қонунга биноан ва Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 30 июлда тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳақидаги низом» билан белгиланади. Божхона органлари сифатида қуйидагилар таърифланади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар божхона бошқармалари (ББ).
- Ихтисослашган божхона мажмуалари; (ИБМ)
- Божхона масканлари (БМ)

Ўзбекистон Республикаси ДБК Давлат бошқарув органи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат конституциясига, Божхона кодексига ва божхона хизматининг бошқа қонунларига буй сунади, ҳамда бошқа халқаро шартнома ва келишувлар доирасида фаолият юритади.

ДБК Республикада ягона божхона сиёсатини юритишни таъминлайди. Божхона органлари қонунларига биноан ўз фаолиятларини жойлардаги Давлат ҳокимиятидан мустақил равишда олиб боришади. Улар ҳуқуқ тартибот органлари ҳисобланиб, Давлат бюджетидан молиялаштирилади. Божхона органларининг тузилиши 4 босқичли бошқарув иерархиясидан иборат. Буни юқорида куриб чиқиб ўтдик. (ДБК, ББ, ИБМ, БМ)

ДБК, ББ ва ИБМ Марказий апарати юридик шахс бўлиб, ўз ҳисоб рақами ва муҳрига эга.

ДБКнинг бошқарув звеноси раис, раиснинг биринчи ўринбосари, учта раис ўринбосари, ҳамда қолегиядан иборат. ДБК раиси Ўзбекистон республикаси Президенти томонидан тайинланиб, Олий мажлис тасдиғидан ўтиб белгиланади. Раиснинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, ББ ва ИБМ бошликларини ДБК раиси тавсияси билан Вазирлар маҳкамаси қарорига биноан тайинланади.

Органнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

Ўз ҳуқуқлари доирасида Республиканинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаб, иқтисодий интилишларини ҳимоялаш;

Республикада божхона сиёсатини ташкил қилиш ва олиб бориш

Божхона қонунчилигига риоя қилишни назорат қилиш;

Божхона ишини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қизиқишларини ҳимоя қилади;

Халқаро божхона шартномаларида иштирок этиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш

Божхона божлари, солиқлари ва божхона тўловларини ундириш;

Бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий валюта-молиявий муносабатларни тартибга солишда божхона-тариф воситаларини ишлаб чиқиш ва самарали қўллаш;

Республика божхона чегарасидан ўтувчи юк ва транспортлар устидан божхона назоратини олиб бориш;

Контрабандага қарши курашиш ва ноқонуний маҳсулот ўтиши олдини олиш ва ҳоказо.

Божхона органлари мажбуриятлари:

Ягона божхона сиёсатини амалга оширишда, иштирок этиш;

Давлат ҳафсизлиги, жамоатчилик тартибини таъминлаши, фуқаролар ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиши, атроф – муҳитни қўриқлаши лозим;

Божхона қонунчилигини қўллашда услубий кўрсатмалар ва меъёрий ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва нашр қилиш;

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишга, юридик ва жисмоний шахсларнинг товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиши ҳамда, божхона чегарасидан ўтиш вақтидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш.

Ўз хизмат вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлиб қолган, давлат сири ва тижорат сири ҳисобланган ахборотни ошкор этмасликка мажбурдирлар.

Божхона оргалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

Бож тарифи ва унинг турлари. Бож тарифи — божхона чегарасидан олиб утиладиган Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тупламидир. Товар номенклатураси ЎЗРВМ томонидан белгиланади. Бож тарифи содда қилиб айтсак, божхона чегарасидан утаётган товардан олинадиган божнинг қийматлари тупламидир.

Бож — божхона чегарасидан товарлар олиб, утилаётганда, божхона органлари томонидан, ундириладиган тулов солиғидир.

Бу қонун билан бирга тариф чоралари давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Божхона — тариф фаолияти божхона ишининг иқтисодий молиявий блокига киради. Ўзбекистон Республикасида бож ставкаларинг қуйидаги турлари мавжуд:

- бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган адволар ставкалар;

- бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган хос ставкалар;

- божнинг адволар, ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган аралаш ставкалар (Ўзбекистон Республикаси «Бож тарифи тўғрисида»ги қонун, 4- модда).

Божхона тарифи ҳам Республика ҳудудига киритилган ёки унинг ҳудудидан чиқарилаётган ҳар бир товардан белгиланган тартибда олинадиган бождир. Божхона таърифи Вазирлар Мақкамаси томонидан товарлар классификациясининг халқаро тажрибаларини инобатга олиб белгиланади. Божхона тарифи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқарилаётган товарлар учун алоҳида белгиланади. Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИ-ФТН) гоятда аниқ классификациялаштирилган ва кодлаштирилган системадан иборат.

Божхона тўловлари ва йиғимлари. Ҳар бир мамлакат шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтган товарлар ва транспорт воситаларидан бож ва божхона йиғимлари ундирилади. Ўзбекистон Республикаси божхона кодексининг V бўлими айнан божхона тўловларига бағишланган. Ушбу қонуннинг 103-моддасида қуйидаги божхона тўловлари белгиланган:

- Бож;
 - Қўшилган қиймат солиғи;
 - Акциз солиғи;
 - Лицензия берганлик учун йиғим;
 - Божхона расмийлаштируви бўйича мўтахассис деган малака-атестатини берганлик учун йиғим;
 - Божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими.
 - Товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими;
 - Товарларни божхона кўзатувиغا олганлиги учун божхона йиғими;
 - Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ.
- +онун ҳужжатларда бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга қонун ҳужжатларида мувофиқ бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинади.

Товарлар қайтариб олиб чиқилган тақдирда илгариги тўланган бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи суммалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайтарилиши лозим.

Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда қуйидаги ҳаракатлар учун божхона йиғимлари ундирилади.

- Товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан, кўзатувсиз бағажда, халқаро почта жўнатмалари ва юкларида олиб ўтилаётган нотижорат мақсадларидаги товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун;
- Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун;
- Товарлар ва транспорт воситаларини божхона органлари эгалигидаги божхона омборлари ва вақтинча сақлаш омборларида сақлаганлик учун;
- Товарларни божхона кўзатувиغا олганлиги учун.

Ўзбекистон Республикаси «Бож таърифи тўғрисида»ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди ва чегарасида қуйидаги божлар белгиланган:

- Импорт ва экспорт божи;
- Мавсумий божлар;
- Махсус божлар;
- Антидемпинг божлар;
- Компенсация божлари.

Импорт божи халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади.

Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товарларни олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож таърифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар белгиланган вақтдан эътиборан 6 ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ҳимоялаш мақсадида киритилаётган товарларга нисбатан алоҳида турдаги божлар киритилади, улар: махсус божлар, антиденпинг божлар, компенсация божлари.

Махсус божлар қуйидаги ҳолларда белгиланади:

-Ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасидаги товарлар ишлаб чиқарувчиларига зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кирилатган бўлса, ҳимоя чораси сифатида;

-Бошқа давлатлар томонидан қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга жавоб чораси сифатида. Антидемпинг (демпингга қарши) божлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

-товарлар божхона ҳудудига уларнинг олиб чиқилган давлатда айтилган вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфини туғдирса, ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

-товарлар божхона ҳудудидан Ўзбекистон Республикасида айтилган вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб чиқилаётган бўлса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасида шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларга моддий зиён етказадиган бўлса ёки улар ўртасида нормал рақобатга тўсқинлик қилса.

Компенсация божлари:

-божхона ҳудудига ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб кирилса, агар улар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зиён етказадиган бўлса;

-божхона ҳудудидан ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб чиқилса, агар улар Ўзбекистон манфаатларига зиён етказса, каби ҳолларда қўлланилади (Ўша қонун, 10-модда).

Алоҳида божлар Ўзбекистон Республикаси ВМ томонидан махсус белгиланади ва уларнинг миқдори текширув натижасида аниқланган субсидиялар ва аниқланган зарар миқдorigа мутаносиб бўлиши керак.

Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш.

Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси «Божхона кодексининг» 11-боби, «Божхона таърифи» тўғрисидаги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ташкил қилади..

Товарлар ва транспорт воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган божхона қиймати божни, акциз солиғини ва тегишли бож йиғимларини ҳисоблаб чиқаришга асос бўлади.

+ўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқаришга товарнинг божхона қиймати асос бўлиб, унга тўланиши лозим бўлган бож, акцизга тортиладиган товар бўйича эса акциз солиғининг суммаси ҳам қўшилади.

Божхона тўловларини декларант ёки юқоридаги қонунларга асосан бошқа шахслар томонидан тўланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс, агар қонун ҳужжатларида назарда тўтилмаган бўлса тўловчи ўрнида бож тўловларини тўлаши мумкин.

Божхона тўловлари божхона декларацияси қабул қилганга қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда тўланади. Товарлар нотижорат мақсадларда олиб ўтилаётганда божхона тўловлари божхона декларациясини қабул қилиш билан бир вақтда тўланади.

Товар учун божни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш ва ундириш. унинг божхона қиймати асосида амалга оширилади.

Товарнинг божхона баҳосининг чиқаришнинг асосий усули – олиб кири-лаётган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолашдир.

Агар асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса қуйидаги усуллар бирин – кетин қўлланилади:

- айни бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;
- Ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;
- Қийматларни чегириб ташлаш асосида;
- Қийматларни қўшиш асосида;
- Резерв усул.

Товарнинг божхона қийматини аниқлаш.

Бож таърифини қўллаш асосида божхона қийматини аниқлаш ётади. Божхона қиймати – бу божхона божи ва бошқа тўловлар ундириш учун асос бўладиган товарнинг қиймати, баҳосидир. Товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг 1950 йилда қабул қилиниб, 120дан ортиқ мамлакатда амалда бўлган «Брюссел конвенцияси» мавжуд. 1979 йил 12 апрелда янада мукаммаллашган божхона товарларининг қийматини белгилаш учун халқаро система қабул қилинди. Унинг расмий номланиши «7 ГАТТ моддасини қўллаш бўйича келишув» деб аталади. Ҳозирги вақтда бу конвенцияни А+Ш, Япония, Европа давлатлари ва бошқа ривожланган давлатлар амалда қўллашмоқда. Турли можароларни ҳал қилиш мақсадида Божхона қиймати бўйича халқаро техник комитет (Брюсселда жойлашган), ҳамда Хукуматлараро божхона қиймати бўйича комитет фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида божхона қийматини белгилашда халқаро амалиётдан фойдаланиб, фаолият юритади.

Божхона қиймати декларант томонидан божхона органига товарни божхонада расмийлаштириш пайтида баён қилинади (декларацияланади).

Божхона қиймати декларацияси божхона қиймати 1000 АКШ долларларига тенг ёки ундан кам булган товарларга доир битимлар учун, тўлдирилмайди. Бундай товарлар учун счёт-фактуралар, инвойстлар, товар-транспорт юкхатлари каби ҳужжатлардан фойдаланиб белгиланади. Товарларнинг божхона қийматини белгилашда қуйидаги усулларни изчил тартибда қўллаш йўли билан амалга оширилади.

-Олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолаш (ёки уни биринчи усул деб ҳам аташади).

-Айнан бир хил товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш (иккинчи усул)

-Ўхшаш товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш (учинчи усул)

-Қийматларни чегириб ташлаш асосида баҳолаш (тўртинчи усул)

-Резервдаги усул билан баҳолаш (бешинчи усул).

1-усул божхона қийматини ҳисоблашнинг асосий усули ҳисобланади. Агар ушбу усулдан фойдаланиш мумкин бўлмаса, кейингиларидан тартиб бўйича фойдаланилади.

Контрабанда-сўзи лотинча contra-“қарши”-bando-“ҳукумат қонуни” деган сўзларидан ташкил топиб, ҳукумат қонунига қарши ҳаракат қилиш деган маънони англатади. Яъни, давлат чегарасидан товарлар, валюта ва бошқа бой-ликларни божхона қонунчилигини бузиб, яширин олиб ўтиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан контрабанда деб – кучли таъсир қилувчи, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўточар, қурол ёки ўқ дори, наркотик моддалар ёки психотроп моддалар, диний экстермизмни тарғиб қилувчи маълумотлар божхона назоратидан яшириб, алдаб, ҳужжатларда белгиланган тартибда белгиланмасдан алдаб ўтиш бўлиб, бу жиноят мол-мулкни мусодара қилган ҳолда 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ядро, кимёвий, биологик ёки бошқа хил қирғин қуроллари, уларнинг қисмлари мосламаларини контрабандаси учун 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилади. Шу муҳлатда яна наркотик моддалар ва психотроп моддаларни катта ҳажмда контрабандаси учун ҳам озодликдан маҳрум этилади.

Жиноят таркиби тушунчаси жиной ҳуқуқда мавжуд бўлиб у жиноятнинг аниқ кўринишини намоён қилишда асос бўлади. Шахс қачонким ўз ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлсагина ва унинг ҳаракатида аниқланган жиной ҳаракат учунгина жиной жавобгарликка тортилади.

Жиноят таркибини 4 белги гуруҳи ташкил этади: жиноят объекти ва унинг объектив томони, жиноят субъекти ва унинг субъектив томони.

Контрабанда жинояти объекти сифатида жамият хавсизлигини таъминловчи жамият муносабатлари намоён бўлади.

Контрабанда жинояти объектив томондан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан тақиқланган предметларни олиб ўтишни англатади.

Субъектив томондан қилинган жиноят ўзининг мақсадли равишда амалга оширилиши. Жиноят субъекти эса алмаштирилувчи, 16 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси ёки чет эл фуқароси ёки фуқароликка эга бўлмаган шахслардир.

Контрабанда учун жиной жавобгарлик контрабанда сифатида юқорида кўрсатилган товарлар ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини бузиб ўтса белгиланади.

Контрабанда содир этилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиной жавобгарликка тортилади.

7 МАВЗУ: ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

7.1. Транспортнинг аҳамияти

7.2. Транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

7.3. Транспортдан фойдаланишни ташкил қилиш

7.4. Транспорт хизматлари нархини белгилаш

Моддий ишлаб чиқариш тўрт соҳадан: қазиб олувчи; ишлаб берувчи; саноат; деҳқончилик ва транспортдан ташкил топган. Транспортнинг бошқа

ишлаб чиқарувчи соҳалардан фарқи шундаки, у янги маҳсулот яратмайди, балки ишлаб чиқарилган моддий бойликни истеъмолга етказди.

Транспорт ёрдамида соҳалар, соҳа ичидаги тармоқлар, тармоқ ичидаги корхоналар бир-бири билан боғланиб, ишлаб чиқариш жараёни маромида бориши учун барча шароитлар яратилади. Транспорт ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди. Иш кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, жами истеъмол маҳсулоти кўламига таъсир кўрсатади.

Транспорт воситалари ёрдамида моддий бойликлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши натижасида истеъмолгача яқинлашади, истеъмол қийматининг ташкил топиши тезлашади. Транспорт воситаларининг ўзига хос хусусиятлари улардан моддий бойлик ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида кенг кўламда фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Транспорт воситаларидан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш учун сарфланадиган вақтни қисқартиради, меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот таннархини камайтиради.

Транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш қишлоқ хўжалигида йўллар қуриш, уларнинг юк ташиш қобилиятини ошириш, таъмир ишларини мунтазам равишда олиб бориш, йўл хўжалиги ихтиёридаги техникани такомиллаштириш ва улардан унумли фойдаланиш, демакдир. Кузатишлар автомобилнинг юк кўтариш қобилияти қаттиқ қопламали йўлларда қаттиқ қопламасиз йўллардагига нисбатан 25-80%, тезлиги 2-3 марта ошишини, ёнилғи сарфини эса 2 марта камайтишини кўрсатади. Шунинг учун хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги йўлларни реконструкциялаш ва ўз муддатида таъмирлаш, йўл қурилишини кенгайтириш ва қишлоқ хўжалигини янда интенсив ривожлантириш учун реал шароитлар яратади.

транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларидан фойдаланиш халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятларга қуйидагилар киради:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кенг ҳудудда етиштирилиши туфайли уларни ташиш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги туфайли юк ташишни йил мобайнида бир меъёрда амалга ошириб бўлмайди. Айрим ҳолларда катта миқдордаги юкларни қисқа вақт ичида ташиш зарурати пайдо бўлади;

турли хил транспорт воситалари талаб этилади;

ташиладиган юклар тури, ҳажми, хусусиятига кўра ҳар хилдир;

юк ташиш масофаси ҳар хил бўлади;

транспорт воситалари ширкат хўжаликларига кам боради.

Қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларидан фойдаланишнинг бу хусусиятлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархида транспорт харажатлари миқдорининг ошишига олиб келади. Ҳисоб-китобларга кўра, маҳсулот таннархида транспорт харажатлари 30-40 %ни, дон маҳсулотлари таннархида 26 %ни, маккажўхори таннархида 15 %ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда ширкат хўжаликларида ташиладиган юкларнинг 80%и автомобиль транспортига, 16%и трактор транспортига ва 4 %и от-улов транспортига тўғри келади. Хўжаликлараро ташиладиган юкларнинг кўпи автомобиль транспорти, хўжаликлар ичида

ташиладиган юкларнинг кўп қисми эса трактор транспортлари ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳаво ва сув, темир йўл транспортдан ҳам фойдаланилмоқда.

Транспортдан фойдаланишни ташкил қилиш. Бозор иқтисодиёти шароитида ва соғлом рақобат муҳитида, автотранспорт корхоналари ўз мижозлари, яъни юк эгалари юкларни ўз вақтида, сифатли ташилганлиги ва албатта, ташишлар ва бошқа ишлар ҳамда хизматларга белгиланган нархлардан қониқишларини таъминлашга интилишлари лозим. Хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик шароитида автотранспорт хизматлари учун нарх-наво (тариф)лар давлат томонидан марказлаштирилган ҳолда белгиланган ва ҳар бир автотранспорт корхонаси учун ягона ҳисобланган. Оқибатда кўпчилик корхоналар зарар билан ишлаганлар. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан автотранспорт корхоналарининг нарх-наво (тариф)ларни белгилаш тизимига ўзгартиришлар киритиш тақозо этилмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир корхона ўзининг нарх-наво (тариф) сиёсатини ишлаб чиқади, чунки тарифлар доимо назорат остида бўлиши, таҳлил қилиниши керак. Зеро автотранспорт корхонаси томонидан шундай нарх-наво сиёсати қўлланилиши лозимки, у мижозларни ҳам қониқтириши, шу билан бирга, корхона фойда билан ишлашини ҳам таъминлаши лозим.

Фирмалар концепцияси назариясида нарх-наво шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу концепциянинг асосий маъноси корхона фаолият кўрсатиши ва энг юқори фойда олишга интилишидан иборатдир. Бинобарин, ҳар бир корхонада маҳсулот баҳосини аниқлашга қаратилган маълум ишлар амалга оширилиши лозим.

Юк ташувчи автокорхоналарда ушбу ишлар, яъни юк ташиш, бошқа ишлар ва хизматларга тарифларни белгилаш мутахассис-менежерлар томонидан амалга оширилиши лозим. Нарх-наво (тариф)лар юзасидан узил-кесил қарор қабул қилишдан олдин менежерлар керакли маълумотларга эга бўлишлари зарур. Менежерларни етарли, ҳақиқий ва долзарб маълумотлар билан таъминлаш автотранспорт корхонасида бошқарув ҳисоби қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади.

Транспорт хизматлари нархини белгилаш. Автомобиль ташувлари, бошқа ишлар ва хизматларга тарифларни белгилаш кўп омилларни ҳисобга олувчи мураккаб жараёндир. Нарх-наво шаклланишига таъсир этувчи барча омилларни икки гуруҳга ташқи ва ички омиллар ажратиш мумкин.

Шундай қилиб, корхоналарда тарифларни ишлаб чиқиш ва белгилашда бозор ҳақидаги маълумотлардан (ташқи омил) ташқари харажатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бу борада иқтисодчи-олимлар турли фикрларни билдиришган. Жумладан, "...нарх-навони белгилаш тўғрисида яқуний қарорни қабул қилиш учун бозор аҳволини, истеъмолчи талабларини яхши билиш керак," - деб эътироф этишган. Шунингдек, у таъкидлаганки, «...рақобат маҳсулот таннархини ҳисоблашни деярли маъносиз қилиб қўяди, чунки бу ҳолда нарх талаб ва таклиф таъсирида шаклланади, ҳақиқий таннарх эса, ўзича сотиш нархига таъсир этмайди. Таннарх асосида ишлаб чиқаришни бошқариш, айниқса ички имкониятларни аниқлаш мумкин эмас".

Нарх-наво шаклланишига ҳам ташқи, ҳам ички омиллар катта таъсир кўрсатади. Таннарх асосий ички омиллардан биридир. Бозор иқтисодиёти ша-

роитида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг калькуляцияси тўғри ташкил қилинмаса ва йўлга қўйилмаса, корхона муқаррар равишда инкирозга учрайди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 20 та юк ташиш автокорхонасидан 16 таси, яъни аксарияти (80 %) харажатларга асосланиб, нарх-наво белгилайди ва фақат 4 таси (20 %) харажатларга ҳам, бозорни ўрганишдан олинган маълумотларга ҳам асосланади. Шундан келиб чиқиб, қайд этиш мумкинки, аксарият автокорхоналар автотранспорт хизмати бозорини ўрганмайдилар, нафақат нарх-навони белгилашга, яқуний натижалари бўйича корхона даромадига ҳам таъсир этувчи бошқарув қарорларини қабул қилишга алоқадор бўлган маркетинг изланишлар билан шуғулланмайдилар.

Даромадларни ҳисобга олиш асосий вазифалардан бири бўлиб, асосий хўжалик фаолияти (тушум)дан олинган даромадларни тан олиш ҳисобланади. БХМСнинг муҳим мазмунли жиҳати молиявий ҳисоботнинг у ёки бу элементини тан олиш шартларини белгилашдир. Масалан, 18-"Тушум" БХМСси тушумни тан олиш шартларини белгилайди. 2 - "Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар" БХМСда ватанимиз ҳисобида биринчи бор даромадларни тан олиш шартлари тўғридан-тўғри ўз ифодасини топган. Ушбу андозага мувофиқ, автомобиль ташувларидан, бошқа ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги шартлар мавжуд бўлган ҳолда тан олинади:

даромад суммаси юқори даражали ҳақиқийлик билан баҳоланиши мумкин бўлганда;

битим билан боғлиқ бўлган даромад автотранспорт корхонасига келиб тушиш эҳтимоли мавжудлигида;

бухгалтерлик баланснинг яқуний ҳисобот санасигача битимнинг яқунланиши юқори даражали эҳтимол билан баҳоланганда;

битимни ижро этиш ва яқунлаш жараёнларида сарфланган харажатлар миқдорини аниқлаш юқори даражали эҳтимол билан баҳоланганда.

Даромад (тушум)ни тан олиш шартларидан яна бири – юкларни ташиш, бошқа ишлар ва хизматларни амалга оширишга оид аниқ бир шартномадан келиб чиққан ҳолда, ушбу даромад (тушум)ни олиш ҳуқуқи мавжудлигидир.

Автотранспорт корхоналарида даромадларни ҳисобга олиш 9030-"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар" ҳисоб-варағида амалга оширилади. Ишчи ҳисоб-варақлар режасига (1.2-банди) қўшимча равишда 9031- "1 тонна юк ташиш тарифи бўйича ишлайдиган юк автомобилларидан олинган даромадлар"; 9032- "Соатбай ишлайдиган юк автомобильларидан олинган даромадлар"; 9033- "Ортиш ва тушириш ишларидан олинган даромадлар"; 9034-"Экспедиторлик хизматларидан олинган даромадлар"; 9035- "Бошқа ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар" ҳисоб-варақларини киритишни тавсия этамиз. Автотранспорт корхонаси томонидан амалга оширилган юкларни ташишдан олинган даромадларни алоҳида ва бошқа ишлар, бажарилган хизматлардан олинган даромадларни алоҳида акс эттириш учун ушбу ҳисоб-варақлар керак бўлади. Қўшимча равишда киритилган ҳисоб-варақлар бўйича ҳисобни юритиш бухгалтер учун кўп қийинчилик вужудга келтирмайди, лекин, шу билан бирга, ички ҳисоботлар, таҳлил-

лар, айрим ишлар ва бажарилган хизматлар рентабеллигини аниқлаш учун маълумот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги, чунончи: бир тонна километр юк таннарни кўрсаткичи қилинган харажатларни ташилган тонна. километрга бўлиш йўли билан; транспорт воситаларининг соатлик ёки сменалик иш унуми кўрсаткичи ташилган тонна километр юкнинг сарфланган вақтга нисбати билан; машинанинг ишда бўлиш коэффиценти кўрсаткичи ишда бўлган машина-кунлари сонини машинанинг хўжаликда бўлган машина кунлари сонига бўлиш билан аниқланади.

Машинанинг юк кўтариш коэффиценти кўрсаткич умумий ташилган юкнинг юк билан босилган йўлга нисбати билан аниқланади. Бунда автомобильнинг техник жиҳатдан таёргарлик коэффиценти, машиналарни ишга чиқариш коэффиценти, ўртача ишда бўлган вақти, суткалик ўртача юрган йўли, ўртача техник тезлиги, юкни ўртача ташиш масофаси, юк ташиш мавсумийлик коэффиценти каби кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

Транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг харажатларини камайитиш автомашина ва уни бошқарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, мойлаш ва ёқилғи материалларини тежаб-тергаш, жорий таъмир ва жорий қаровлар учун қилинадиган харажатларни тежашга боғлиқ.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида транспортнинг аҳамияти?
2. Транспортдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

3. Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини қандай кўрсаткичлар ифодалайди?

8 МАВЗУ: ТАЙЁРЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

8.1. Тайёрлов тизимини такомиллаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва унинг инфратузилма тармоғи сифатида шаклланиши

8.2. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва марказлаштиришнинг тайёрлов тизимига таъсири

8.3. Тайёрлов тизимининг режали-иқтисодий ва ташкилий амал қилишини такомиллаштириш масалалари

Маълумки, моддий ишлаб чиқариш жараёни фақат унумдор (ишлаб чиқарувчи) меҳнатнинг амал қилиши эмас. Бизнинг ҳолатимизда маҳсулотни сотиш бўйича қилинган меҳнат каби унумсиз (ноишлаб чиқарувчи) меҳнат ҳам унинг таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнатнинг бу икки кўриниши ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Унумли (ишлаб чиқарувчи), меҳнат билан банд бўлган шахсларнинг унумсиз (ноишлаб чиқарувчи) вазифалари қанча кам бўлса, меҳнат шунчалик унумдор бўлади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигида сотиш бўйича асосий бўлмаган иккиламчи вазифаларни унумдор меҳнатдан ажратиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti бўлиб

қолади. Маҳсулотни сотиш бўйича меҳнат эса такрор ишлаб чиқаришадининг бошқа иштирокчиларнинг вазифаси бўлиши керак.

Замонавий шароитларда шу нарса алоҳида маълум бўлмоқдаки, қишлоқ хўжалиги корхонасининг бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариш, ҳам сотиш билан шуғулланиши эндиликда асосланган ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг оқилона ташкил этилиши ва бошқарилиши вазифалари тобора қийинлашмоқда. Замонавий ишлаб чиқариш интенсивлаштириш ва концентрациялаш асосида ривожланмоқда. Бу жараёнларнинг ўзи жуда мураккаб ва махсус эътибор ва саъй-ҳаракатлар талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигининг у ёки бу соҳасидаги раҳбар ва мутахассис бевосита ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш бўйича тобора кўпроқ ҳажмдаги ишларни бажариши лозим. Агар бунда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш ва сотиш масалаларини ҳал қилишга тўғри келса, кўпинча раҳбар қай бирини афзал кўриш керак, деган саволга (танловга) дуч келади. Чунки айнан шу ерда ишлаб чиқариб бўлинган маҳсулотнинг бузилиши ва нобуд бўлиши рўй беради ва бу босқичда у (сотиш) мураккаброқ (қийинроқ, чигалроқ) бўлади. Бу эса ишлаб чиқаришнинг кўп томонлари бой берилишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигидан тармоқларнинг ажралиб чиқиши унинг ривожланиш даражаси билан доим мос ҳолда рўй берган. Қишлоқ хўжалиги ўз ривожига янги поғонага кўтарилиши биланок, аввал у учун мажбурий ҳисобланмаган баъзи вазифалар билан шуғулланиш қийин бўлиб борди.

Бу соҳанинг ривожига янги босқич унга аввал хос бўлган баъзи вазифалар, бизнинг ҳолда маҳсулот сотишнинг ажралиб чиқиши ҳақидаги масалани яна кўтарди. Шу нарса кутиладиги таъминот ва сотиш хизматларни мустақил бўлимларга ажратиш, ишлаб чиқариш омилларини бошқариш фойдасига қишлоқ хўжалигини бошқариш усулини тубдан ўзгартиради.

Бундай тизимда ихтисослашган технологик ва функционал хизматлар яратилади. Агрономик, зоотехник ва бошқа хизмат турлари мустақил хизматларга бўлинади. Бу хизматларни бош мутахассислар бошқаради. Аммо бу нарса махсус таъминот ва сотиш хизматларини яратишни тақозо этади. Қисқача айтганда, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш масалаларини тубдан ҳал қилишда қайта қуриш ва бошқа хизматларнинг, шу жумладан, сотиш ва таъминот хизматларининг ажралиб чиқиши талаб этилади.

Баъзан махсус хизматларни ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида шубҳа туғилади, чунки бу маъмурий-бошқарув персоналининг сони ошиши билан боғлиқ. Лекин бу масаланинг ечими бошқариш прогрессив тизимининг ўзидан топилади. Бошқаришнинг чекли тузилмасида функционал алоқалар қисқаради. Бошқарув ходимларининг ихтисослашув даражаси ошади, ишлаб чиқариш бўлимлари сони камаяди ва мутахассисларнинг хизмат кўрсатиш зонаси кенгаяди. Буларнинг барчаси бошқарув ходимларининг сони қисқаришига олиб келади. Шу резерв ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича махсус хизматлар ташкил қилиниши керак.

Ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини ажратиш зарурати ялпи ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши ва уни реализация қилишнинг бир қатор ташкилий ва иқтисодий шароитлари ўзгариши фактидан келиб чиқади. Аввало, баъзи маҳсулот турларини етказиш масофаси ўзгаради, бу эса дифференциал рента I нинг шаклланишига тудбан катта таъсир кўрсата-

ди. Хўжаликнинг йўллар, магистраллар, қайта ишловчи корхоналар ва тайёрлов базаларига нисбатан жойлашуви омили маҳсулот реализацияси бўйича транспорт ва бошқа харажатларнинг даражасини белгилайди.

У ёки бу хўжаликнинг жойлашуви хўжалик юритиш шароитларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳозирда сотиш жойидан узоқда жойлашган хўжаликлар реализация бўйича катта транспорт харажатлар қилмоқдалар. Аксинча, яқин жойлашган хўжаликлар асосланган устунликка эга. Кўрсатиб ўтилган ҳолат рақобатга тенг шароитлар яратиш (бизнинг фикримизча) муаммоси ичида долзарбларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнлари ажралиши билан алоҳида хўжаликларнинг жойлашуви бўйича дифференциал рента олиш шароитлари бекор қилинади (йўқолади), ягона тайёрлов ташкилоти ташкил этилиши билан эса уни жамият манфаати йўлида ишлатиш имкони туғилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг баъзи соҳаларидаги ихтисослашув ва концентрация даражаси пастлиги тайёрлов идоралари ишини қийинлаштирмоқда. Бу эса бевосита алоқаларнинг ривожини қийинлаштиради, хўжаликларнинг сезиларли қисмида маҳсулот заготовкасини мураккаблаштиради ва ҳатто, амалда бу мумкин бўлмай қолади, бу эса корхоналар ва халқ хўжалиги иқтисодийётига оғир юк бўлиб тушади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва концентрацияси аҳамияти тор бир тармоқ (соҳа) доирасидан чиқади. Бу омилар заготовкаларни оқилона ташкил қилишнинг энг муҳим шароити ва охир-оқибат маҳсулот ишлаб чиқаришдан пировард истеъмолчигача ҳаракатланишининг барча технологик ва ташкилий занжирини самарали бошқариш шарти сифатида намоён бўлади. Ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва ихтисослашув даражасини ошириш нафақат заготовкани тартибли амалга оширишга, балки арзонроқ маҳсулотни сотиб олишга ҳам имкон беради.

Эслатиб ўтамик, ерни ишлашда ишлаб чиқариш концентрациясининг кўпгина масалаларини хўжаликлар ичидаги экиш айланмаси майдонлари ўлчамлари чекланганлиги туфайли ҳал қилиш иложи йўқ. Янги технологияларни ва ишлаб чиқаришнинг прогрессив шакллари татбиқ қилиш учун бундай экиш айланмаларининг торлиги тобора сезиларли бўлмоқда. Концентрация нафақат машиналарни татбиқ қилиш ва соҳани индустриал асосга ўтказиш учун мақбул шароит яратади, балки тайёрлов ташкилотлари билан мустаҳкамроқ ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар ўрнатишга ҳам имкон беради. Биринчидан, концентрация – аввало, арзонроқ, шу билан бирга йирик партиядаги маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бундан эса тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар манфаатдор. Иккинчидан, концентрациялашган ишлаб чиқариш учун маҳсулот сотиш ташкилий-технологик жараённинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ихтисослашган ишлаб чиқариш сотиш бўғинига катта талаблар қўяди. Бу, тайёрлов идораларини ўз-ўзини тезроқ қайта тузишга ва янги талабларга мувофиқ ўз фаолиятини такомиллаштиришга мажбур қилади.

Шундай қилиб, тайёрлов тизимининг аҳамияти деҳқон ва фермер хўжаликлари тармоқланиши билан ошиб боради. Шу жиҳатдан бу тизим замонавий, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги, прогрессив шакллари томонидан қўйилаётган келажакдаги талабларга ҳам жавоб бериши жуда муҳим. Замонавий шароитларда бундай талабларнинг кучайиши агросаноат кооперацияси

(ҳамкорлиги) жараёни ишлаб чиқаришни янги ташкилий шакли сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда кузатилмоқда.

Агросаноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш саноат асосида ташкил қилинадиган шароитда сотишнинг технологик жараёндаги роли таққослаб бўлмас даражада ортади. Ишлаб чиқаришнинг хўжаликлараро ва агросаноат корхоналари, комбинатлар ва бирлашмалар шаклида ташкил қилиниши махсус сотиш бўғинларини ташкил этиш (яратиш) заруратини туғдиради (Молдавиядагидек).

Сабзавотчиликда концентрациянинг умумий якуни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида намоён бўлди. Бу нафақат ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини, балки маҳсулотни истеъмолчига етказиш ҳаракатининг барча кейинги босқичларини ҳам аниқ ташкил этишни талаб қилди. Айнан шу ҳол хўжаликлараро кооперацияга асосланган ихтисослашган ишлаб чиқаришдаги устунликлар қай даражада амал қилишини белгилайди.

Катта масштабдаги ихтисослашган ишлаб чиқариш максимал пировард натижани таъминлайдиган барча хизматлар иши аниқ ташкил этилишини талаб қилади. Маҳсулот сотиш бўйича хўжаликлараро хизмат умумий озиқ-овқат конвейери – ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари, транспорт ва қайта ишловчи корхоналар тизимида муҳим бўғинлардан бўлиб боради.

Транспортнинг бир жойда концентрацияси маҳсулот сотиш (биринчи навбатда мева ва сабзавотлар) ташкил қилишни сезиларли даражада яхшилашга имкон беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрловчиларига фақат хўжалик транспортларида етказиб берилса, улар кичик партияларда ва чўзилган муддатларда сотилади. Шу боис маҳсулот ишлаб чиқилган графикка асосан чиқарилади. Бу график бўйича хўжаликлар йиғим-теримни ўтказиш ва ҳосилни сотишга тайёрлаш ишларини режалаштирадилар.

Янги шаоитларда маҳсулотлар қайта ишловчи корхоналарга тезроқ етказиб берилса бошлады. Қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулот сотишнинг аниқроқ тизимига, қайта ишловчи корхоналар эса - қувватларнинг хом ашё билан ўз вақтида таъминланиш ва тўлиқ бандлигига эришиш имкониятига эга бўлдилар.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот сотишни ташкил этиш вазифаларидан озод этилиши, маъмурий қишлоқ ҳудуди доирасида янги сотиш бўғинининг ташкил қилиниши мантиқан асослидек кўринади. Сотиш бўғинининг вазифаси, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқарадиган барча турдаги маҳсулотларни сотиш ҳисобланади.

Табиийки, бу таклифни амалга ошириш осон эмас. Ҳозирда туман сотиш бўғинини ташкил этишни қийинлаштирувчи қатор сабаблар мавжуд. Улардан бири шуки, бундай тизимни ташкил қилишни, моҳиятан, янги жойда бошлаш керак. Туманда ҳозир янги тизимни яратишни бошлаш мумкин бўлган зарурий моддий-техник базага эга бўлган бирорта ташкилот йўқ. Бунга фақатгина истеъмолчи кооперацияси маълум даражада жавоб бериши мумкин. Аммо истеъмолчи кооперациясининг ўзига хос хусусиятлари ва у қишлоқда бажарадиган вазифаларни кўплигини ҳисобга олсак, бу кооперация реализация хизматини ташкил қилиш учун асос бўла олмайди.

Бошқаришнинг ҳудудий принципи (тамойили) ҳақидаги масалани ҳаётнинг ўзи кўтармоқда. Бунда аниқ бир ҳудуд (минтақа) чегарасида қишлоқ

хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуасини ечишда бирликни таъминлаш мумкин бўлади. Бу ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва хўжаликлараро кооперациянинг ривожини учун муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот имшлаб чиқариш даражасига унинг реализацияси ва истеъмолчига етказиб бериш ташкилий шаклининг мос келиши жуда муҳим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот сотишни ташкил қилиш вазифаларидан озод қилиниши, бу вазифаларнинг ихтисослашган хизмат томонидан бажарилиши мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир қилади, деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларига ўз қувватларини фақат ишлаб чиқаришда жамлашга имкон беради, бу эса хўжаликларнинг ривожланиш суръатини оширади. Натижада фондлар таркибининг ишлаб чиқаришдаги улуши кўпаяди. Қишлоқ хўжалигидаги транспорт воситалари сони фақатгина ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб этадиган миқдор билан чекланади.

Ҳозирда қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларни етказиб учун зарур бўлган автомашиналар ўрнига ишлов хўжалиги корхоналари кўпроқ ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган тракторлар, комбайнлар, ўғитлар ва бошқа воситаларни сотиб олишлари мумкин. Транспорт воситаларининг ягоналигини ихтисослашган ташкилотларда концентрациялашуви улардан юқори унум билан фойдаланишини таъминлайди, маҳсулот ўз ҳисобидан ташилиши ҳисобига аграр давлат жойлашуви бўйича дифференциал рентани ўзлаштиради. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хўжалик юритиш шароитлари тенглашади қолаверса, сотиш бўйича ихтисослашган ташкилотларда реализацияни яхшироқ ташкил қилиш имконияти туғилади. Бу маҳсулот исрофгарчилигини, сотиш харажатларини камайтиради. Пировард натижада бундай тизимда бевосита алоқаларнинг аҳамияти ортади.

Кейинги пайтларда тайёрлов тизимини такомиллаштириш муаммоси тубдан қайта кўриб чиқилди. Лекин маҳсулотлар сотиш билан боғлиқ камчиликлар ҳам тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Иқтисодий адабиётларда улар фақат режалаштиришдаги нотўғри ҳисоб-китоб билан боғлиқ тарзда изоҳланади. Тўғри маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ нўқсонлар содир бўлишига нотўғри ҳисоб-китоблар ҳам муайян даражада таъсир кўрсатаёпти, аммо улар асосий сабаб эмас. Мавжуд узилишлар, агар айтиш жоиз бўлса, ўсиш ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш жараёнидаги қийинчиликлар ҳисобланади. Ривожланаётган ишлаб чиқариш кўпгина янги масалаларни (жумладан, маҳсулот сотиш соҳасида ҳам) илгари суради. Бутун ишлаб чиқариш жараёни барча босқичларда бир текис ривожланишини тақозо қилганда, ҳам оралик, ҳам пировард маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича тузилмавий бўғинлар орасидаги иқтисодий муносабат ва алоқалар юксакроқ даражага кўтарилганда бу масалаларнинг долзарблиги ортади.

Янги алоқалар нафақат маҳсулот яратганда, балки уни истеъмолчигача ҳаракатлантиришда ҳам вужудга келади. Бу эса уларнинг амалий реализациясини назарда тутди. Бундай реализация алмашув муносабатларини такомиллаштиришда намоён бўлади. Тайёрлов тизимининг амалдаги янги сифат даражаси реализация қилинадиган маҳсулотни ҳисоблаш тизими билан ҳам боғланган. Анъанавий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги корхоналаридан давлат тайёрлаш тизимига келтирилган ва одатда, натурал кўринишда бўлган маҳсулот тайёрланадиган маҳсулот ҳисобланади.

Бундай ёндашувга кўра, қисқа куз даврида барча ўсимликчилик маҳсулотларини бир вақтнинг ўзида йиғиштириш ва ташиш лозим. Бу иш кунидан фойдаланишда тиғизликка, барча тўрдаги транспорт воситаларни транспортнинг барча турларини меъёрдан ортиқ ишлатилишига олиб келади. Тайёрлов тизими эса бу даврда узлуксиз келтириладиган кўп миқдордаги маҳсулотни доим ҳам қайта ишлай олмайди. Оқибатда маҳсулот нобуд бўлади, сифати пасаяди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида омборлар қурилса, баъзи турдаги маҳсулотларни йиғиштириб олиб, шаҳарларга – тайёрлов ташкилотларига жўнатиш зарурати йўқолади. Муайян маҳсулот (дон, сабзавот, мева ва ҳ.)ларнинг бир қисми хўжаликларнинг ўзида сақланиши ва зарур ҳолда истеъмол жойига жўнатилиши мумкин. Таъкидлаб ўтамизки, тайёрлов ишларини ташкил этишнинг бундай шакли анча катта фойда келтиради. Чунончи:

биринчидан, тайёрлов жараёнидаги тиғизликни камайтиради, транспортга эҳтиёжни пасайтиради, маҳсулотнинг оқилона ишлатилишини таъминлайди, пировард натижада хомашё ва истеъмол фондлари ҳажмини оширади;

иккинчидан, агросаноат интеграцияси, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бевосита ўзида қайта ишлаш қуваатлари ривожига баъзи турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат натурал холида, балки қайта ишланган кўринишда ҳам сотиш масалаларини ҳал этади. Бу пировард мақсадларга мувофиқ келади.

Амалиётда эса маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган ҳудудлардаги кўпгина қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз маҳсулотларини натура кўринишида сотишарди. Масалан, «Бухоротекс» АЖ пахта толаси етишмаслиги туфайли тўла қувват билан ишламаяпти. Бу ҳолат тайёрлов ишларини режалаштириш амалиётида ҳисобга олинishi лозим.

Яримфабрикатлар, консервалар ва ҳоказоларга ишлатилган маҳсулотлар савдо ташкилотларига қайта ишланган ҳолда сотилиши лозим. Бу савдода қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ассортиментини кенгайтиради, бу қолаверса, ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатдаги хўжаликларда ёрдамчи корхоналар маҳсулотининг рентабеллик даражаси бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Бунинг сабаблари хилма-хилдир. Аммо, улар қайси каналлар орқали сотиладигани кузатиlsa, маълум бўладики, маҳсулот расман ташкил этилган каналлар орқали қанча кўп реализация қилинса, самарадорлик шунчалик юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тайёрлашни ташкил этиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш жараёнидаги йўналишлардан бири уларнинг истеъмолчига ҳаракатланишини тўхтовчи тайёрлов тизими бўғинларини қисқартиришдир. Мавжуд тайёрлов тизимининг йириклиги ва кўп қирралилиги кўшимча харажатларни юзага келтиради, бу эса маҳсулот баҳосини оширади.

Маҳсулот реализацияси жараёнининг кўп поғоналилигига барҳам бериш имконини яратувчи асосий йўналиш – бевосита (тўғридан-тўғри) алоқаларни ривожлантиришдир. Бевосита алоқалар – бир томондан, ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари ва бирлашмалар, бошқа томондан, тайёрлов ва савдо ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ўртасида маҳсулот сотиш бўйича ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар тизимидир.

Бу тизим шундай алоқалар ўрнатишни назарда тутадик, улар маҳсулот сотиш ва унинг сифатини сақлаш бўйича иккала контрагентнинг иқтисодий самарали ишини таъминловчи масалалар (вазифалари) тезроқ ҳал этилишига имкон беради. Бевосита алоқаларнинг самарадорлиги ва амал қилиши даражаси контрагентларнинг давомий ва доимий ўзаро муносабатлари жараёнида ортиб боради.

Аммо контрагентлар ўзаро муносабатларининг ташкилий шакли фақатгина ташкилий-техник томонни тавсифлайди. Бевосита алоқалар—шундай ўлчовдаги жамиятнинг режали ривожланиши шароитларида товар-пул муносабатларини йўлга қўйишнинг амалдаги иқтисодий омиллари ҳисобланган таклиф ва истеъмол талаби ўртасидаги мувофиқлик асосида маҳсулотни реализация қилиш ва ишлаб чиқаришни тез яхшилашнинг иқтисодий шарти ҳамдир.

Бевосита алоқаларнинг асосий устунликларидан бири шундаки, бунда маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолчига ўтиб бориши тезлашади. Бунда айланма тезлиги жадаллашишига, муомала харажатлари қисқаришига эришилади. Бевосита алоқалар маҳсулот ҳаракатининг барча босқичлари устидан муайён даражада назорат ўрнатишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожининг замонавий босқичи учун бевосита алоқалар ривожини эътиборга олувчи бир қатор тенденция (йўналиш)лар хос. Бевосита алоқалар талабларига ихтисослашган ва концентрланган ишлаб чиқариш тўлароқ жавоб беради. Тайёрловчи у ёки бу маҳсулотни етказиб беришини битта ишлаб чиқарувчи амалга оширишидан манфаатдор. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхонаси учун битта ёки камида минимал сондаги тайёрловчига эга бўлиш фойдали. Бу маҳсулотни яхшироқ ва камроқ харажат билан сотишга имкон беради. Демак, бевосита алоқалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашув ва концентрация йўлидан ривожланишининг муҳим шартлари ҳисобланади.

Хўжаликлараро кооперация асосида ихтисослашув кўп тармоқли хўжаликлар тугатилишига олиб келади. Тор ихтисосдаги хўжаликлар эндиликда маҳсулот сотиш масалаларини ҳал қиладиган бирлашмага кирадилар. Бундай ташкилотда вазифанинг бўлиниши каби ҳолат юз беради. Корхоналар – маҳсулотни ишлаб чиқариш, бирлашма – уни сотиш ҳақида бош қотирадилар. Бу узоқ муддатли алоқаларни ўрнатишга ўтиш учун имкон беради, у эса тайёрлов жараёнларини ташкил қилишнинг бутун тизимини тубдан яхшилади.

Реализация жараёнидаги бевосита алоқаларнинг кейинги ривожини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши замонавий жараёнининг бошқа объектив талаблари томонидан ҳам тақозо қилинади. Реализация жараёнида бевосита алоқалар тизими қишлоқ хўжалиги корхоналари ва агросаноат бирлашмаларининг мустақиллигини ифодалаш шаклларида бири ҳисобланади. Бевосита алоқалар орқали истеъмолчи ишлаб чиқариш жараёнига янада тезкор таъсир ўтказиш имконига эга бўлади.

Шу томондан бевосита алоқалар режалаштириш элементи сифатида намоён бўлади. Айнан савдо, тайёрлов ташкилотлари, қайта ишлаш саноати корхоналари билан бевосита алоқа жараёнида (қишлоқ хўжалигига буюртмалар тизимини татбиқ қилишга мақбул шароитлар яратилади) контракция тизими ривожланиши мумкин. Бу тизим қишлоқ хўжалиги корхоналари (умумдавлат режа ва вазифалари доирасида) мустақиллигининг кенгайишига кўмаклашади.

Бундай шаклларга ўтиш нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши манфаатларига, балки савдо ташкилотлари ва қайта ишлаш саноати корхоналари манфаатларига ҳам жавоб беради, чунки бу уларнинг зарурий ассортиментдаги маҳсулот ва хомашёлар билан кафолатли ва бир текис таъминланишига шароит яратади.

Маҳсулотнинг бевосита ишлаб чиқарувчилардан олиниши савдо ташкилотларини маҳсулот заготовкеси билан боғлиқ қўшимча чиқимлардан озод қилади, чунки улар тайёрлов ташкилотларидан маҳсулот олганларида маълум бир суммани уларга тўлайдилар. Бу эса, бевосита алоқаларни татбиқ қилиш рағбатларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий-тининг мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва концентрациялари яратилиши билан хўжаликларда музлатгичлар ва сабзавот омборлари барпо этиш имкони туғилди. Бу, шунингдек, савдо ташкилотларининг бундай хўжаликлар билан мустаҳкамроқ муносабатлар ўрнатиш манфаатдорлигини ҳосил қилади, чунки сақлаш жойларининг мавжудлиги маҳсулотнинг бир мунча текисроқ етказиб беришини таъминлайди. Бевосита алоқаларнинг ривожланишида ўз маҳсулотларини бевосита савдо ташкилотларига реализация қилганда тўловни чакана нархларда (савдо чегирмасини айириб ташлаган ҳолда) оладиган корхоналар ва бирлашмалар ҳам манфаатдор, зеро бу уларнинг иқтисодий-тига ижобий таъсир қилади.

Тайёрлов ташкилотлари моддий-техника асосининг мустаҳкамланиши билан бевосита алоқаларнинг ривожланишига ҳам объектив шароитлар вужудга келади. Чунки маҳсулотни етказиб бериш шартларидан бири тайёрловчи унинг нафақат режадаги миқдори, балки барча ортиқча қисмини ҳам қабул қилишга тайёрлиги ҳисобланади. Бунга эса, тайёрловчи фақатгина сақлаш иншоотлари мавжуд ҳоллардагина мувофиқ бўлади.

Назарда тутиш керакки, реализация жараёнида бевосита алоқаларнинг келажакдаги ривожини маҳсулот сифати объектив баҳоланишига кўмаклашади, ҳозирда эса улгуржи базалар мумкин бўлган йўқотишларга қарши ўзларини «суғурта» қилиб, маҳсулотлар ҳажмини пасайтирмақдалар ва чегирма фоизларини атайлаб кўтармоқдалар.

Бевосита алоқалар ривожини заготовкеларни ташкил этишнинг бошқа шакллари, жумладан, улгуржи савдо тизими билан ҳам оқилона қўшилиши зарур. Улгуржи савдо ҳар доим ҳам муомала жараёнини узайтирувчи бўғин ҳисобланмайди. Ишлаб чиқариш концентрациясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг товарлилик ошган ва ассортименти кенгайган шароитда улгуржи савдо бу турдаги маҳсулотларни реализация қилишнинг самарадор шакли бўлиб қолади. У ҳосил бўлган истеъмолчи талабидан келиб чиқиб, маҳсулотнинг оқилона тақсимотини таъминлайди.

Бевосита алоқаларни ташкил этишни яхшилашда тайёрлов ташкилотлари томонидан ҳеч бўлмаганда баъзи турдаги ўсимликчилик маҳсулотларининг бевосита даланинг ўзида қабул қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Булар дала ишлари тезлигини пасайтиради. Маълумки, йиғим-терим ва топшириш ишлари ҳажми ортганда ёз-куз ойларида маҳсулотни жойида қабул қилиш билан қишлоқ хўжалиги корхоналарини сотиш ташвишидан ҳатто қисман озод қилинганда ҳам, уларда кучларни бошқа ишларни тугатиш учун сафарбар қилиш имкони кенгайди. Аммо кўпинча «маҳсулотни далада қабул қилиш»

тушунчаси тайёрлов ташкилотлари ўз транспортида маҳсулотни тўғридан-тўғри даладан олиб чиқиб кетади, деган маънода тушунилади. Бу ерда фақат ишнинг ташкилий шакли устида гап кетмоқда. Бундай соддалашган ёндашув шунга олиб келмоқдаги, маҳсулот сотишни ташкил этишнинг бу шакли ҳозирча кенг тарқалмаяпти. Лекин ташкилий томон билан бир қаторда реализациянинг бу шакли иқтисодий моҳияти жиҳатидан кам аҳамиятли эмас. Маҳсулотнинг бутун партиясини унинг учун аввалдан аванс тўлиб далада қабул қилиш ҳақидаги келишув ҳар иккала контрагентга ўзаро мажбуриятлар юклайди. Тайёрлов ташкилоти маҳсулот учун аванс тўлаб, албатта, барча имкониятларини ишга солиб, уни олиб чиқиб кетишга интилади. Олинган пул аванси қишлоқ хўжалиги корхонасини албатта аванс учун маҳсулот билан ҳисоблашишга мажбур қилади.

Ундан ташқари, маҳсулот учун аванс бериш билан ҳисоб-китоб қилиш шакли пулни хўжалик айланмасига нафақат эртароқ киритишга, балки уларни шу маҳсулот турини етиштиришда банд бўлганларни моддий рағбатлантириш учун оператив ишлатишга ҳам имкон беради.

Бевосита алоқаларнинг иқтисодий моҳияти шунда кўринадики, улар маҳсулот сотишнинг катта кафолатини яратиш билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархига киритилган барча потенциал имкониятларни юзага чиқаришнинг ҳолисона белгилари ҳисобланади, шу тариқа ишлаб чиқариш унумдорлиги ошишининг энг муҳим омили сифатида иштирок этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маҳсулотлар тайёрлови (заготовки) қандай аҳамиятга эга?
2. Тайёрлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Тайёрлов тизимининг иқтисодий самарадорлик даражасига ва ривожланишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
4. Қайси каналлар маҳсулотларни реализация қилишнинг энг мақбул каналлари ҳисобланади?
5. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда тайёрловчи ўртасидаги бевосита алоқаларни ташкил этишнинг афзалликлари нималардан иборат?
6. Бевосита алоқаларни ташкил этишда қандай масаларга эътибор бериш зарур?

9 МАВЗУ: ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ҲАМДА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

9.1. Почта ва телекоммуникация инфратузилмасининг иқтисодий аҳамияти.

9.2. Почта ва телекоммуникация тармоқларининг ривожланиш хусусиятлари.

9.3. Почта ва телекоммуникация тармоқлари ривожланиш истикболлари.

Почта ва телекоммуникациялар соҳаси (П.Т.С) иқтисодий тавсифи ва унинг ишлаш хусусиятлари. П ва ТС – Миллий Иқтисодиёт соҳаларидан бири бўлиб, унинг функционал вазифаси истеъмолчиларга турли турдаги

маълумотлар телефон сузлашувлари, телевидения ва радио дастурлари, компютераро маълумотлар, хатлар ва хок. йигиш ишлаш ва узатиш хизматларини курсатишдан иборат.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари каби алоқа реал сектор таркибий қисм белгилари йигиндисига эга: Соҳада юзага келувчи нарх Ялпи ички маҳсулотга киритилади. Соҳа учун меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари ажратилади. Алоқада меҳнат предмети бўлиб узатиш жараёнида фазовий силжишга дуч келувчи маълумот чиқади, бунда бу силжиш маълумот моҳиятини бузмаслиги керак. Алоқа соҳасида меҳнат воситаларига алоқа корхоналари асосий фондларини ташкил этувчи ускуналар ва аппаратура, станция ва линия иншоотлари, ишлаб чиқариш бинолари, асбоблари киради. Алоқага тулик хажмда утиш иктисодиёти қонунлари йигиндиси талукли. Бирок алоқага унинг хусусиятларидан келиб чиқувчи специфик томонлар ҳос.

1. Алоқа соҳаси маҳсулотининг буюмсиз. Харақтери Реал сектор бошқа соҳаларидан фарқли алоқа Янги товар яратмайди, хизмат тақдим этади – маълумотни узатади. Бундан алоқа хизматлари таннархи структурасида асосий қисм меҳнат, капитал каби ишлаб чиқариш факторларини тулашга тугри келади. Соҳада хомашё ва асосий материаллардан фойдаланиш йук.

2. Алоқа хизматларини ишлаб чиқариш ва истемол қилиш жараёни вақтида узлуксиз боғлиқ. Масалан, компютераро хабарни узатиш ёки телефон сузлашуви, телевизион дастурни қуриб чиқиш-яъни турли алоқа ахизматларининг истеъмоли бу хизматларни ишлаб чиқариш жараёни билан мос келади. Бу ердан алоқа соҳасида ишлаб чиқариш жараёнига минимал харажатлар ва алоқа воситаларини истемолчиларга максимал яқинлаштиришда алоқа хизматларининг максимал сифати, хизматлар асортиментини таъминлаш каби қатор зарур талаблар қуйилади.

3. Алоқа хизматларини таъминлаш жараёнида маълумот фақат фазовий силжишга учратилиши керак. Бунда у бузилмаслиги лозим, акс ҳолда унинг истемол хусусиятлари йукотилади. Бу алоқа соҳасини меҳнат предметлари жисмоний, химиявий ёки бошқа жисмонан узғаришга учрайдиган реал секторнинг қуп соҳаларидан фарқ қилади.

4. Юборувчи ва қабул қилиб олувчи уртасидаги маълумот узатиш жараёни икки томонлама. Бу хусусият олдингиси каби алоқанинг барча турлари ишончлилиги бўйича анча талаблар қуяди.

5. Алоқа соҳасининг инфраструктура остида миллий иктисодиётининг ташкилий асосланган бугинлари йигиндиси тушунилади, унинг фаолияти якуний натижаси маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, давлат, бизнес сектори, уй хужаликлари, қолган Дуне, миллий иктисодиёт бозорларига хизмат курсатишдир. Алоқадан ташқари инфраструктура таркибига энергетика, транспорт, моддий техника таъминоти, оғбор хужалиги ва бошқалар киради. Инфраструктуранинг ҳамма соҳаларига фаолиятнинг хизмат курсатиш харақтери, хизмат истемолининг умумий харақтери ҳос.

Алоқа соҳаси тузилиши.

Маълумотни узатиш воситалари ва усуллари, ишлаб чиқариш технологиясига қура алоқа электр алоқа, радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидения, почта алоқасига бўлинади. Почта алоқаси турли почта орқали юборишларнинг (хатлар, посёлкалар, даврий босмалар ва ҳо.) ишланиши, юборилиши ва етказиб берилишини таъминлайди.

Электр алоқа тармоқости уз таркибида маҳаллий (шаҳар, қишлоқ) теле-

фон алокаси шаҳарлараро ва халқаро алокани, телеграф алокасиини, компютераро, товушли симли алокани уз ичига олади.

Телеграф алока телеграммалар, газета йуллари, маълумотларни узатиш, факсланиш алокани таъминлайди.

Маҳаллий ва шаҳарлараро телефон алокаси турли тоифадаги абонентлар уртасида телефон сузлашувини таъминлайди, шунингдек истемолчиларга алока каналларини арендага беради.

Товушли симли алока корхоналари радио нукталар трансляция ишини таъминлайди.

Радиоалока, радиоэшиттириш ва телевидения тармок ости радиоканалларни ҳамда кенгйулли телевизион ва радио дастурларини узатиш каналларини ташкил этади.

Алока тармоги юкорида кайд этилган турли маълумот турлари узатилишининг интеграцияси имкониятини таъминлайди.

. Ўзбекистон миллий иктисодиётида почта ва телекоммуникациялар соҳасининг урни ва роли.

Почта ва телекоммуникациялар соҳаси Ўзбекистон инфраструктурасининг муҳим таркибий қисми бўлиб 1991 йилдан бошлаб узаробогланган алока ишлаб чиқариш системаси сифатида республика юрисдикцияси остида иш олиб бормокда.

Почта ва телекоммуникациялар ишлаши соҳасининг ички ҳолатига боғлиқ. Бирок унга юкланган функцияларни бажаришда соҳа узида ташки муҳит омилларнинг кучли тасирини сезади. Курсатилган омиллар йигиндисини қуйидаги таркибий қисмларга гуруҳлаш мумкин:

- иктисодий муҳит микро ва макродаража қуйидаги ташки омиллар ривожланишини аҳоли ва истикболлари:- сиёсат ва ҳуқук.

- ИТТ ва ишлаб чиқариш интенсификацияси.

- Ижтимоий- маданий ва демографик муҳит.

Ташки омилларни бевосита ва воситали таъсир муҳитига ажратиш мумкин.

Истемолчилар, етказиб берувчилар, конунлар, юкори турувчи органлар, ракобатчилар, қасаба уюшмалар бевосита таъсир этади. Иктисод сиёсат, халқаро воқеалар, ни психологик ва ижтимоий омиллар воситали таъсир курсатади.

Барча ташки омиллардан макродаражани ажратамиз ва макроиктисодий айланишда почта ва телекоммуникациялар урнини қуриб чиқамиз, соҳанинг макромуҳит билан реал узаро боғлиқликларини акс этувчи моделни ясаймиз.

Ўзбекистонда алока операторлари истемолчиларга алока хизматларини етказиб берувчилар сифатида алока хизматларини юритиш учун зарур бўлган қуйидаги ресурсларни ишлаб чиқариш омиллари бозорида сотиб олади, меҳнат, капитал, алока объектлари бинолари ва иншоотлари, тадбиркорлик қобилиятлари. Алока тизими моддий базасини, унинг капиталини алока апаратураси, улчов асбоблари, компьютер техникаси ва х. қабиле техник воситалар ташкил этади. Яъни алока тизими негизини маҳаллий телефон тармоги, шаҳарлараро халқаро телефон тармоги, ҳаракатдаги радиоалока тармоқлари, маълумотларни узатиш, телевидение ва радио эшиттиришларни узатиш, ҳамда почта алокасининг ишлашини таъминловчи алока воситалари ташкил этади. Курсатилган алока турларининг республикада амалга оширилишини техник негизини республикада Ўзбекистон бирлашган телекоммуникацион тармоги ташкил этади. УзБТТ ва почта алокаси тармоги.

Алока корхоналари учун ускуналар шартнома буйича дунёнинг етакчи телекоммуникацион корхоналари етказиб беради. Сименс (Германия), Алкател (Германия), NEC (Япония), Эриксон (швеция), ДЕУ телеком (Япония) ва бошқалар. Бундан ташқари республикада алока воситаларининг шахсий ишлаб чиқариши ривожланмоқда. Алока аппаратураси шахсий саноат бизнесининг муштахкамлиниши ускуналарини етказиб бериш, ахборот хавсизлигини таъминлаш, республикада ишчи жойларни яратиш зарурати, уз ускуналарини чет элга экспорт қилиши натижасида валюта ишлаш ва импортни камайитириш эвазига валютани саклаб қолиш муаммоларини ҳал этиш каби сабаблар билан шартланган.

Тадбиркорлик қобилиятлари каби ресурс турли утиши ва бозор иқтисодиётида ката рол уйнайди ва почта ҳамда телекоммуникациялар соҳасида маркетинг, менежмент, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бу соҳалар билан яқиндан бошлик.

Қуриб чиқилган омиллар ёрдамида алока хизматларини ишлаб чиқиб соҳа корхоналари уларни таварлар ва хизматлар бозорида макроиқтисодий айланиш иқтисодий фаолиятининг турт субъекти соҳади! Уй ҳужаликлари (омилларига), давлат секторига, республика ичида бизнес секторга, ташқи дунёга. Макроиқтисодий айланиш субъектларидан ташқари алока хизматлари ҳам бозорлар ишлаб чиқариш омиллари бозори, молия бозори томонидан истемол қилинади.

Сотувлардан пул олиб алока корхоналари давлатга солиқ тулайди ва омиллар эгаларига туловларни амалга оширади.

Республика уй ҳужаликлари пул даромадини олиб истеъмолчилик харажатларини амалга ошириб, бир қисмини алока хизматларини сотиб олишга сарфлайди. Уй ҳужалиқларининг алока хизматларига харажатлари доимий, яъни даврий такрорланувчи ва нодоимий ва бирмарталик туловлардан иборат бўлади.

Доимий харажатларга телефон учун абонент тулови, радиотелефон, уяли телефон, пейжер учун туловлар, абонент радиоэшиттириши, кабел телевидения тижорат телевиденияси абонент қутиси аренда, суғурта қиради.

Нодоимий харажатларга почта алоқасининг барча турлари, маҳаллий телефон сузлашувларини вақтбай тулови, шаҳарлараро ва халқаро телефон сузлашувлари, уяли алока буйича лимитдан ортиқ сузлашувлар қиради.

Бирмарталикларга телефонларни, радионукталар, TV нукталар урнатиш учун туловларнинг барча турлари, қайтарасмийлаштириш, хизмат турини узгартириш ва ҳок.

Қурсатиб утилган хизматларнинг ҳамма турлари у ёки бу даражада Ўзбекистоннинг барча ҳудудида ривожланган. Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида почта ва телефон алоқаси, абонент радиоэшиттиришининг барча турлари ривожланган. Йирик шаҳарларда, уяли алока, кабель телевиденияси ривожланган.

Эксперт баҳолашга қура уй ҳужалиқларининг алока хизматларида даромадлари қисми тахминан 3-5% ни ташкил эди. Ойла алока хизматларига хизматларига сарфлайдиган даромадлари қисми ойла маълумоти, урф-одатлари, аҳоли урф-одатларидан боғлиқ. Алока хизматларига талабга таъсир этувчи муҳим омиллар бу уй ҳужалиқлари-нинг даромадлари, хизматларининг арзонлиги.

Янги алока объектларининг қурилиши, лидер назарияси, эски объектлар реконструкцияси, техник қайта жиҳозланиши катта пул ажратишларини талаб

этади. Телекоммуникациялар ривожлантириш дастурлаини амалга ошириш учун бизнес - сектор ва давлат-сетори молия бозорларига мурожаат килади. Маълумки, молия бозорлари пул маблағлари оқимини мулкдорлардан қарз олувчиларга йуналтирувчи институтлар йигиндисини ташкил этади, миллий молия бозорларида давлат, хусусий сектор, банк тизими ва қолган Дуне жамғармалари аккумуляцияланади.

Бундан ташқари Мустақил Ўзбекистон молия бозорини ташқи Дуне молия маблағларини қлоқа соҳасида лойиҳаларни кредитлаш учун жалб этади.

Курсатилган манбаалар ҳисобидан банк ва банкдан ташқари молиялаш амалга оширилади. Банкдан ташқари молиялаш давлат қимматбаҳо қўғозларини аҳолига қорхоналарга сотишни уз ичига олади.

Шундай қилиб ВВГ яратиш жараёнида почта ва телекоммуникацияларини ҳамма қорхоналари қатнашади.

Ўзбекистон иқтисодий ушшининг рағбатлантиришда почта ва телекоммуникациялар соҳаси уйнайдиган ролида алоҳида тухталамиз.

Почта ва телекоммуникациялар берилган сифат қурсатқичлари билан маълумотларни тушлаш ишлов бериш ва узатиш бўйича истеъмолчиларга хизматлар қурсатиши қерак бўлган ижтимоий ишлаб қикариш қисми. Хабарларда узатиш жараёнида фазовий силжувчи маълумот бўлади. Ахбороти меҳнат предмети сифатида қикади.

Шундай қилиб, соҳа ҳеч нарса яратмайди, фойдали маълумотни транспорт воситаси бўлиб узатади. Алоқа воситалари ҳисоблаш техникаси билан барча жамият ахборотлашуви техник базасини ташкил этади.

Телекоммуникациялар соҳаси муҳим хусусияти шундаки у асосан электрон техника, информатика воситаларига асосланган ва фан қигимли соҳадир. Электроника ва информатика ҳозирги вақтда жуда юқори ривожланиши темпларига эга, бу соҳа ютуқлари инсон фаолияти қуп соҳалари шакли ва мазмунини узгартира олади. Бунга глобал муаммо қомпьютер тармоғи «Интернет» мисол бўлла олади. Юқори техналогик соҳа бўлган алоқа информациян технологиялар ривожланиши асоси ва ахборот муҳитини муҳим тарқабий қисми бўлди. Унинг қарактерли томони шундаки, у нафакат қамаймайди, аксинча қупаяди, қомиллашади ва қолган ҳамма ресурсларнинг рационал фойдаланишига ёрдам беради.

Глобал жараён сифатида ахборотлашув Ўзбекистон Республикаси учун аниқ, қунки у жаҳон бозорига мувофқиятли қириб қириб бормоқда. Мамлақатда утқазилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қайта қурилиши, ижтимоий ҳаётнинг демократияси барча фаолият соҳаларида ахборот таъминоти тузилиши ва қарактерини тубдан узгартирилишини талаб этади. Янги давлат ва ижтимоий ташкилотлар, янги бозор структураларининг пайдо бўлиши, бошқарув тизими муҳим функцияларининг узгариши ёки янгиларининг пайдо бўлиши жамият ахборот эҳтиёжларининг ушши, ахборот оқимлари йуналишлари ва мазмунинг узгаришини талаб қилади. Бу талаблар бугунги қунда республикада мавжуд ахборот муҳити доирасида қондирила олмайди.

Ахборот инфраструктураси ва ахборот хизматларининг ривожлантирилишини, Янги ахборот технологияларига утиш мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳолини узгартирилишининг зарур шартларидир.

Шундай қилиб, АТ тарқибда алоқа Янги қамонавий техникасининг қиритилиши ижтимоий ишлаб қикариш интенсификациясини тезлаштириш масалаларини Янги даражада ҳал этишга имқон беради. Алоқа воситалари турли

ишлаб чиқариш маълумоти ва ишлаб чиқариш бошқарувини, замонавий қарор қабул қилишини узатилишини таъминлайди.

Алоканинг ривожланиши тезкор тайёрланиш ва уз вақтида оптимал қарор қабул қилишга ёрдам бериб, барча дражаларда бошқарув тизимининг такомиллашувига таъсир этади. Бу айниқса бозор иқтисодиётига утишда жуда муҳим, чунки рақобатчилик шароитида энг ишончли ҳамкор-бу тез ҳаракат қилувчи, талаб ва таклифда ишлаб чиқариш ва товарлар ҳамда хизматлар сотувда яхши йул топувчи ҳамкордир. Алоқа воситалари нафакат ишлаб чиқаришга хизмат курсатади, балки ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқариш жараёнларининг беришни назоратининг ажралмас қисми бўлиб бевосита унга сингиб кетади, ВВП усиш учун шароитлар яратади.

Ўзбекистон ВВП да қишлоқ хужалик ишлаб чиқариш ката қисминни ташкил этувчи аграр мамлакат бўлгани сабабли почта ва телекоммуникациялар соҳаси хизматларининг республика қишлоқ жойларида усиши заруратига алоҳида эътибор берамиз.

Моддий қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришда алоқа воситаларидан фойдаланиши қишлоқ хужалик техникаси парқидан фойдаланиш маневрлилигини яхшилаш, унинг уз вақтида таъмирланишини таъминлаш, тайёрланган маҳсулот реализациясини тезлаштиришга имкон беради. Ноишлаб чиқариш соҳасида алоқа хизматларидан асосан бошқарув функцияларидан фойдаланиш учун, молия хужалик фаолияти, маърифат ва соғлиқни сақлаш соҳаларида фойдаланилади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг биричи кунлариданок қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантиришга ката эътибор берилмоқда.

Ишлаб чиқариш потенциал имкониятларини туликрок фойдаланиш учун қулай шароитларни яратиш, қишлоқ аҳолиси ҳаёт ҳароитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 24 майда «2000 йилгача давр учун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тугрисида» №182 қарори қабул қилиб, қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини тасдиқлади. Телефон қишлоқ аҳолиси тезкор ва маълумот хизматларидан фойдаланиш, қариндошлар ва яқинлар билан боғланиш имконини беради. Телевидение ва радиоалоқа ҳатто энг узок қишлоқ жойлари ва чул зоналаридагиларнинг ташқи дунё билан боғланишга имкон беради, спутниклар ва радиоканаллардан фойдаланиш эса фермерлар учун қизиқтирувчи товарлар ва хизматлар бозори қонўқтураси тугрисида ҳабарликни таъминлайди.

Электро алоканинг узлуксиз ишлаши истемолчилар вақтининг тежалишини таъминлайди. Бунда иш вақтининг тежамлилигини жамият меҳнати унумдорлигининг 2,1% га усишга олиб келади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда электралоқадан фойдаланиш харажатлар тежалишига ёки ВПП нинг 1%га усишга олиб келади. Бунда электралоқанинг халқ хужалиги самараси 4,6-5,3 марта унинг ривожланиши учун харажатларидан ортиқ бўлади.

Ижтимоий соҳада электралоқадан фойдаланиш ишдан ташқари вақтнинг тежалишига олиб келади ва натижада аҳолии буш вақтининг ошишига олиб келади.

Соҳа хусусиятига қура электралоқа тулик самарасини 100% деб оласа, улардан соқанчи самараси 5.10% ни, хужаликга самараси эса 90-91% ни ташкил этади.

Почта ва телекоммуникацияларнинг тулик ривожланмаганлилигини, уларни

иктисодий субъектлар талабларидан анча оркада қолиши иктисодий ва ижтимоий соҳаларда анча йукотишларга олиб келади. Бирок курибчиқилаётган соҳанинг етарлича ривожланмаганидан йукотишларни уларнинг сифат харақтерида эканлиги туфайли бериш қийин. Шунингдек, алоқа усқуналари ва узатиш мухитининг паст техник даражаси туфайли ахборот технологияларнинг бух ривожланганидан тижорат обрўининг пасайиши самарасини баҳолаш жуда мураккаб. Алоқа воситаларнинг паст фойдаланилиши туфайли вақтида ёрдам курсатилмаслиги сабабли саломатликка, ҳаётга, мулкка, етказилувчи зарарни баҳолаш ҳам қийин.

Хисобларнинг курсатишича электртармоғнинг ривожланишига киритилмаган ҳар бир Сум ВВП йукотилишини 3,1 сумга ошишига олиб келади.

Ривожланиш республика иктисодий усиши интенсив омили булган алоқа биринчи навбатда интенсив омиллар ривожланиши билан аниқланади. Шунга мувофиқ алоқа ривожланиш даражаси, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг алоқа воситалари билан таъминланганлиги даражаси ҳозирги вақтда иктисод етуқлиги, унинг интенсификация даражаси меҳнат унумдорлиги ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги усиш суратларини тавсифловчи ИТТ муҳим индикаторларидан биридир. Шунинг учун алоқанинг тез суратларда ривожланиши ИТТ нинг энг муҳим, устивор йуналишларидан бири, ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш самарадорлигини ошириш омили сифатида қаралиш керак.

Кизиқарлики 1992 й телекоммуникацион бозори умумий қисми АКШ 535 млрд долларни ташкил этди, хизматлар – 415 млрд АКШ дол. Америка ва Европа бозорлари хизматлардан келган умумий маблағларнинг 75%, Осиё -20%, Африка, Тинч океани ҳудуди, Собик СССР мамлакатлари ва уларнинг иттифокдошлари қолган 5 % ни ташкил этди. Бунга бошқа нуқтаи назардан қаралса, 24 мамлакатни уз ичига олувчи иктисодий ҳамкорлик ташкилоти телекоммуникацион сектор Дунё хизматларидан тушган даромадларнинг 85 % ни қиритган. Бу демакки, ИХТ аъзо-мамлакатлари 16% дунё аҳолисини ташкил этишга қарамай, деярли 80% Дунё телефонларига эгалар.

2009 йил давомида Дунё инқирози туфайли Жаҳон иктисодиёти торайди, телекоммуникациялар даромади эса, аксинча хизматлар секторида 8% га ва усқуналар ишлаб чиқариш секторида 1991 йилга нисбатан 9 %га ошган.

Телекоммуникацион хизматлар жаҳон бозори ҳажми 2005 йил 60 млрд долларга баҳоланди. ЕИ мамлакатлари қисми 34 %ни ташкил этди. ЕИ мамлакатларида яқин йилларда бозор усиши уртача суратларининг 6-8% ни ташкил этади, бунда 2010 йилда телекоммуникациялар соҳасида Европа хизматлар бозори 250 % га усади ва 556 млрд. доллар даражасига етади.

Телекоммуникацияларнинг иктисодга таъсирини аниқлаш усулларида бири телекоммуникацияларнинг ВВП даги қисмини аниқлашдан иборат. Дунё миқкиёсида бу 1,8% ёки 2,2, бу ерга усқуналаришлаб чиқаришни қиритса, ташкил этади. Бу рақам ҳудудлар бўйича узгаради, бунда энг юқори 2,6% - Тинч океани региони иктисодиётида. Қатор мамлакатларда телекоммуникацияларнинг ЯММдаги қисми қата. Бунга қиради:

- туризмдан юқори даромад олувчи мамлакатлар, масалан Барбадос (7,3%) ва Сейшел ороллари (6,49%);

- Иммигрантлар ва импорантлар қуп булган мамлакатлар, Йордания (3,7%), Янги Зеландия (3,5%), Исроил (2,8%).

- Юқори ҳалқаро транспорт стандартли қичик мамлакатлар, Масалан Син-

гапур (3,9%), Гонгконг (2,9%), Люксембург (2,4%),

- тармок ракобатлашувига йул қўювчи мамлакатлар (8 та ИХТ мамлакатлари).

Бугунги кунда телекоммуникация энг динамик Дуне секторларидан бири. Ката ва кичик бизнес, истеъмолчилар гурухи, инвестицион банклар, сиёсатчилар, ривожланувчи ташкилотлар, конунчилар, иктисодчилар, олимлар, юристлар-хамма хозир фаол телекоммуникацион секторга жалб этилган. Алокани ривожлантириш муаммоси Халкаро электралока уюшмаси томонидан куйилган булиб, унинг хал этилиши миллий алока тармокларининг ривожлантирилиши ва ахборот алмашуви глобал тизимининг яратилишининг тезлашувига ёрдам беради.

Халкаро электралока конвенциясида 80-йиллар бошларидаёк узилган эди.

«Хар кандай мамлакат иктисодий ривожланиш дастури унда алока воситаларининг миллий иктисодиёт ривожланишидаги ролига кераклича эътибор берилмагунча ва алока миллий тизимлари ривожланишга маълум устуворлик берилмагунча балансланган ва самарали деб карала олмайди».

Замонавий телекоммуникациялар республика хаётида уйнайдиган улкан ролдан келиб чикиб баркарор иктисодий ушшни таминлаш мухим давлат масаласи булиш ва Ўзбекистон иктисоди ривожланишининг устивор йуналишларидан бири сифатида каралиши керак.

10 МАВЗУ: АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Режа:

10.1. Ўзбекистон Республикасида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари ва улар фаолиятини янгича ташкил қилиш

10.2. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил қилишда мулкчилик

10.3. Маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари фаолияти.

10.4. Қишлоқларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғида кадрлар тайёрлаш ва иктисодий ҳамкорликлар

Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тартиби, уни ташкил этиш тизими ва йўналишлари турли хил. Лекин, уларнинг ҳаёт, ривожланганлик даражаси мавжуд ижтимоий, иқтисодий-сиёсий эҳтиёжлар талабига тўла жавоб бермайди. Қишлоқларнинг истиқболда ижтимоий ривожланишини хизмат кўрсатиш соҳаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан эндиликда:

- ишлаб чиқаришга хизмат қилиш;
- деҳқончиликнинг барча йўналишлари бўйича маҳсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш;
- деҳқонлар томонидан етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш ва аҳолига етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатадиган соҳаларни ташкил этиш;
- техник-транспорт хизматини яхшилаш;
- ишчи кучларининг иш жойларига бориб-келишларини таъминлайдиган, иш жойларини ўрганадиган, маълум тавсиялар, ёрдам ва юридик

маслаҳатлар берадиган хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Булар асосан, деҳқончилик меҳнати, уни ташкил этиш билан хизмат кўрсатиш соҳаларини боғлайдиган ташкилотларга тегишли бўлиб, бу ташкилотлар ўз истикболи, манфаатларини деҳқончиликда хизмат соҳасини шу асосда яратишлари зарур.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш қишлоқда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугун саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиш, маҳсулотларни қайта ишлайдиган саноат корхоналарини қишлоққа жойлаштиришни маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркор ишбилармонлар, турли мулк эгалари олдида асосий вазифа этиб қўйилгани ҳам тасодикий эмас.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш тармоқлари асосан шаҳар ва туман марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уни шаҳар атрофидаги посёлка, қишлоқларда ташкил этиш зарурати ортмоқда. Шунини доимо назарда тутмоғимиз керакки, хизмат кўрсатиш тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаётганлиги, жамиятнинг ривожланаётганлигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида сўз борар экан, биз Ўзбекистонда амал қилаётган хизмат турларини санаб ўтишимиз лозим. Булар турли соҳаларда бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- маиший хизмат кўрсатиш;
- йўловчи ташиш хизмати;
- алоқа хизмати;
- уй-жой хўжалиги;
- таълим тизими;
- маданий хизмат кўрсатиш;
- сайёҳлик-экскурсия хизмати;
- жисмоний тарбия ва спорт хизмати;
- соғлиқни сақлаш (тиббий) хизмати;
- санатория-курорт ва соғломлаштириш хизмати;
- ҳуқуқий тусдаги ва банк муассасаси хизмати;
- коммунал хизматлар.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш таркибига қуйидаги хизматлар кирadi:

- пойабзал таъмирлаш ва тикиш;
- кийим-бош ва трикотаж молларини тикиш, тўқиш ва таъмирлаш;
- телерадио, видео, аудио аппаратларини таъмирлаш;
- металл буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
- мебель ясаш ва таъмирлаш;
- кимиёвий тозалаш ва бўяш;
- кир ювиш хизмати;
- уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш;

- сурат ва ва сурат кинолабаротория хизмати;
- ҳаммом ва душ хизмати;
- сартарошлик ва косметаллогик хизмат;
- буюмларни ижарага бериш хизмати;
- аҳолига юк ташиш транспорти хизмати;
- маросимлар ўтказиш хизмати.

Маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари, яъни бильярд ва теннис столларини соатбай ижарага бериш хизмати янги хизмат турига киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида»ги ПФ-1843 сонли фармонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 446-сонли, 1995 йил 12 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 399-сонли қарорларига мувофиқ республикаси шаҳар ва вилоятларида ҳудудий маиший хизмат кўрсатувчи объектларни ҳисобга олиш мақсадида шаҳар ва вилоят ҳокимиятлари таркибида маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари ташкил қилинган. Уларга аъзо бўлган маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига турли қийматликлар ва имтиёзларни қўллаш имкониятлари берилди:

- маиший хизмат кўрсатиш объектлари янгидан ташкил этилган тақдирда бино ва ер майдонлари билан таъминлашни вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари миқёсида ҳал қилиш;
- янги ташкил этилган маиший хизмат корхонаси ҳокимият балансидаги бинода жойлашган бўлса, ижара шартномаси тузилган вақтда имтиёзли нархлардан фойдаланади;
- маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил қилинганда, уларни рўйхатдадан ўтказишда ва фаолиятини амалга оширишда амалда кўрсатилган тадбиркорларни фаолиятни ҳимоя қилиш қонун-қоидаларида кўрсатилгандек қўллаб-қувватлаш.

Маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари Давлат мулк кўмитаси, вилоятлар ва шаҳар савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли ишлаб чиқарувчилари департаменти, инвестиция бошқармалари, «Бизнес-фонд», Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банклари томонидан қўллаб турилиши қарорларда белгилаб ўтилган. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш ва янги моддий-техника жиҳозларига, замонавий инвентарларга, инвестиция лойиҳалари учун хорижий банклар ва халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари бўйича кредит олиш, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хомашё, энг сўнгги замонавий асбоблар ва инвентарлар етказиб беришда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш тажрибаларини белгилаган.

Шунингдек, меҳнат ва иш билан боғлиқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари зиммаларига, айниқса, бандлик хизмати жамғармаси ҳисобидан ишсиз аҳолини мутахассис сифатида тайёрлашга жалб қилиш тўғрисида кўрсатиб ўтилган.

Вилоят ва шаҳар молия бошқармалари ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, «Ўздавстандарт» вилоят ва шаҳар бошқармалари, солиқ бошқармалари томонидан маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарни «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга, «Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қоидалари»га тўла риоя этиш бўйича назорат қилади ва керакли норматив ва қўлламалар, ахборотлар билан таъминлайди.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридан тушган солиқлар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, реконструкция қилиш жараёнидаги харажатларни камайтиради.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши керак. Биринчи навбатда зарар кўриб ишловчи корхоналар, уй-жой фонди, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва ташкилотлари, савдо ва умумий овқатланиш, маҳаллий саноат корхоналарини хусусийлаштириши лозим (И.А. Каримов, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», 50-бет).

Қишлоқда ислохотларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.



5- чизма. Маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси чизмаси

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохотлар аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантирди. Бунга деҳқон ва фермер хўжаликларига ерни узок муддатга ижарага топшириш ўтиш даврининг асосий йўналишлари бўлди. Шулар билан бирга маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам мулкчилик шакллари ўзгарди. Бунда асосан маиший хизмат кўрсатиш объектларини хусусийлаштириш ёки аукционда сотиш йўллари билан эришилди. Туманлар марказларида, маҳалла, жамоа хўжаликларида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этила бошлади. Маиший хизмат кўрсатиш объектларини хусусий фирма шаклида ҳамда хусусий тадбиркорликлар шаклида тузиш жадал тус олди. Бу маиший хизмат кўрсатиш соҳасида монополия тугатилишича, рақобатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилишига олиб келди. Рақобатли хизмат кўрсатиш, маълумки, нархни пасайтиради ва хизмат кўрсатиш сифати даражасини оширади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаёт-

ган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш ва шу тариқа қишлоқларда ишсизликнинг кучайиб бориш хавфи баҳам топишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрлаш ўтиш даврининг талаби бўлган узлуксиз таълим асосида бажарилади. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашни хоҳловчи қишлоқ ёшлари мажбурий таълимдан сўнг жойларда ташкил қилинган лицей ва коллежларда касб-хунар эгаллайдилар. Ҳозирги вақтда узлуксиз таълим тизимини жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган даражага кўтариш амалга оширилмоқда. Уларда таълим харажатлари давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига қопланади.

Маиший хизмат кўрсатиш ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳозирда ташкил қилинаётган ўқув марказлари, ойлик курсларда, чет элнинг Ўзбекистондаги ўқув фондлари, фирмалар ёки жисмоний шахслар буюртмалари бўйича пуллик амалга оширилади.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида чет элликлар билан ҳам алоқалар ўрнатилмоқда, хусусан, сартарошлик хизмати бўйича, Германия ва Франция давлатлари билан тузилган шартномалар асосида замонавий асбоб-анжомлар, электр техникалари олиб келинмоқда ва ўрнатилмоқда. Автомобилларни таъмирлаш соҳасида Корея, Туркия, АҚШ, Германия, Италияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар олиб келиниб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган хизмат даражасига эришилмоқда. Кимийвий тозалаш ва кир ювиш хизмат турлари бўйича Италия, Германия давлатлари билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этилмоқда. Пойабзал, хусусан, ортопедия пойабзалларини тикиш бўйича Германия билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Радиоаппаратура, сурат ва сурат кинооператорлари хизмат турлари бўйича Корея, АҚШ фирмалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари нималардан иборат?
2. Маданий маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мулкчилик шаклларида қандай амалга оширилади?
3. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатишда кадрлар тайёрлаш қандай амалга оширилади?
4. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш таркибига қандай хизматлар кирди?

11 МАВЗУ: СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа:

- 11.1. Соғлиқни сақлаш муассаларининг таъминоти
- 11.2. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш
- 11.3. Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш муаммолари
- 11.4. Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар

Мустақил Ўзбекистонда 1991 йилдан буён ижтимоий ва иқтисодий сиёсатда туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, соғлиқни

сақлаш тизимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди ва уни ислоҳ қилишнинг аниқ ҳаётий зарурати юзага келди.

1991-1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан ҳамкорликда соғлиқни сақлашни молиялаштириш сиёсатини ўзгартирди. Бюджет маблағлари аҳоли жон бошига қараб ажратилмоқда, амбулатория-поликлиника муассасалари аҳолининг хизмат кўрсатилган қисми шифохонада даволанган беморлар сонига қараб молиялаштирилади. Натижада тармоқни экстенсив ривожлантириш тўхтатилиб, кундузги даволаш хизмати устун даражада ривожлантирила бошлади. Кундузги хизмат амбулатория хизмати фойдасига 80 %дан 60 %га камайиб, кейингисида молиялаш салмоғи 9-10 %дан 30-40 % гача ўсди.

2003 натижаларига кўра маҳаллий бюджетнинг 50,6 %и амбулатория-поликлиника тармоғига, 43,0 %и стационар хизмат тармоғига ва 6,4 %и бошқа тармоқларга йўналтирилган.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳот соғлиқни сақлашни ривожлантиришни интенсификациялаш ва захиралардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизмларни шакллантиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда саломатликни муҳофаза этиш борасида қатор қонунчилик ҳужжатларига таянилмоқда. Улардан энг муҳими – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 29 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонундир. Ушбу қонун халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган ва халқаро стандартларга мувофиқ келади. У фуқароларнинг сифатли тиббий ёрдам олишга бўлган тенг ҳуқуқларини таъминлайди. Статистик маълумотларга қараганда, соғлиқни сақлаш харажатларининг ҳар бир кишига тўғри келади-ган миқдори қуйидагича: 1995 йилда 454 сўм, 1996 йилда 792 сўм, 1997 йилда 1275 сўм, 1998 йилда 1511 сўм, 1999 йилда 2334 сўм. Демак, ҳар бир кишига тўғри келадиган харажатлар 1999 йили 1995 йилдагига нисбатан 1880 сўмга ошган ва 2334 сўмни ташкил этган. Қонунда ҳуқуқлар билан бир қаторда фуқароларнинг жамоат ва шахсий саломатликни сақлаш учун жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган. Қонун аҳоли ва айрим жамоалар (қишлоқ, овул, маҳалла) ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг тозаликни сақлаш, саломатлик ва гигиена тарбиясида одамлар соғлиғини яхшилаш мақсадида жамоатчилик сифатида иштирок этишларини кенгайтиришни ҳам назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожлантириш та-мойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, у соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш-нинг узок даврга мўлжалланган истиқболларини назарда тутди:

- ривожланишнинг экстенсив йўлидан тиббий-санитария муассасаларини интенсификациялашга ўтиш;
- ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизмларни шакллантириш;
- соғлиқни сақлаш бошқарувини марказлаштиришдан воз кечиш;
- соғлиқни сақлашда янги молиявий механизмларни яратиш;
- аҳоли соғлиғини муҳофаза этишда устувор йўналишларни белгилаш;
- олий тиббий таълим ва тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш;

- юқумли касалликларнинг олдини олиш чораларини кўриш.

Шунинг ўзиёқ аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббий техникаси ва жиҳозларига бўлган эҳтиёж бозорини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, молиялаштиришни марказлаштиришдан воз кечиш соғлиқни сақлаш бюджетининг 80-85 %ини маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан шакллантиш ва 12-20 %ини республика миқёсида сақлаб қолиш имконини яратди. Яқин йилларда соғлиқни сақлаш бюджети маблағлари 60 %ини давлат ҳисобидан, 30 %ини тиббий суғуртани ривожлантириш ҳисобидан ва 10 %ини пуллик хизмат ҳисобидан қоплаш мўлжалланмоқда.

Соғлиқни сақлашни молиялаштириш. Соғлиқни сақлашнинг давлат тизимини қайта қуриш тиббий хизматлар бозорини яратишда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва унинг турли шакллари вужудга келтиришда намоён бўлади. Ўз навбатида, бу ўтиш даврига хос бўлган ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳажми ҳамда сифатига сезиларли таъсир кўрсатувчи муаммони юзага келтиради, яъни соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизми қайта қурилади. Бу ижтимоий молиялаштиришнинг камайишида, хусусий бўғиннинг пайдо бўлиши ва кенгайишида, тармоқни бошқариш тизимининг кескин ўзгаришида намоён бўлади.

Жаҳонда ўтказилаётган тадқиқотлар шундан далолат берадики, миллатнинг соғломлиги соғлиқни сақлашга қилинаётган харажатлар миқдорига бевоқифа боғлиқ бўлмаса-да, соғлиқни сақлаш соҳаси ўзининг асосий вазифасини бажариш учун соҳага сарфланадиган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6-10 %ни ташкил этиши лозимлиги умумий равишда қабул қилинган. Кўплаб ривожланган мамлакатларда беморларнинг даволаниши учун қилинадиган сарфлар ҳиссаси умумий харажатлар миқдорининг 10-30 %и чегарасида тебраниб туради.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (УССТ) мутахассисларининг фикрича, молиялаштиришнинг асосий манбалари ўртасидаги нисбатда қуйидагича ҳолат афзал деб ҳисобланади: давлат бюджети-60, тиббий суғурта-30, пулли хизматлар-10%.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришда давлатга муҳим аҳамият берилиши қуйидаги уч асосий шароит билан асосланади: биринчидан, камбағалликни қисқартириш ва хизмат учун эса ўзи ҳақ тўлай олмайдиганларни тиббий ёрдам билан таъминлашнинг зарурати; иккинчидан, тиббий хизматларнинг баъзи кўринишлари ижтимоий неъмат ҳисобланади ва у ташқи самарага эга. Масалан, касаллик тарқатувчилар билан курашган, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий билимларни тарқатиш ва ниҳоят, учинчидан, соғлиқни сақлашга ҳамда тиббий суғурта бозори механизми камчиликларни бартараф этиш (касалланиш хавфининг турли даражаси, инфорацион асимметрия: тиббий хизматчилар фақат хизмат кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга қандай хизмат кўрсатилиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қиладилар). Шу сабабдан ҳам барча мамлакатларда давлат соғлиқни сақлаш тизимига аралашади. Бироқ, бу аралашув даражаси соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича турличадир.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг энг муҳим шартларидан бири тармоқни молиялаштиришнинг янги шаклини излаб топиш бўлди. Амбулатория-поликлиника муассасаларини молиялаштириш хизмат кўрсатилган аҳоли со-

нига, доимий даволаш муассасаларида даволанган беморлар сонига қараб белгилана бошлади. Сўнгги йилларда самарасиз фойдаланилган ўрин-тўшак сонлари қисқартирилди, бу тиббий ёрдам кўрсатишнинг иқтисодий рентабелли амбулатория шаклини жорий этиш имконини берди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий асосларини шакллантириш негизида молиявий режалаштириш ётади. Айнан ана шундай режалаштириш муассасаларни сақлаш эҳтиёжи учун йўналтирилаётган маблағлар миқдори, тармоқ ичида ресурсларни тақсимлаш принциплари, улардан самарали фойдаланиш даражаси, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини шартли равишда чегаралаб беради. Шунинг учун соғлиқни сақлаш, молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича бошланган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тармоқни молиялашни режалаштириш ва мувофиқлаштириш масалалари қанчалик пухта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Соғлиқни тизимини сақлаш молиявий таъминлаш жараёнини такомиллаштириш саломатликни муҳофаза этиш учун харажатларни режалаштиришнинг шакли ва услуби ўзгариши билан узвий боғлиқ. Ушбу йўналишдаги бош вазифа ажратилаётган молиявий ресурсларни тиббий муассасалар фаолиятининг пировард натижаси билан мустаҳкам боғлашдан иборат қилиб қўйилмоғи керак. Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият кўрсатишлари учун йўналтирилаётган молиявий маблағларнинг миқдори бевосита бажарилган ишлар ҳажми ва унинг самарадорлиги даражасига боғлиқ бўлиши керак. Тиббий ёрдам кўрсатилиши учун харажатларни режалаштиришни ташкил қилишда бундай ёндашув тармоқнинг молиявий ресурсларидан энг кўпроқ тежамли фойдаланиш, уларнинг сафарбарлигини кучайтириш имконини беради.

Тармоқни молиялаштиришнинг бюджет-суғурта модели шаклида тиббий муассасалар эҳтиёжи учун сарфларни қоплаш масаласини ҳал этишга энг мақбул ёндашувларни излашда соғлиқни сақлаш тизимини молиявий режалаштиришнинг ҳозирги амалиётини таҳлил этиш ёрдам беради. Бозор иқтисодиётини шакллантириш босқичини босиб ўтган мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибдики, у соғлиқни сақлаш етарли фаолият кўрсатиши учун давлат соғлиқни сақлаш тизими билан хизмат кўрсатишнинг хусусий соҳаси қўшиб олиб борилиши керак. Айни вақтда республикада бир қатор хусусий тиббиёт муассасалари ишлаб турибди. Шунингденк, дорихона хизматини, «Тибтехника» ва «Тибтаълим» муассасаларини марказлаштириб бошқаришдан воз кечилди амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш муаммолари. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш иқтисодиётини яқин келажакдаги муаммоси ва вазифаси заҳираларнинг ҳажми ва уларни тақсимлаш бўйича самарали бошқариладиган чегаралар ҳамда улардан тиббиёт хизматида фойдаланишни баҳолаш механизминини излаб топишдир.

Соғлиқни сақлашдаги ислохотларнинг асосий қоидалари соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришни интенсификациялаш ва заҳиралардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизмларни шакллантиришдир. Бу тиббиёт хизматини қайта тузиш ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали, янги шакллари жорий қилишни талаб этади. Ислохотнинг дастлабки босқичида самарасиз фойдаланилаётган касалхона ўринлари қисқартирилди, улар ўрнига кундузги – қатнаб даволаш муассасалари, уйда даволаш ва

амбулатория-ёрдам маркази каби турдаги тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги шакллари ривож топди. Бу ислохот тиббий ёрдами кўрсатиш салмоғини қимматбаҳо стационар секторидан амбулатория хизмати томон кўчиришни таъминлади.

3-жадвал. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш маблағлари

	2008 йил		2009 йил	
	сумма	%	сумма	%
Жами (млрд.сўм)	143,2	100.0	159.4	100,0
Давлат бюджети маблағлари	141,9	97,0	156,7	95,5
Ҳомийлар маблағи (млрд.сўм)	10,1	0,2	11.1	1,9
Пуллик хизматлардан тушган маблағ (млрд. сўм)	11,2	2,8	11,6	2,7

Республикада илк бор умумий врачлик амалиёти тизими ишлаб чиқилди ва жорий этила бошлади, бу айнан қишлоқ врачлик муассасалари тармоғини интеграциялаш ва самарасиз ишлаётган бир қатор тиббиёт муассасаларини қисқартириш имконини берди. Ўзбекистонда босқичма-босқич хусусий тиббий хизмат шаклланмоқда, бу давлат тиббиёти ва хусусий тиббиёт ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтиради ҳамда мижозлар тиббий хизматни танлаб олиши учун имконият яратади, пировард натижада тиббиёт хизмати сифатининг юксалишига таъсир кўрсатади.

Оила, она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш, юқумли касалликларга қарши кураш, умумий амалиётли врачлар тайёрлаш бўйича оламшумул устуворликлар белгилаб олинди. Шундай қилиб, соғлиқни сақлашни босқичма-босқич қайта шакллантиришнинг Ўзбекистонга хос усули аниқланди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тармоғи ҳозирги даврда халқаро майдонга чиқди ва БМТ ихтисослаштирилган агентликлари фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Биринчи навбатда, бу бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, ПРООН ва бир қатор халқаро жамиятлар билан ҳамкорликда кўзга ташланмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида кечган сўнгги машаққатли йиллар маълум ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Мамлакатда умр кўриш даражаси узайди, аҳоли ўлими камайди, айниқса, оналар ва болалар ўлими камайишига эришилди. Соғлиқни сақлаш тизимини қайта шакллантиришнинг энг муҳим ютуқларидан бири ягона соғлиқни сақлаш тизимининг жорий этилиши бўлди, бу соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа шакллари йиғилмасини ўзида намоён қилди.

Тармоқни ислоҳ қилишнинг ўтган босқичлари ва узоқ муддатли истиқболи соғлиқни сақлашнинг суғуртали тиббиётга босқичма-босқич ўтиши учун олдиндан яратилган пойдевори ҳисобланади. Эски тузумдан мерос бўлиб қолган, ўтиш даври иқтисодиёти шароитида чуқурлашган муаммолардан бири соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси эскирганлиги ва уларнинг мақсадга тўғри келмайдиган тузилиши ҳисобланади.

Ўн йиллар мобайнида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тиббиёт муассасалари сонини ошириш ҳисобига ривожланди. Бунда асосий эътибор касалхона-

лар ва стационарларни кенгайтиришга қаратилган. Соғлиқни сақлашнинг кўплаб объектлари, айниқса, қишлоқ жойларда, кичик биноларда жойлашган бўлиб, зарур тиббий ускуналар билан жуда суғустилган эди. Шу билан бирга касалхона шохобчаларини устун равишда ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш соғлиқни сақлаш тузимидаги муҳим бўғин – биринчи тиббий ёрдам эътибордан четда қолишига олиб келди. Бутун жаҳонда эса аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича асосий ишлар айнан шу бўғин ҳиссасига тўғри келди.

Ҳозирги вақтга келиб, тиббий муассасалар инфратузилмаси қайта қурилмоқда. Аҳолининг жойлашиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда 1500 ва ундан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ шифокорлик бўлинмалари (ҚШБ) ташкил этишга қарор қилинди. ҚШБ умумий амалиёт дастури бўйича тайёрланган шифокорлар билан таъминланади. Улар тиббиётнинг деярли барча асосий йўналишлари бўйича аҳолига ёрдам кўрсатишга, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтказиш ва барча касалликларнинг олдини олиш ишларини ҳам ўтказишга мўлжалланганлиги учун бўлинмаларни ташкил этишда мавжуд фельдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ тиббий амбулаторияларини йўқотиш ва қайта ташкил этиш кўзда тутилган.

Бу иш 2005-2010 йилларда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг давлат Дастури, шунингдек, республика ҳукуматининг Жаҳон банки билан биргаликдаги лойиҳа доирасида амалга оширилди. Ушбу лойиҳа қишлоқ жойларидаги соғлиқни сақлаш хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва шифокор ҳамда ҳамширалар, янги ходималар, шунингдек, ҚШБни бошқариш, молиялаштириш тузими вазифаларини тақомиллаштириш йўли билан қайта ташкил этишни кўзда тутди.

Айни пайтда хусусий тиббий хизматлар ва тиббий суғурталашни ривожлантириш қатор муҳим шарт-шароитлар йўқлиги ёки етарли эмаслиги оқибатида тўхтаб турибди. Булардан, ёрдамга муҳтож аҳоли даромад ва жамғармаларининг паст даражадалигини ҳамда молия бозорининг суғустилганлигини ажратиш кўрсатиш керак. Шунга қарамай, соғлиқни сақлаш бюджетининг умумий ҳажмида пулли тиббий хизматлар ҳиссаси ўсиб бормоқда. Ушбу шароитда пулли хизматларнинг ўсиш жараёни икки вазият туфайли юз бериши мумкин:

а) ҳар қандай тиббий хизматларни сотиб олиш имконига эга бўлган бой кишилар сонининг кўпайиши;

б) аҳолини ўз пул маблағларининг маълум қисмини, бошқа муҳим ҳаётий эҳтиёжларидан тежаган ҳолда, тиббий хизматлар учун ажратишга мажбур қилувчи соғлиқни сақлаш соҳасидаги мураккаб вазият.

Шундай қилиб, умуман, тўла ижобий ифодага эга бўлган бу жараён ҳозирги шароитда аҳолининг тиббий хизматларни истеъмол қилишда кескин табақалашувига, тиббиёт ходимлари малакаси ва маънавияти кескин фарқланиши, малакавий табақалашувига олиб келиш эҳтимоли бор. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий муассасаларни хусусийлаштириш дастури бу жараёни янада чуқурлаштириши мумкин. Шунинг учун, соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида шахсларнинг даромади даражасидан қатъи назар, давлат томонидан қафолатланган тиббий хизматлар турларини аниқлаш ва ўрнатиш,

шунингдек, кам таъминланган тоифаларга ўз соғлиғини сақлашга ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими — Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтисослаштирилган бўлимлар тузилган бўлиб, улар аҳолига тезкор бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Шифокорлар малакаси ҳамда замонавий тиббий техника билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими шифокорлари ҳамда тиббиёт ходимлари меҳнатини ташкил этиш ва моддий рағбатлантириш тизими муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Аҳолига, энг аввало, қишлоқ жойлардаги аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ислоҳ қилинмоқда. Республиканинг барча туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Илғор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали, ихтисослаштирилган, тиббий ёрдамга муҳтож беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташхис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган махсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш орқали соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилинмоқда. Махсус клиникалар ва тиббий марказлар, қоида тариқасида, қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

яхши тайёргарлик кўрган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў-эътибор қозонган шифокор-мутахассисларга эга бўлиш;

юқори технологияли ташхис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган, замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;

ўз тиббий амалиётида жаҳон талабларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усуллари жорий этиш ҳамда кенг қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг тажриба тариқасида қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига биноан:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган урология маркази;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази;

Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази негизида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази;

Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Қуйидагилар ташкил этилаётган ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- Марказ фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича замонавий ташхис усуллари жорий этиш ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;
- мавжуд тиббий техника ва аппаратларнинг доимий янгиланиб ва замонавийлаштириб борилишини таъминлаш, марказни илғор жаҳон ютуқлари даражасида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;
- Марказнинг ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;
- Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан, мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт ўқув муассасалари ва клиникаларда амалий малака орттиришларини ташкил этиш ҳисобига касб маҳоратини доимий ошириб бориш ва такомиллаштириш;
- беморларни даволашнинг илғор усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;
- соҳага алоқадор илғор хорижий тиббиёт муассасалари ва марказлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустақамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг қўламда айрибошлашни таъминлаш.

Бу тадбирларни амалга оширишда шундай тартиб ўрнатилдики, бунда: давлат иомидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказ Кенгаши тимсолида Марказнинг меҳнат жамоаси Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларининг муассислари ҳисобланадилар;

давлатга тегишли мулк ишончли бошқарув ҳуқуқи билан Марказнинг устав жамғармасига топширилади;

давлат томонидан мададга муҳтож бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги шахслар)га давлат бюджети ҳисобидан юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади.

Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари, Марказнинг ўз даромадлари ва жалб этиладиган манбалар (грантлар, ҳомийларнинг маблағлари ва бошқалар) ҳисобига аралаш асосда молияланади. Бунда давлат бюджети маблағлари ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали харажат моддалари бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги республика бюджетларини шакллантириш чоғида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2004 йилдан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган марказларининг

узоғи билан 2008 йилда ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплашга ўтишини назарда тутган ҳолда ушбу Марказларни сақлашга бюджет маблағларининг жорий харажатлари босқичма-босқич камайтириб борилишини кўзда тутган. Марказ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Марказ Кенгаши Республика ихтисослаштирилган тиббий марказининг юқори бошқарув идораси ҳисобланиши белгилаб қўйилиши кўзда тутилмоқда. Кенгаши аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномаси бўйича ҳукумат қарори билан тайинланадиган директор Марказ Кенгашининг раиси ҳисобланади.

Марказларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш;

лавозимлар рўйхатини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш.

Қуйидагилар тасдиқланди:

Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом;

Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган марказлар билан биргаликда белгиланган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқлади:

ташхис ва даволаш сифати стандартларига риоя этган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика марказлари томонидан аҳолига пулли хизмат кўрсатиш қоидалари;

Республика ихтисослаштирилган марказларини молиялаш тартиби ва манбалари тўғрисида Низом;

ихтисослаштирилган марказлар томонидан пулли тиббий ёрдам кўрсатиш учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби;

имтиёзли тоифадаги беморларни даволаш ҳақини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказларининг бюджет маблағларидан, тасдиқланган тарифлардан мақсадли ва қонуний фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Республика ихтисослаштирилган марказларини даволаш ва ташхис ускуналари, тиббиёт асбоблари билан жиҳозлаш нормативларини ишлаб чиқиб, ана шу нормативлар асосида 2003 йилдан бошлаб, республика инвестиция дастурларида уларни замонавий тиббиёт ускуналари ва асбоблари билан тўлиқ таъминлаш учун зарур капитал маблағлар кўзда тутилган.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу Республика ихтисослаштирилган марказлари ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асбоблари учун 2003 йилнинг 1 мартидан то 2013 йилнинг 31

декабрига қадар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар, божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинди, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2003 йилда амалга ошириладиган тажриба таҳлили натижалари бўйича Марказларнинг норматив базасини, улар фаолиятини ташкил этиш ва молиялаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Соғлиқни сақлашда «таъминот» тушунчаси нима?
2. Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси нима?
3. Ижтимоий инфратузилма қандай ташкил этилади?